O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY ...
INV. №

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI *

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 2-aprel, chorshanba | № 26 (7531)

**Da'vat**

*Qayerdaki fan yuksakda,*

*Unda yuksak inson ham.*

Aleksandr POLEJAYEV

**Ibrat**

*Navro'zda Oqqo'rg'on tumanidagi "Pokiza-M" fermer xo'jaligi 6 nafar kam ta'minlangan oilalar farzandlarining sunnat to'ylarini o'tkazib berdi. Xo'jalik 2 ta maktabga muntazam homiylik ham qilmoqda.*

## SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

### TOSHKENT JAHONNING MOLIYAVIY MARKAZIGA AYLANADI

Shu yilning 4-5-may kunlari mamlakatimiz poytaxti Toshkent shahrida bo'lib o'tadigan Yevropa Tiklanish va Taraqqiyot Banki Boshqaruv Kengashining XII yillik yig'ilishi va uning doirasida tashkil etilayotgan Biznes-anjumanda dunyoning 60 dan ortiq mamlakatlari hukumat a'zolari, jahonning ko'plab nufuzli xalqaro tashkilotlari, yirik transmilliy korporatsiya va kompaniyalar rahbarlari, taniqli siyosatchilar, tadbirkor-ishbilarmonlar va jamoat arboblari ishtirok etishadi.

### TARIXIMIZ KO'ZGUSI

Necha ming yillik tarixga ega, jahon sivilizatsiyasiga munosib hissasini qo'shgan mamlakatimiz tarixini haqqoniy va xolis namoyish etish maqsadida O'zbekiston Fanlar Akademiyasi olimlari tomonidan yaratilgan O'zbekiston tarixi davlat muzeyining yangi ekspozitsiyasidagi o'n mingdan ortiq osori-atiqa, arxeologik yodgorliklar, ashyoviy dalillar, xarita va sxemalar, rang-tasvir asarlari xalqimizning boy o'tmishi haqida hikoya qilsa, undagi mustaqillik yillarida iqtisodiyot, madaniyat, fan, ta'lim, sport va boshqa sohalarda erishilgan muvaffaqiyatlarni aks ettirgan eksponatlar bugungi hayotimiz haqidagi tasavvurlarni ancha boyitadi.

### YANGI MADANIY MAJMUA

Sirdaryo viloyati markazi Guliston shahrida ochilgan, Sharq me'morchiligining eng yaxshi an'analari uslubida bunyod etilgan madaniy majmuadan viloyat "Ma'naviyat va ma'rifat" markazi, markaziy viloyat kutubxonasi, Janubiy koreyalik homiylar homiyligida jihozlangan kompyuter xonasi, madaniy markazlar idoralari, madaniyat boshqarmasi bo'limlari joy oldi.

Давоми 2-бетда

"Olimpiada — 2003"




# ФАРЗАНДЛАР ИҚБОЛИДА ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

*Ўтган ҳафта давомида республикамизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган энг истеъдодли умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синф, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган умумтаълим фан олимпиадалари беллашувларини кузатар эканмиз, ҳар бир иштирокчининг нақадар теран билимга эга эканлигига амин бўлдик. Бу баҳсларнинг муросасиз кечганлигида ҳам кўринади.*

Давоми 3-бетда

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

МАКТАБ ҚУРГАН МУАЛЛИМ — 2-бет

СИНОВ ПАЛЛАСИ ЯҚИНЛАШМОҚДА — 4-бет

ХОЖАЛАР ХОЖАСИ — 5-бет

ХАЛҚИНИ ЭМАС, ХАЛҚУМИНИ ЎЙЛАГАНЛАР — Миллион-миллион пулларидан айрилишди — 7-бет

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ — Венгерча кроссворд — 8-бет

**E'tibor**

# АЖОЙИБ АНЪАНА

Мамлакатимиз раҳбарининг болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисидаги Фармони кўп эзгу ишларга пойдевор бўлмоқда. Сўзим аввалида бунга эътибор қаратганимнинг сабаби Навоий номидаги ширкат хўжалигимиз ҳудудида бунёд этилаётган икки қаватли спорт мажмуасидир. Ҳозиргача 7 миллион 469 минг сўмлик иш бажарилган бу мажмуада ёшларнинг спортнинг теннис, волейбол, футбол, қўл тўпи, гимнастика, шахмат-шашка каби турлари билан шуғулланишларига имконият яратилади. Мазкур спорт мажмуаси ишга тушгач, унда 5 ёшдан 17 ёшгача бўлган 2098 нафар ўсмир шуғулланиши мумкин. Айни пайтда ширкат хўжалиги томонидан спорт анжомлари олиш учун 3 миллион сўмлик маблағ ажратилиб, уларнинг муайян қисми келтирилди. Ширкат хўжалиги мажмуани юртимиз истиқлолининг 13 йиллик тўйига армуғон қилишни мўлжаллашмоқда.

Маълумки, вилоят ҳокимининг қарорига мувофиқ туманларда ҳар ойнинг учинчи душанбаси "Мактаблар куни" деб эълон қилинган. Шунга асосан, 13-мактабга ҳам ширкат хўжалиги томонидан бир гектар ер ажратилган. Унга сабзавот, дон экинлари экилиб, даромади кам таъминланган оилалар фарзандлари эҳтиёжига сарфланаётир. Жорий йилнинг бошларида мактабимизда бўлиб ўтган ота-оналар кенгашининг йиллик йиғилишида иштирок этган ширкат раиси Баҳодир Тўхтаев шундай ташаббусни илгари сурди: у иқтидорли болаларни рағбатлантириш мақсадида уларнинг ҳар бирига икки минг сўмдан стипендия ажратишини айтди. Айни пайтда мактабимиздан 25 нафар, ширкат хўжалигидаги 12-мактабдан эса 35 нафар иқтидорли ўқувчи ана шундай стипендия олиб келишаётир.

Яна бир ажойиб анъана шаклланаётганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Ширкат хўжалиги раҳбарияти турли байрамлар олдидан марҳум ўқитувчиларимиз хотира турнирларини ўтказишга бош-қош бўлмоқда. Масалан, Р.Худойберганов, И.Қурбонов сингари марҳум ўқитувчилар хотирасига бағишлаб ўтказилган волейбол беллашувини бунга мисол қилиш мумкин. Турнир ғолиблари ва марҳумларнинг оила аъзоларига Навоий номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси эсдалик совғалари топширди.

Фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишларига бўлган бундай эътибор эса биз ўқитувчиларни ҳам кўтаринки руҳ билан ишлашга даъват этмоқда.

**Азиза САФАРОВА,**
**Бухоро вилояти, Олот туманидаги 13-мактаб ўқитувчиси**

# «БАРКАМОЛ АВЛОД-2003»: СПОРТ БАЙРАМИГА ТАРАДДУД

### СОҒЛОМ АВЛОД ТАРБИЯСИ — ДАВЛАТ СИЁСАТИ

**Юртимизда истиқлол йилларида соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида олийжаноб ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, мамлакатимизда оммавий спорт тизими яратилиб, бугунги кунда изчил амалга оширилмоқда. Айни пайтда уч босқичли бу янги оммавий спорт тизимининг иккинчи босқичи — ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқувчилари ўртасидаги «Баркамол авлод» спорт мусобақалари бўлиб ўтмоқда ва унинг финал босқичи шу йилнинг июнь ойида Андижон вилоятида бўлади.**

— «2002 йилнинг июнь ойида республикамиздаги бир қатор мутасадди идора ва ташкилотлар, жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Давлат жисмоний тарбия ва спорт, Миллий Олимпия қўмиталари, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бошқарув Кенгаши томонидан «Баркамол авлод» спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида» Низом ишлаб чиқилди, — дейди спорт мусобақалари бош котиби Саъдулла Қурбонов. — Ана шу асосда спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи тузилиб, ўтган давр мобайнида бир қанча ишлар бажарилди.

Чунончи, «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида ғолиб бўлган жа-моалар учун 770 та олтин, кумуш ва бронза медаллар, 3300 та мусобақа эмблемаси туширилган кўкрак нишони тайёрланди. Шу билан бирга, ғолиблар учун автомашиналар, магнитофон, плейер, радиола сингари кўплаб қимматбаҳо ва эсдалик совғалари ҳам ажратилди.

Финал босқичида қатнашиш учун Андижон вилоятига келадиган спортчи ўқувчиларнинг бориш-келишларини, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси, «Ўзавтотранс» давлат корпорацияси билан ҳамкорликда махсус поездлар ва автобуслар жадвали ишлаб чиқилди.

«Баркамол авлод» жорий йилда ҳам уч босқичда ташкил этилмоқда. Дастлабки босқич ўйинлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги 862 та ўрта махсус таълим муассасалари спорт базаларида ўтказилиб, унда қарийб 270 мингдан зиёд ўқувчи иштирок этди. Мусобақалар жорий йилда янада оммавий тус олаётгани, спортнинг турли анъаналари қарор топаётганлигини ўйинларнинг биринчи босқичида ҳар бир ўқув юртидан ўртача иштирок этган 350 нафар ўқувчидан ҳам билса бўлади. Биргина Тошкент шаҳрида жойлашган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидан 60 мингдан ортиқ, Самарқанд вилоятидан 34680 нафар, Сурхондарё вилоятидан 28500 нафар, Тошкент вилоятидан эса 28880 нафар ёш спортчилар мусобақаларда фаоллик кўрсатдилар.

Ҳозирги кунда республикамизнинг барча вилоят ва шаҳарларида мусобақаларнинг иккинчи босқичи байрамона тарзда ўтказилмоқда. Иккинчи босқич 10 апрелга бориб тўлиқ якунланади. Мазкур босқичда сараланган спортчи йигит-қизлар финал босқичида иштирок этиш имконига эга бўладилар. Ушбу босқичда ҳар бир вилоятдан муваффақиятли ўтган 199 нафар иштирокчи, жами 2800 нафарга яқин спортчи, мураббий ва ҳакамлар мусобақаларда қатнашадилар. Бу Жиззах вилоятида бўлиб ўтган «Баркамол авлод» спорт мусобақалари қатнашчиларидан қарийб 1000 нафарга кўп демакдир. Шунингдек, жорий йилда ўтказилаётган мусобақаларга қўшимча спорт турлари ҳам киритилган бўлиб, умумий 14 та спорт тури бўйича беллашувлар бўлади.

(Давоми 6-бетда)

**Bizga javob beradilar**

*Хабарингиз бор, газетамизнинг 2003 йил 8 февраль сонида эълон қилинган махсус мухбиримиз Абдували Обиддиновнинг "Йўқни бор, борни йўқ қилаётганлар" сарлавҳали мақоласида Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги 15-мактабда олиб борилаётган ижобий ишлар ва аксинча, вилоятнинг Косон туманидаги 39-мактабдаги ўзибўларчилик, боқибеғамлик ҳолати танқид қилинган эди.*

*Яқинда таҳририятимизга ушбу мақола юзасидан Косон тумани ҳокимлиги томонидан йўлланган жавоб хати келди. Унда, жумладан, шундай дейилади:*

*"Маърифат" газетасининг 2003 йил 8 февраль сонида чоп этилган "Йўқни бор, борни йўқ қилаётганлар" сарлавҳали мақола Косон туман ҳокимлигида ва туман халқ таълими бўлимининг кенгайтирилган йиғилишида кўриб чиқилди.*

# ТУМАН ҲОКИМЛИГИ ЎЗ НАЗОРАТИГА ОЛАДИ

*Маблағ етишмаслиги туфайли қурилиши чала қолган мактаб биносини барпо этиш, қиш кунларида мазкур таълим муассасасининг иситилишини таъминлаш, ўқув тарбия ишларидаги, синф хоналарининг жиҳозланишидаги камчиликларни зудлик билан тугатиш юзасидан туман ҳокимлигининг тадбирлари белгиланди ва унинг амалга оширилиши назоратга олинди.*

*Таълим муассасасида меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, педагог ходимлар фаолиятини назорат қилишга лоқайдлик билан қараганликлари, натижада мактабда қониқарсиз аҳвол юзага келганлиги учун мактаб директори Бойхўроз Сувонов, ўқув-тарбия ҳамда маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари Кенжа Қурбонов, Ўнгбой Саидовлар эгаллаб турган вазифаларидан озод этилди.*

*Туман ҳокимлиги Зафар Диёр номидаги мактабдаги аҳволни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия ишларининг юқори савияда ташкил этилишини таъминлаш юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилишини ўз назоратига олади.*

**И.ОЧИЛОВ,**
**Косон туман ҳокимининг ўринбосари"**

**Kembrij universitetidan tashrif buyurgan professor Tim Xant mualliflarning o'quv-uslubiy material ishlab chiqish tamoyillari, ularni baholash mezonlari kabi masalalarda bilim va ko'nikmalarini oshirishga ko'maklashdi.**

**4-sinf o'quvchisi Timur Abdiyevning tarixiy obidalarga bag'ishlangan, machit, madrasalar rasmlari kishini yanada hayratga soladi. Hech qanday mubolag'asiz ushbu rasmlar rostgo'ylikdan darak berayapti.**



## SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

(Davomi. Boshi 1-betda)

### "OLTIN OLMA"DA OROM OLING

Bo'stonliq tumanida ish boshlagan yana bir oromgoh, Olmaliq kon-metallurgiya kombinatiga qarashli "Oltin olma" oromgohida uch qavatli madaniyat markazi, konferensiya zallari, yozgi mehmonxona, sog'lomlashtirish majmuasi, yozgi va qishki cho'milish havzasi, sauna, kafe va barlar, bir qancha sport maydonchalari, bolalar uchun alohida o'yingohlar nafaqat kombinat ishchi-xizmatchilariga, balki barcha dam oluvchilar uchun ko'ngildagidek hordiq chiqarish hamda salomatliklarini tiklashlariga xizmat qiladi.

### "AMERICAN EXPRESS" PLASTIK KARTOCHKALARI O'ZBEKISTONDA

O'zbekiston banklar uyushmasida naqd pul mablag'larini olish va butun dunyo bo'ylab 6 milliondan ortiq tashkilotlardan tovarlar va xizmatlar uchun naqd pulsiz hisob-kitob qilish imkonini beradigan xalqaro "American Express" plastik kartochkalarining mamlakatimizda ilk bor o'tkazilgan taqdimot marosimida ushbu kartochkalarning personal, korporativ, oltin va platina turlari namoyish etildi.

### HUQUQIY MAVZUDA YOZASIZMI?

O'zbekiston Konstitutsiyaviy sudi, Oliy sud, Oliy xo'jalik sudi, Bosh prokuratura, Ichki ishlar vazirligi, O'zbekiston Milliy axborot agentligi hamda Ommaviy axborot vositalarini demokratlashtirish va qo'llab-quvvatlash ijtimoiy-siyosiy jamg'armasi hamkorligida Qoraqalpog'iston Respublikasi Jo'qorg'i Kengesida bo'lib o'tgan "Sud - huquq sohalaridagi islohotlarni aholiga etkazishda ommaviy axborot vositalarining roli: muammo va yechimlar" mavzuidagi ilmiy-amaliy konferensiyada sud-huquq sohasida amalga oshirilayotgan islohotlarning ommaviy axborot vositalarida yoritilishi, o'zaro hamkorlik, jurnalistlar ixtisoslashuvi, ularning kasbiy mahorat borasidagi malakalarini oshirish haqida so'z bordi.

### INSON SALOMATLIGI UCHUN

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisida bo'lib o'tgan, Oliy Majlisning Inson huquqlari bo'yicha vakili (Ombudsman), Ijtimoiy masalalar va bandlik qo'mitasi, Sog'liqni saqlash vazirligi hamda Jahon sog'liqni saqlash tashkilotining mamlakatimizdagi vakolatxonasi hamkorligida tashkil etilgan "Bemorlarning huquqlarini ta'minlash masalalari: xalqaro tajriba" mavzusida ilmiy-amaliy anjumanda respublikamizda bu borada olib borilayotgan ko'pgina ijobiy chora-tadbirlar qatorida uni yanada takomillashtirish bilan bog'liq amaliy ishlar xususida ham batafsil to'talindi.

*(O'zbekiston Milliy axborot agentligi materiallari asosida tayyorlandi)*

---

Seminar

## МУАЛЛИФЛАР ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРМОҚДАЛАР

***Ўтган ҳафтада Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун махсус фанлар бўйича дарслик ва ўқув адабиётлари ёзаётган муаллифлар иштирокида республика семинари ўтказилди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Осиё тараққиёт банки ҳамда Кембриж Таълим Маслаҳатчилари ташкилоти ҳамкорлигида амалга оширилаётган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш лойиҳаси" доирасида ўтказилган мазкур анжуман тўрт кун давом этиб, унда олий ва ўрта махсус таълим муассасаларидан ташриф буюрган махсус фанлар ўқитувчилари иштирок этдилар.***

Мамлакатимиз таълим тизими олдида турган долзарб масалалардан бири, бу, шубҳасиз, таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи-талабаларни зарур ўқув адабиётлари билан таъминлашдан иборат. Айни шу масалани ҳал этиш мақсадида 2001 йил 16 августида Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини дарслик ва ўқув адабиётларнинг янги авлоди билан таъминлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга асосан, ўтган 2002 йилда 196 номда адабиётлар нашр қилинди. 2003 йилда эса режа бўйича 439 номдаги дарслик ва ўқув адабиётлари яратилиши зарур бўлиб, ҳозирга қадар ушбу адабиётларнинг 158 таси яратилди. Шунингдек, 306 номдаги дарслик ва ўқув адабиётларини яратиш бўйича шартномалар имзоланди.

Бугунги кунда ЎМКҲТ муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчилар барча умумтаълим фанлари бўйича дарсликлар билан таъминланди. Махсус фанлар орасида қишлоқ хўжалиги, маданият ва санъат, тиббиёт ва иқтисодиёт йўналишлари учун адабиётлар яратиш жадал суръатларда бормоқда. Бу жараённи самарали ташкил этиш учун, аввало, дарслик яратаётган муаллифларга етарли шароитларни яратиш, шунингдек, уларни зарурий ўқув қўлланмалари билан таъминлаш, ўзаро тажриба алмашиш ишларини йўлга қўйиш зарур. Айни шу мақсадда муаллифлар иштирокида бир неча бор учрашув ва семинарлар ўтказилди. Осиё тараққиёт банкининг махсус лойиҳасига асосан бир қатор хорижий давлатлардан етук профессор-олимлар мамлакатимизга таклиф этилиб, 2 маротаба умумтаълим фанлари, бир марта эса махсус фанлар бўйича дарслик яратаётган муаллифлар учун семинарлар ташкил қилинди.

Бу галги ўтказилган семинарнинг асосий мақсади — ЎМКҲТ муассасалари учун махсус фанлардан яратилаётган дарсликларнинг "Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси" ҳамда янги ўқув адабиётларига ўзаро мослигини таъминлаш билан бир қаторда, уларнинг жаҳон стандартлари талаблари даражасида бўлишида хорижий экспертлар билан фикр алмашишдан иборатдир. Кембриж университетидан ташриф буюрган профессор Тим Хант муаллифларнинг ўқув-услубий материал ишлаб чиқиш тамойиллари, уларни баҳолаш мезонлари, материаллар тўпламига таклифлар киритиш, яратилаётган дарсликлар бўйича муаллифлик ҳуқуқлари хусусида, шунингдек, ўқув адабиётларни дизайн жиҳатидан мукаммал даражада тайёрлаш ва уларнинг тақдимотини ташкил этиш каби масалаларда билим ва кўникмаларини оширишга кўмаклашди.

Семинар якунида барча иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

**Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ,**
**"Ma`rifat" мухбири**

---

## МАКТАБ ҚУРГАН МУАЛЛИМ

Saxovat

Сирдарё Давлат педагогика институтини битиргандан сўнг Ғаллаорол туманидаги Наврўз қишлоғида ўттиз бир йилдан буён ўқитувчилик қилиб келаётган Бекмурод Авазовни қишлоқдошлари ҳурмат билан тилга олишади.

1974 йилда қишлоқда мактаб биноси йўқ эди. Шунинг учун у ўзи яшаб турган уйда 1-2-3-синф ўқувчиларини йиғиб, уларни комплекс усулида ўқитиб келди.

Ҳаётини ёш авлод тарбиясига бағишлаган муаллим 1991 йилдан қўшимча синф хоналари қуришга киришди. Натижада бугунга келиб, 8 та шундай хона қуришга муваффақ бўлди. Бу маблағнинг асосий қисми ташаббускорнинг ўз ҳисобидан. Бу борада "Соҳибкор" хўжалигининг ҳам ёрдами катта. Туман ҳокимининг қарори билан "Соҳибкор" хўжалиги 9-бўлим ҳудудидан 3 гектар сувли майдон ажратилган бўлиб, унга қишлоқ хўжалик экинлари экилади. Олинган даромад солиғидан ҳам озод қилинган. Ўтган йилнинг ўзида ана шу майдондан олинган даромад ҳисобидан мактабда 360 минг сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди.

2002-2003 ўқув йилида мазкур бошланғич мактаб алоҳида иш бошлади. Ш.Мусурмонов номидаги 47-мактабга қарашли бўлган ушбу бошланғич мактабда эндиликда меҳнаткашларнинг 59 нафар ўғил-қизи таълим олмоқда. Натижада олдинлари 12 километр узоқликда бўлган "Соҳибкор", 3 километр узоқликдаги Кўкдалага қатнаб ўқийдиган ўқувчилар бугунги кунда ўз қишлоғида яйраб ўқимоқдалар. Улар қишнинг совуқ кунларида йўл азобидан халос бўлдилар.

— Бошланғич мактабимизда таълим-тарбияни давр талаби даражасида амалга ошириш учун барча шароит бор, — дейди 1-синф ўқитувчиси Бувмайрам Мусаева. — Синфимда 14 нафар ўқувчи бор. Ўқув йили бошланишида улар Президент совғаларини олдилар.

— Мактаб биносига табиий газ келтирилиши бизга анча қулайлик туғдирмоқда, — дея суҳбатимизга қўшилди 2-синф ўқитувчиси Хайринисо Довурова. — Албатта, бу хайрли ишларни амалга оширишда устозимиз Бекмурод Авазовнинг хизматлари катта.

Айни кунда мазкур бошланғич мактабда 5 киши меҳнат қилмоқда. 2005 йилга бориб, у 9 йиллик мактабга айланиши кутилмоқда.

Ҳозир мактабда қурилиш ишларини давом эттириш учун ер майдонидан олинган даромад қўл келмоқда. Ана шу даромаднинг бир қисми мактабни таъмирлашга, кам таъминланган оилалар фарзандларига моддий ёрдам беришга сарфланмоқда. Қишлоқ аҳолиси тўрт йиллик мактабни ишга туширган Бекмурод Авазовдан чексиз миннатдор. Чунки уларнинг фарзандлари ўз қишлоғида барча қулайликларга эга бўлган мактаб биносида фан сирларини ҳавас ва меҳр билан ўрганмоқдалар.

**Абдусаттор СОДИҚОВ,**
**"Маърифат" мухбири**

---

Tadbir

## ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

*Пойтахтимиздаги С.Раҳимов қурилиш ва миллий ҳунармандчилик коллежида Тошкент шаҳар ЎМКҲТ бошқармаси тасарруфидаги таълим муассасалари ўқувчилари, педагоглари, ишлаб чиқариш усталари томонидан ташкил этилган кўргазмада илмий, техникавий мавзулардаги маъруза матнлари, намунавий дарс ишланмалари, илмий-методик рисолалар, шунингдек, халқ амалий санъати намуналари— заргарлик, кулолчилик, мисгарлик, ганчкорлик, дурадгорлик, наққошлик, тикувчилик, қандолатчилик маҳсулотлари, мусиқа асбоблари, қаттиқ ва юмшоқ материаллардан ясалган ўйинчоқлар, ўқув мебеллари намойиш этилди.*

*—Кўргазмани ташкил этишдан мақсад,— дейди Тошкент шаҳар ЎМКҲТ бошқармаси бошлиғи М. Азимов,— таълим муассасаларида амалга оширилаётган илмий-амалий ишлар билан яқиндан танишиш, бу борада эришилган ютуқларни эътироф этиш, уларни баҳолаш ва рағбатлантириш, энг илғор, ижодкорлик билан ёндашилган илмий ва амалий тажрибаларни оммалаштириш, шунингдек, шаҳримиздаги турли соҳалардаги қўшма ва кичик корхоналар, хусусий тадбиркорлар, ишбилармонлар билан истиқболли ҳамкорлик шартномаларини тузиш ишларини янада кенгайтириш, буюртмачиларнинг икки томонлама манфаатдорлик асосидаги уйғун фаолиятга жалб қилиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг келгусида иш ўринларини топишига кўмаклашишдир.*

*Мақсадга бир қадар эришилди. Ташкил этилган кўргазма иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Шу ернинг ўзидаёқ бир қанча таълим муассасалари билан корхона ва ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик шартномалари тузишга келишиб олинди. Айниқса, кўргазмада фаол иштирок этган Миробод саноат, Қўйлиқ маиший хизмат, С.Раҳимов қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежлари, 1-Тошкент педагогика билим юрти, Охунбобоев номидаги тиббиёт билим юрти, Тошкент Давлат техника университети қошидаги академик лицей, Тошкент Давлат педиатрия институти қошидаги академик лицей, 1, 19, 21-касб-ҳунар мактаблари иш тажрибалари, ўқувчиларнинг амалий машғулотлар давомида ишлаб чиқарган маҳсулотлари юқори баҳоланди.*

**Башорат ОМОНОВА**

---

## КЎКЛАМ ИЖОДИ

"Ma'rifat" tanlovi

Ижодкорни ижод қилишга ундовчи, илҳомлантириб турувчи, фасллар келинчаги бўлмиш баҳорнинг гўзаллигу байрамларга тўла бўлган март ойи тугаб, иккинчи ойини ҳам бошлаб олдик.

Ва табиийки, ана шу ўтган ой давомида кўпгина журналист-ижодкорларнинг кўклам ҳавосидан нафас олиб ёзган мақолаларию, битган ашъорларини газетамиз саҳифалари орқали сиз азиз муштарийларимизга ҳавола қилдик. Ой сўнгида эса ана шу эълон қилинган материаллардан энг яхшиларини (номинациялар бўйича) танлаб олиш учун танлов ҳайъати аъзолари ўз номзодлари учун овоз беришди. Ҳар бир номинация бўйича газетада чоп этилган энг яхши материаллар кўплиги боис номзодлар рўйхати ҳам анчага етиб қолди. Аммо танловда фақат ва фақат битта, энг яхши, деб тан олинган ижод маҳсулигина ғолиб чиқади. **Марҳамат ғолиблар билан танишинг:**

**Энг яхши саҳифа** номинация бўйича кўрсатилган номзодлар орасида "Қўғирчоғини ураётган қизалоқ",- Наврўз байрамига бағишланган "Новдаларда ҳаёт нафаси, куртакларда ажиб тароват" сарлавҳали қўшсаҳифалари айтилди. Аммо, Наврўз урфодатларини тўлароқ акс эттирган "Юракларда яшайверасан, Наврўз" (Муаллиф — Ф. Каримов) саҳифаси кўпчилик томонидан эътироф этилди ва ғолибликни қўлга киритди.

**Энг яхши мақола** ғолиблиги "Олмайдиган домла" сарлавҳали мақолага насиб этди (муаллиф. Ҳ.Тўйманова). Бу номинация бўйича эътироф этилган "Навоийни англаш", "Алпларнинг қаноти", "Тўй нега қолдирилди?" мақолалари хусусида ҳам илиқ фикрлар билдирилди.

**Энг яхши интервью** номинациясига "Соғинганман мен ҳам" сарлавҳали журналист Н.Мусомовнинг Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова билан қилган суҳбати лойиқ, деб топилди.

**Энг яхши янгилик** номинацияси бўйича эълон қилинган материаллар орасида энг кўп овозни "Мактаб матбуот маркази" (А.Обиддинов) номли хабар кўп-роқ овоз тўплади ва ғолиб чиқди. Ушбу номинацияда номзоди кўрсатилган бир қатор янгиликлар, жумладан, "Ҳокимнинг ёнидаги киши ким?", "Китоб марафони давом этмоқда", "АҚШ тан олган ўзбек муҳандиси" кабилар таълим тизимининг энг яхши янгиликлари, дея эътироф этилди.

**Энг яхши сурат-лавҳага** газетанинг 19-март сонида эълон қилинган Баҳорнинг, Наврўзнинг келганлиги қизалоқлар юзида акс этиб турган "Қалблардаги эврилиш боиси — Наврўз" сарлавҳаси остида берилган сурат лойиқ топилди.

Танловимиз давом этмоқда. Ижодкорларни илҳомланиб ёзган асарлари билан ушбу танловда қатнашиб ғолиб бўлишларини истаб қоламиз.

---

Tanlov

## ОТАХОНЛАР ВА ОНАХОНЛАР НАБИРАЛАР НИГОҲИДА

*Замонавий санъат марказида "Экосан" Халқаро жамғармаси ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ташкил этган "Отахонлар ва онахонлар набиралар нигоҳида" мавзуидаги танлов кўргазмада 200 дан зиёд расмлар намойиш этилди. Болалар боғчасида тарбия олаётган болалар ва мактаб ўқувчиларининг бирлари портретга, бирлари манзарага, бошқаси ғоявий мазмунли картиналар чизишга мойиллиги бор. Энг муҳими шу эмасми? Мурғакликдан катталар меҳнатини билсалар, қадрласалар, шунинг ўзи катта тарбиядир.*

*Юнусобод туманидаги 500-болалар боғчаси тарбияланувчиси, беш ёшли қизалоқ Мадина Насриддинова чизган "Бувим портрети", Сирғали туманидан олти ёшли Нигина Гайбуллинанинг "Бувим тиккан сўзана", шу туманда яшовчи 269-мактабнинг 4-синф ўқувчиси, 11 ёшли Жаҳонгир Ғофуржоновнинг "Қариялар билан гўзалдир олам", 441-болалар боғчасида тарбияланаётган қизалоқ Мадина Тўрабекованинг "Бобомнинг туялари", Тошкент шаҳридаги, 41-мактабнинг 7-синфида ўқиётган Наргиза Юнусованинг "Уста ва шогирд" ва бошқа ўнлаб расмлар юқоридаги фикрларимиз далилидир.*

*Шунингдек, табиатга муносабат ҳам болалар ижодида ўринли акс этган. 118-мактабнинг 15 ёшли ўқувчиси Зуҳра Соякулова чизган расм "Табиатни асранг одамлар!" деб номланибди. Бу расмни кўриб, хаёлга толасан киши. Ихчамгина тасвирда табиатнинг гўзал жонивори — ором олиб ётган кийик, орқа тарафда тоғ, зилол сув, ям-яшил ўтлоқ, дарахтлар ва қуёшни кўриш мумкин.*

*299-мактабнинг 8-синф ўқувчиси М.Маматовнинг "Бувим, бувам, мен ва табиат", Жиззах вилоятидан 9-синф ўқувчиси А.Саидқосимованинг "Деҳқон бобом" расмида ўқувчининг ўзи яшаб турган қишлоқ ҳаётини пухта билиши, деҳқон буваси меҳнатини қадрлаши манзара жанрида акс этган. Ишлаб, ҳориб дам олаётган бобосини ўта маҳорат билан дала қўйнида тасвирлаган. 285-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Тимур Абдиевнинг тарихий обидаларга бағишланган, мачит, мадрасалар расмлари кишини янада ҳайратга солади. Ҳеч қандай муболағасиз ушбу расмлар ростгўйликдан дарак бераяпти.*

**Маҳмуд Рамазон АҲМАДИЙ,**
**А.Қодирий номли Тошкент Давлат маданият институти ўқитувчиси**

---

Kasb-hunar kollejlarida

## УЗУККА КЎЗДЕК ЯРАШГАН

Узоқ ўтмишга эга мамлакатимизда тарихий обидалар жойлашган қадамжолар бисёр. Аждодларимиз тафаккури маҳсули бўлган ҳашаматли меъморий обидаларни кузатган нигоҳдаги ҳайрат таҳсин бўлиб забондан учади. Аждодлар маҳорати маҳсули бўлган мазкур маҳобатли миноралар, ҳашаматли бинолар ҳали-ҳамон сайёҳларни ўзига чорлаб келаётир. Қадимий шаҳарларимизга хориждан келаётган сайёҳларга замонавий малакали хизмат кўрсатиш эса давр тақозосидир. Шу маънода ЮНЕСКО ҳисобида турган жаҳондаги энг гўзал тарихий шаҳарлардан бири, улуғ инсонлар камолга етган Хива заминида туризм коллежи фаолият бошлагани айни муддао бўлди. Истаймизки, бу келажакда мустақил диёримизни, унинг буюк инсонлари, улар қолдирган бой меросни кенг ва чуқур ўрганиш, тарғиб қилиш, хорижий сайёҳлар ташрифини оширишга хизмат қиладиган қадрли даргоҳга айланади.

Хива туризм касб-ҳунар коллежи директори, Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи П. Отажоновнинг бу борадаги фикри ҳам шундай:

— Туризм касб-ҳунар коллежимизда ҳозирги кунда ёшларга етти йўналишда касб-ҳунар ўргатилмоқда. Ўн икки гуруҳда уч юзга яқин талаба таҳсил олаётир. Уларга француз, инглиз тилини чуқур биладиган, ўлкамиз тарихини яхши тушуниб етган, ҳисоб илмидан катта тажрибага эга муаллимлар сабоқ бермоқдалар. Назарий билимлар ўз вақтида амалиёт билан қўшиб олиб борилаётир.

Айтиш жоизки, коллежимиз жамоаси "Таълим тўғрисида"ги қонун ижроси ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда бир қатор вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Яъни коллежнинг истиқбол режасига асосан, бугун биз таълим бераётган талаба, биз тарбиялаётган ҳар бир ўғил-қиз эртага етук мутахассис, жамиятда ўз ўрни ва нуфузига эга шахс, мустақил давлатига хизмат қилувчи фидойи фарзанд бўлиб етишмоғи лозим. Шу боис ҳам бугунги кунда талабаларга давлат таълим стандартларига асосланган ҳолда таълим берилмоқда.

Маълумки, эркин, тўғри фикрловчи кишигина Ватан туйғусини ҳис эта олади. Фикрнинг аниқ бўлиши эса спортга ҳам боғлиқ. Таъкидлаш ўринлики, коллежимиз қошида турли спорт тўгаралари фаолият кўрсатаётгани ҳам шу мақсадни кўзлайди. Жумладан, волейбол, баскетбол, футбол, миллий кураш, қўл тўпи ва бошқа спорт тўгаралари ёш авлоднинг соғлом, бақувват ва баркамол бўлиб етишишларига хизмат қилади.

Ватан остонадан бошланади, дейди халқимиз. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб ташкил этилган "Ҳаваскорлар тўгараги"да ўлка тарихи, ўтмиши ва қадрияти, халқ оғзаки ижоди ва этнографиясини ўқувчи ёшларга ўргатиш бўйича амалий ишлар олиб борилаётир. Шулар баробарида коллежимизда ўқувчиларнинг келажакда фидойи инсон бўлиб етишишлари, ўз-ўзини бошқаришни бугундан бошлаб ўргатиш мақсадида ёшларнинг "Фидоийлар" клуби ташкил қилинган бўлиб, бу клуб ота-она, маҳалла ва ўқув юрти ҳамкорлигини доимий равишда мустаҳкамлашни таъминлаб келмоқда.

Яна қўшимча қилиш мумкинки, ўқувчи ёшларнинг маънавиятини бойитиш, ҳуқуқий билимини ошириш борасида ҳам турли мавзулардаги тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Яқинда коллеж жамоаси Яҳё Ғуломов номидаги республика археология илмий текшириш институти Хива археология бўлими билан ҳамкорликда Хива тарихини ўқувчиларга ўргатиш ва дунёга танитиш мақсадида ажойиб буклет тайёрлашди. Унда қадимий шаҳарнинг меъморий обидалари, табиати ҳақида расмли ҳикоялар берилган бўлиб, улар сайёҳлар учун энг қулай йўл кўрсатувчи маёқ вазифасини ўташи билан аҳамиятлидир.

Маълумки, туризм фақат сайру саёҳат дегани эмас. У халқлар тинчлигини, дўстлигини мустаҳкамлайдиган, иқтисодини мустаҳкамлаш, маънавият ва маданиятни янада тараққий эттиришнинг энг муҳим воситаси ҳам ҳисобланади. Туризмнинг таълим соҳасига олиб кирилиши мустақил мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи, мавқеини янада оширишга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Сирасини айтганда, жамоанинг режалари бисёр. Яъни ўқувчилар тез орада олимлар, туризм соҳаси билимдонлари, етук мутахассисларнинг сабоқларидан баҳраманд бўладилар. Билим масканимиз билан хорижий ҳамкорлик йўлга қўйилади. Шу мақсадда Германия, Австрия, Швейцария каби давлатлар билан ўзаро шартномалар тузилмоқда.

Хуллас, биз эндигина оёққа турдик. Моддий базамиз мустаҳкамланмоқда. Ишонамизки, қадамларимиз янада шахдам, дадил ва ишончли бўлади.

**Ш. НИШОНОВ**

# ФАРЗАНДЛАР ИҚБОЛИДА ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

## ЮЗЛАРДА КЎПЧИГАН ҲАЯЖОН НИМАДАН?

Маълумки, ушбу ўтказилаётган умумтаълим фан олимпиадаларининг республика босқичида 21 та фан бўйича аввал мактаб, туман ва ниҳоят вилоят миқёсидаги баҳсларда ғолиб чиққан 508 нафар энг билимдон ва зукко ўқувчиларгина иштирок этиш имкониятига эга бўлган эдилар. Бундан ташқари, бу галги билимлар баҳсида ўқувчилар билими ҳар йилги фан олимпиадаларидан ўзгачароқ, яъни математика, информатика, иқтисодий билим асослари, география ва чизмачилик фанлари бўйича икки турда (тест синови, амалий иш), она тили ва адабиёти, ўзбек тили, рус тили ва адабиёти (ўзбек гуруҳларида), рус тили ва адабиёти (рус гуруҳларида), инглиз, немис, француз, қозоқ ва тожик тиллари ҳамда қорақалпоқ тили ва адабиёти фанлари бўйича беллашувлар уч турда (ёзма иш, оғзаки ижодий иш, тест синови), шу қаторда физика, кимё ва биология каби табиий фанлардан ҳам тест синови ва амалий машғулотлар қаторида лаборатория ишларидан ҳам синовлар ўтказилиши кутилганди. Бу эса нафақат ўқувчилар, балки ота-оналар ҳамда ўқитувчилар билан биргаликда танловни ўтказувчи ҳайъат аъзоларини ҳам бироз сергаклантирганлиги рост.

—Ушбу синовларда ғолиб чиққан ўқувчиларимиз ўз билимларини халқаро фан олимпиадаларида яна бир бор синовдан ўтказиш имкониятига эга бўладилар, — дейди биз билан суҳбатда ташкилий қўмита аъзоси, РТМ директори Г.Алимова. — Шу боис бу галги фан олимпиадаси синовларида халқаро олимпиадалар талабидан келиб чиқиб, тест синовларидан ташқари амалий машғулотлар ҳам қўшилди. Бу эса ғолибликка даъвогарларнинг умумтаълим фанларидан олган билим, кўникма ва малакаларини ҳар томонлама синаб кўриш имконини яратди.

Таъкидлаш лозимки, ўқувчиларнинг чуқур билимга эга эканликлари улардаги ўзига бўлган ишончидан сезилиб турса-да, юзларида беллашувлар олдидан бироз ҳаяжон ҳам зоҳир эди. Зеро, шундай нуфузга эга бўлган фан олимпиадасида фақат теран билимга эга бўлган ўқувчиларгина тўпланганлиги барчага аён.

Шундай қилиб, ҳаяжонли онлар бошланди. Бу эса, айниқса, олимпиаданинг боришини кузатишга мўлжалланган махсус хонадаги телеэкрандан нари кетолмай, фарзанди, ўқувчиси ёки дўстига омад тилаётганлар юзида янада яққолроқ акс этган...



## НАЗАРИЙ БИЛИМ — АМАЛИЁТДА

Табиат — сирли дунё. Инсон ана шу синоат оламини тадқиқ этар экан, унинг мўъжизалари олдида ақли шошади. Табиий фанларни ўрганишга бўлган қизиқиш, эҳтимол, шундан бўлса ажаб эмас. Шу боис ўрта мактабда ўқувчиларга ўтиладиган биология, кимё ва физика фанларидан бериладиган билимлар амалиётга боғланса, самарадорлиги ошиши табиий.

Мазкур фан олимпиадалари синовларига бу йил тест топшириқларидан ташқари, ёзма иш ва лаборатория машғулотларининг киритилиши аҳамияти қандай бўлди?

— Фан-техниканинг тараққиёти билан физика фанининг ҳаётдаги роли ошиб бормоқда,— дейди танлов ҳайъати аъзоси, физика-математика фанлари номзоди, доцент Б. Йўлдошев. — Шу боис ўқувчиларимизда замонавий технологиялар билан ишлаш кўникмасини шакллантиришда мактабданоқ мазкур фанлар амалиётга боғлаб ўтилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу борада ҳозирда қўйилган қадамнинг аҳамияти катта, албатта.

Дарҳақиқат, ўқувчи эгаллаган билимини ҳаётда синаб кўриш имконига эга бўлса, ундаги фанга бўлган қизиқиш ҳам ошиши тайин. Кичик тажрибалар эса кейинчалик фан оламидаги катта-катта кашфиётларга сабаб бўлмайди, деб ким айта олади? Нима бўлганда ҳам зўр иштиёқ билан амалий тажрибалар ўтказаётган ўқувчиларни кузатар эканмиз, беихтиёр юқоридаги фикрга ишонгимиз келди. Бироқ ҳали бу борада ўқувчиларнинг етарлича кўникмага эга эмасликлари сабабми, амалий машғулотлардан айтарли юқори балл тўплаган ўқувчи кам бўлди.

## ҒОЛИБНИ КОМПЬЮТЕР АНИҚЛАДИ

*Сабаби, она тили ва адабиёти фанидан олимпиада уч турда ўтказилиб, унда дастлаб Ҳ.Умирова, Г.Насриддинова, Ф.Қулмуродова, Г.Намозоваларнинг оғзаки жавоб ва ёзма ишлари юқори баҳоланган эди. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари — Баҳодир Карим, Назира Ғуломова, Раъно Иноғомовалар ҳам улардан ғолиблар чиқишига умидвор эдилар. Аммо ғолибни компьютер аниқлади: Қарши шаҳридаги 3-мактаб ўқувчиси Гавҳар Абдураҳимова 30 та тест саволларига тўғри жавоб бериб, 1-ўринни эгаллади. 2-ўрин жиззахлик И.Ҳамдамовага, 3-ўрин эса қорақалпоғистонлик М.Жуманиёзовага насиб этди.*

## “ЖЎЖАНИ КУЗДА САНАЙДИЛАР” ДЕГАНЛАРИ ШУ-ДА!

*Ўзбек гуруҳларида рус тили ва адабиёти фани бўйича кечган билимлар синови ҳам уч турда бўлиб ўтди.*

*Дастлаб олимпиада қатнашчилари ўз билим ва иқтидорини ёзма ишлари орқали намойиш этишди. Бу турда ўқувчиларнинг ёзма саводхонлиги ва ижодий фикрлаш қобилиятлари синовдан ўтказилди. Бухоролик қатнашчи Жанна Пўлатова муҳрланган учта конверт ичидан танлаган вариантда ўқувчиларга “Куч — билим ва тафаккурда” (“Сила в знании и мышлении”), “Қариси бор уйда эзгулик ҳукм суради” (“В доме, где есть старики, царит добро”), “Ота-она остонаси — барча яхшиликлар дебочаси” (“Родительский дом — начало начал”) мавзулари ҳавола этилди. Эътиборли томони, қатнашчилардан аксарияти дастлабки икки мавзу бўйича ижод қилишди. Баҳолаш 20 баллик тизимда ўтказилган бу босқичда паркентлик Рустам Раҳимов, бухоролик Жанна Пўлатова, тошкентлик Луиза Ҳайдаралиева ва термизлик Н.Юсуповаларнинг иншолари ҳайъат аъзолари томонидан юқори баҳоланди.*

*Муаммоли вазиятлар бўйича монолог тайёрлаш ва ёд олган шеърий асарлар каби иккита йўналиш орқали ўқувчиларнинг оғзаки нутқи жами 10 баллик тизимда синалди. Бу босқичда Тошкент юридик коллежи ўқувчиси Л.Ҳайдаралиева ва Паркент туманидаги 5-ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси Р.Раҳимов 10 балл, Бухоро шаҳридаги касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Ж.Пўлатова, Навоий шаҳридаги 19-лицей ўқувчиси Ф.Каримова ҳамда Зомин туманидаги 50-мактаб ўқувчиси Р.Кенжаевлар 9 балл йиғишиб, ўз жамғармаларидаги баллар миқдорини кўпайтиришга муваффақ бўлишди. Аммо, учинчи, яъни тест топшириқларини бажариш босқичи дастлабки икки тур бўйича намоён бўлган кўринишни мутлақо ўзгартириб юборди. Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги 20-мактаб ўқувчиси Д.Тожибоева олдинги икки тур бўйича максимал 30 балл йиғиш имкониятидан 19 балл тўплаган эди. У тест топшириқларини юз фоиз тўғри ечиб, ўз кўрсаткичини яна 70 балга кўпайтириш бахтига мушарраф бўлди. Пойтахтлик Л.Ҳайдаралиева тест топшириқларидан 62 балл, жами 88 балл тўплаб, фахрли иккинчи ўринга сазовор бўлди. Қашқадарёнинг Ғузор туманидаги лицей-интернат ўқувчиси Темур Рауповга ҳам айнан тест синовларида омад кулиб боқиб, 68 балл натижа билан дастлабки кўрсаткичларини 87 баллга етказди.*

*Умуман олганда, Республика фан олимпиадаларини ўтказиш тартибида кўрсатилганидек, барча фанлар бўйича ғолиблар 76 ва ундан юқори балл тўплаган ўқувчилар орасидан аниқланган бўлса, ўзбек гуруҳларида рус тили ва адабиёти фани бўйича олимпиадада қатнашган 14 нафар ўқувчидан 12 нафари бу кўрсаткични муносиб равишда босиб ўтишди. Фақатгина фарғоналик ва сирдарёлик ўқувчиларнинг умумий кўрсаткичлари паст бўлди.*

## ИСТЕЪДОДНИНГ ПАРВОЗИ

Илм — машаққатли йўл. Ундан манзилига ошиққан инсон метин иродали, сабр-тоқатли бўлмоғи лозим. Шундагина у илмнинг мўъжизаларга бой тилсимини қўлга киритишга муваффақ бўлади. Андижон шаҳридаги 9-мактаб ўқувчиси Илҳом Тешабоев умумтаълим фан олимпиадасининг инглиз тили бўйича танловида дастлабки босқичдан то якуний, республика босқичига қадар бўлган йўлига назар ташлар экан, ана шу ҳақиқатга яна бир бор иқрор бўлди. Аввал мактабда ўз билимини чиғириқдан ўтказган ўқувчининг туман босқичидаги ғалабаси ҳам енгил кечмади. Аммо ўқитувчиси Соҳиба Ҳайдарованинг берган далдаси сабабми, вилоят фан олимпиадасига янада кучлироқ тайёргарлик кўришга ҳаракат қилди. Изланишлари самараси ўлароқ, янги босқич аввалида қўли баланд келган Илҳомнинг сўнгги натижаларига кўра тўплаган бали фан олимпиадасининг республика босқичига чиқиш учун даъвогарлик қилаётган рақибиники билан тенг келиб қолди. Тўртинчи босқичда эса вилоятдан фақат биргина вакил иштирок этиши мумкинлиги боис мутлақ ғолибни аниқлаш мақсадида вилоят ҳакамлар ҳайъати томонидан берилган қўшимча 10 та тест саволидан ҳар икки билимдон ҳам бир хил натижа кўрсатиб, 18 баллдан тўплашди. Сўнгра яна қайта 10 та тест саволи берилди. Буни қарангки, бу сафар ҳам иккала даъвогар барча саволларга аниқ жавоб қайтаришибди. Натижада, ушбу синов яна уч маротаба такрорлангандан сўнггина рақибнинг биргина хатоси билан И.Тешабоевга курашни давом эттириш насиб этди.



Албатта, ўз-ўзидан аниқки, республика босқичига барча вилоятлардан сараларнинг сарасигина ташриф буюришади. Шу сабабли Илҳом бу даврада учинчи ўрин учунгина даъвогарлик қилишга мажбур бўлди. Чунки Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳридаги 10-мактаб ўқувчиси Фаридун Воҳидов (умумий 99 балл) ҳамда навоийлик Одил Зариповлар умумий 91 балл йиғган эдилар. Бироқ бу ўрин ҳам осонгина берилиши амри маҳол. Зотан, худди шу ўринга Хоразм вилоятининг Урганч туманидаги 6-ихтисослашган мактаб ўқувчиси Жасурбек Бобоев ҳам (умумий 90 балл) кўз тиккан эди. Яна такрор синов. Шундагина барча 10 та саволнинг барчасига жавоб берган андижонлик метин иродали ўқувчи ғолиблик байроғини кўтаришга муваффақ бўлди.

## ҚОРАКЎЛЛИКЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Эътибор беринг, бутун бошли катта бир вилоятда умумтаълим фан олимпиадасининг республика босқичида фақат биргина тумандаги атиги битта мактабдан бир йўла 10 нафар ўқувчи иштирок этса, бу муваффақиятми ёки заифлик? Албатта, савол бир қарашда мужмал. Чунки савол моҳиятига у қадар кириб борилмаса, бу заифлик деган жавоб олдингизда пайдо бўлади. Ахир, вилоятда бошқа ибратлироқ мактаб йўқдир-да, шундай нуфузли билимлар баҳсига битта мактаб ўқувчилари саралаб олиб келинаверибди. Аммо Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги 1-ихтисослашган мактаб ўқувчилари эгаллаган муваффақиятга қараб бундай хулосага келиб бўлмайди. Зеро, 10 нафар ўқувчи билан умумтаълим фан олимпиадасининг республика босқичига ташриф буюрган мазкур мактаб ўқувчиларининг икки нафар 11-синф ўқувчилари — Ў.Ҳамроев ҳамда А.Жўрақуловнинг иқтисод ва математика фанидан 1-ўринни, уч нафар 10-синф ўқувчисининг эса ғолиблар қаторидан жой эгаллаб, халқаро фан олимпиадаларида иштирок этиш имконини қўлга киритиши улкан муваффақият эмасми!? Ўз-ўзидан савол туғилади. Йиллар давомида биргина ўқувчисини республика, ҳатто, вилоят фан олимпиадасига олиб чиқолмаётган мактаблар бўлгани ҳолда ушбу таълим даргоҳи ўқувчиларининг мунтазам ютуқлар билан қайтиши сири нимада?

— Шогирд муваффақияти — устоз ҳикматида, дейди доноларимиз. Бу бежиз айтилмаган, — дейди биз билан суҳбатда Қоракўл туманидаги 1-ихтисослашган мактаб-интернати директори Тўхтамурод Жумаев. — Мана шу ақидага амал қилган ҳолда ўқитувчиларимиз томонидан ўтиладиган ҳар бир дарс сифатига эътибор қаратамиз. Қувонарлиси, бу эътиборни ўқувчиларимиз ўз ютуқлари билан оқлашмоқда.

Эътибор беринг, рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 1990 йилда илк бор ўз иш фаолиятини бошлаган мактаб-интернати ўқувчилари 1993 йилдан бошлаб республика фан олимпиадаларида совринли ўринларни қўлга киритиб келаётган бўлса, 1998 йилдан хал-қаро фан олимпиадаларида ҳам муваффақиятли иштирок эта бошладилар. Эътиборлиси, шу кунга қадар мазкур мактабнинг 30 нафарга яқин ўқувчиси ушбу олимпиадаларнинг республика босқичида зафар қучган бўлса, халқаро фан олимпиадаларидан юртимизга келтирилган бир қанча сертификатлардан таш-қари, 3 та бронза ва 1 та кумуш медал соҳиблари айни шу мактабдан чиққан.

Ҳар бир ота-она ўз келажагини фарзанди иқболида кўради. Шу боис ўғил-қизларининг эришаётган муваффақиятларидан қувонган ота-оналар ўқитувчилар хизматига ўз миннатдорчиликларини билдириб, 1995 йилда илм даргоҳига “Жигули” автомашинасини совға қилишган бўлса, 2001 йилда тўпланган маблағ ҳисобидан 20 миллион сўмга “ЎзОтайўл” автобусини ҳадя этишди. Бундан ташқари, мактаб моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчию ўқувчиларни рағбатлантиришга ҳам ҳомийларнинг кўрсатаётган ҳимматлари эътиборли.

## ҚУВОНЧЛИ ЛАҲЗАЛАР

Умумтаълим фан олимпиадаларининг ҳар бир совринли ўрини учун барча фанлардан кечган баҳслар муросасизлиги билан ажралиб турди. Айниқса, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаб ўқувчилари учун давлат тили — ўзбек тилида кечган билимлар баҳсида ғолиблик учун бўлган беллашув барчанинг ёдида қолди. 13 нафар ўқувчи ғолиблик учун курашган ушбу фандан дастлаб танлов шартига кўра ёзма ва оғзаки ижодий ишлар орқали ўз билимини синаган ўқувчилар орасидан ғолибликни аниқлаш оғир эди. Бироқ, асосий баҳслар сўнгги 3-турда тест топшириқларидан бир хилда 60 баллдан тўплаган 3 нафар ўқувчи ўртасида давом этди. Натижага кўра, Андижон вилояти Жалолқудуқ туманидаги 12-мактаб ўқувчиси Г.Хўжанова ҳамда Наманган вилоятининг Уйчи туманидаги 6-мактаб ўқувчиси Д.Аҳмедованинг тўплаган умумий баллари 91 баллни ташкил этиб, кучларнинг тенг келиб қолиши қўшимча савол берилишини талаб этди. Шундай қилиб, қўшимча саволлардан сўнг 10 та тест саволининг барчасига тўлиқ жавоб берган Г.Хўжанова 1-ўринни қўлга киритган бўлса, 2-ўрин унинг наманганлик тенгдошига насиб этди. Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманидаги 3-мактаб ўқувчиси М.Қудратова эса 3-ўрин билан кифояланди.

Худди шундай, рус тили (рус мактабларида) фанидан бўлган баҳсларда Бухоро шаҳрининг Тўқимачилик туманидаги 8-мактаб ўқувчиси Г.Комилова энг кўп — 98 балл тўплаб, ортиқча баҳсларга ўрин қолдирмаган бўлса, 2- ва 3-ўрин Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридаги 9-мактаб ўқувчиси И.Кононова ҳамда пойтахтимизнинг II Тошми қошидаги лицей ўқувчиси Н.Львовага насиб этди.




Ҳуқуқ фанидан эса Сирдарё вилоятининг 13-мактаб ўқувчиси Шароф Мўминов рақиби — Тошкент шаҳридаги республика Нафис санъат лицейи ўқувчиси Элдор Ҳасановдан бир балл ортиқ жамғариб, (умумий 90 балл) ғолиблик шоҳсупасини забт этган бўлса, Зайниддин Исаев тенгдошларидан бироз ортда қолиб, (умумий 81 балл) 3-ўринга лойиқ топилди.

Фан олимпиадаларининг сўнгги кунида ўзининг учинчи тур баҳслари билан беллашувларга якун ясаган немис, қозоқ, тожик тили ва адабиёти фанлари бўйича ўтказилган беллашувлар ҳам ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлди. Айниқса, тарих фани мусобақаларида муносибларнинг муносиби, сараларнинг сараси совринли ўринларга даъвогарлик қилди. Бунда Урганч шаҳридаги 21-мактаб ўқувчиси У.Абдуллаев умумий 88 балл билан мутлақ ғолибликни қўлга киритган бўлса, наманганлик Р.Камолов ҳамда бухоролик Ш.Ҳайитовларнинг ҳар иккала турда бир хил, яъни тестдан 66, мустақил ишдан эса 19 баллдан тўплаганликлари боис қўшимча тест саволлари берилди. Бу турда эса Р.Камоловнинг омади чопди.

## ТЕСТ — БАЛЛНИ (БИЛИМНИ) ОШИРУВЧИ ВОСИТАМИ?

Фан олимпиадаларининг йилдан-йилга такомиллаштириб борилаётганлиги эътиборли ҳол. Айниқса, ўқувчи билимини баҳолашда жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, жорий йилда ўқувчиларнинг нутқ бойлигини оширишга, фикрлаш, хулоса ясаш, масалага ижодий ёндашиш қобилиятларини ўстиришга қаратилган амалий ва ёзма топшириқларнинг синовлар ичидан жой олиши эътиборли бўлди. Таҳлилларга қарайдиган бўлсак, ўқувчиларимизнинг заиф жиҳатлари ҳам айни оғзаки ва ёзма, амалий ва ижодий топшириқларни бажариш кўникмаси етарли эмаслигида кўринади.

Информатика фанидан ўтказилган билимлар баҳсида совринли ўринларнинг очиқ қолишига ҳам айни омил сабаб эмасмикан? Эътибор беринг, информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фанидан бўлиб ўтган фан олимпиадаси икки турда, яъни, амалий иш ва тест синови шаклида ўтказилди. Дастлабки турда ўқувчиларга учта масала берилган бўлиб, ҳар бир масаланинг тўғри жавоби максимал 10 баллдан баҳоланиши лозим эди. Бироқ, ушбу фандан баҳсга кирган 30 нафар 11-синф ўқувчисининг ҳеч бири амалий топшириқларни тўлиқ бажара олмаган. Устига устак 5 нафар ўқувчи мазкур топшириқдан 0 балл олган бўлса, 11 нафари атиги 1 балл билан кифояланишган. Аммо эътиборлиси, 2-босқичда берилган 35 та тест топшириқларидан эса аксарият ўқувчи юқори балл тўплашган. Жумладан, Тошкент шаҳридаги 90-мактаб ўқувчиси Ш.Жўраев амалий топшириқлардан 9 балл ҳамда тест синовларидан максимал 70 балл жамғариб, (умумий 79 балл) мутлақ ғолибликка даъвогар бўлди. Хоразм вилоятининг Қўшкўпир туманидаги 4-лицей ўқувчиси И.Ўрозметов ҳамда Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги 7-мактаб ўқувчиси М.Маҳмудовларнинг (умумий 70 балл) кўрсатган натижалари низомда белгиланган баллдан пастлиги учун совринли ўринлар очиқ қолди.

Худди шундай аввалги турларда етарлича балл тўплай олмай, уни тест синовларига берилган тўғри жавоблари орқали тўлдириш ҳоллари бошқа фанларни кузатганда ҳам учрайди. Масалан, она тили ва адабиёти фанидан ғолиблик учун кечган баҳсларнинг биринчи турида 30 балл тўплаш имконияти бўлган ҳолда ёзма ишдан 1-ўрин соҳибаси 23 балл тўплаган бўлса, 2- ва 3-ўринни эгаллаб, совриндорлар қаторидан жой олган ўқувчиларнинг натижалари ҳам 21 баллдан юқорига кўтарилмаган. 2-турда эса оғзаки топшириқлардан ҳам 10 баллик имкониятдан 6 баллдан жамғаришга муваффақ бўлишган холос. Худди шундай мисолларни тарих, физика, инглиз тили, иқтисодий билим асослари, ўзбек тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун) фанларидан ўтган баҳслар натижаларидан ҳам кўриш мумкин.Савол туғилади, ўқувчиларнинг кўрсатган бу каби натижалари сабаби нимада?

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

Шу савол билан география фанидан ўтказилаётган олимпиадани кузатдик. Қатнашчилар 3-вариантдаги 3 саволга жавоб ёзаётган эканлар. Уларни чалғитмаслик мақсадида ҳакамлар ҳайъати раиси, география фанлари доктори, профессор Асқар Ниғматов билан суҳбатлашдик:

— Биринчи савол орқали қатнашчиларнинг картани ёддан билиш қобилияти аниқланади. Уларда кам учрайдиган географик номлар берилган, уларни материк, ярим орол, денгиз номларига ажратиб, жадвални тўлдиришлари талаб этилса, иккинчи топшириқ орқали берилган ҳикоя тариқасидаги матнда учрайдиган географик жойлар — дарё, ўрмон, кўприк, жарлик кабиларнинг шартли белгиларини қўя олишлари синаб кўрилади. Контурли карта билан ишлашга оид учинчи топшириқда эса ўқувчилар металлургия мажмуаси картасига Ўзбекистон қора металлургия комбинати, олтин саралаш фабрикалари ва жаҳонга машҳур рангли металлургия марказларини белгилаб берадилар.

— Бу топшириқлар орқали географиянинг бола онгида қай тарзда мустаҳкамланганлиги, Ўзбекистон иқтисоди ва унинг ривожланишида бу фаннинг аҳамияти қай даражада эканлигини аниқлаб оламиз, — дейди ТШХТББ услубчиси, ҳайъат аъзоси М.Маҳманазарова. — Бизда амалий машғулотларни тўғри бажариб, 29, 27 балл олган қатнашчилар тест топшириқларини ҳам тўғри ечиб, ғолиб бўлишди.

Бу ғолиблар кимлар экан? Танишинг: Ж.Баҳриддинов — Самарқанд вилоятининг Иштихон туманидаги 44-мактаб ўқувчиси — 1-ўрин совриндори, Н.Хўжаев — Жиззах вилояти Зомин туманидаги 2-лицей ўқувчиси — II ўрин совриндори, Ш.Маматқулов эса III ўринни эгаллаб, ўз вилоятлари шарафини муносиб ҳимоя қила олди.

Олимпиада натижаларини ташқарида ҳаяжонланиб кутиб турган ота-оналар, устозлар, дўстлар гоҳ шивалаб, гоҳ шаррос қуяётган ёмғирни-да писанд этмадилар. Бутун эътиборлари гоҳ ғолиб бўлиб, кўзда севинч ёши билан чиқаётган, гоҳ ўзи кутган натижага эришолмай, кўзини ердан узолмай чиқаётган олимпиада иштирокчиларига қаратилган. Улар учун ғолиб ёки мағлуб қайси вилоятдан эканлигининг фарқи йўқ, барча ғолибни кутлаяпти...

Шу вақт “2-ўринни эгалладим”, деб хурсанд чиққан қизни онаси ва устози бағрига босиб табриклашди. Танишдик, Юнусобод туманидаги 51-мактаб ўқувчиси — Тамара Самадова экан.

— Биз жуда суюндик, — дейди Тамаранинг устози С.Караева.— Ҳар йили олимпиадада бир ўқувчимиз ғолиб бўлади. Тамара туман ва шаҳар ишончини оқлади. Билимли, истеъдодли бу қизга икки йил Америкада ўқиб келгани ҳам қўл келди. Тамара инглиз тилини ҳам мукаммал билади.

## САРАЛАР САРАСИ

Савол туғилади, шундай теран билимга эга бўлган ўқувчини-да ортда қолдириб, 1-ўринни қўлга киритган ўқувчи ким? Аниқ бўлишича, Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманидаги 62-ихтисослашган мактаб ўқувчиси Отабек Мўминов тест топшириғидан 60 балл, ёзма ишдан 15 ҳамда оғзаки топшириқлардан 13 балл тўплаган ҳолда умумий 88 балл натижа билан биринчи ўринни қўлга киритибди.

Ҳа, олимпиада — синов. Янгийўл туманидаги 4-мактаб ўқувчиси Д.Аҳмедов 100 балл билан ғолибликни қўлга киритиб, республика олимпиадасига келган эди. Биринчи тур — оғзаки ва ижодий ёзма ишдан энг юқори балл тўплаган бу қатнашчига кўпчилик тан берган эди. Афсуски, тест синовидан кам балл тўплагани учун ўрин эгаллай олмади. Худди шунингдек, 3-ўрин ҳам баҳсли бўлди. Самарқандлик С.Бараташвили тест синовидаги қўшимча топшириқларни кўпроқ ечиб, Ш.Акбаровани енгди.

## 64 НАФАР ЎҚУВЧИ — ТАЛАБА

Бир сўз билан айтганда, ўтказилган ушбу фан олимпиадалари келажакда эл-юрт эртаси, унинг тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўша оладиган фидойи ўғил-қизларни камолга етказишда ўзига хос аҳамият касб этди. Буни Республика халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Аҳлидинов ҳам эътироф этар экан, ғолиб ўқувчи-ю уларнинг ўқитувчилари қаторида барча иштирокчиларни самимий кутлади. Шундан сўнг олимпиадада 1-,2-,3-ўринни эгаллаган 64 нафар ўғил-қизга махсус гувоҳномалар топширилиб, муддатидан олдин талабаликка йўлланма берилган бўлса, математика, информатика, физика, кимё ҳамда биология фанларидан келгусида бўлиб ўтадиган халқаро фан олимпиадаларига ўқувчиларни тайёрлаш мақсадида 10-синф ўқувчилари ўртасидан саралаб олинган энг иқтидорли ёш иштирокчиларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Умумтаълим фан олимпиадаларининг тантанали ёпилиш маросимида қатор элчихоналар, жамғарма ва ташкилотлар вакиллари иштирок этиб, ғолиб ва барча қатнашчиларни ўзлари таъсис этган мукофотлар билан тақдирладилар.

## ЮТУҚ ВА ИҚРОР КЎЗГУСИ

*Пойтахтдаги Йўлдош Охунбобоев номидаги кўзи ожизлар махсус мактаб-интернатида ғолибликка даъвогар ўн тўрт нафар ўқувчи орасида ўтказилган ҳал қилувчи беллашувлар ҳам талабаликка номзод ёшларни саралади. Она тили ва адабиёт фанидан уч тур (иншо, оғзаки суҳбат, тест)да курашган етти нафар даъвогарнинг ҳар бири мазкур мусобақага жиддий тайёрланганини исботлашга интилишди. Бироқ бундай мусобақаларда албатта ғолиб аниқланиши лозим бўлади. Демак, ғолиблар билан танишинг: биринчи ўринни Хива шаҳридаги 121-мактаб-интернат ўқувчиси Пардагул Тилабоева 93 балл билан банд этган бўлса, пойтахтнинг Ҳамза туманидаги Йўлдош Охунбобоев номидаги кўзи ожизлар махсус мактаб-интернат ўқувчиси Нилуфар Очиловага 92 балл билан иккинчи бўлиш насиб этди. Учинчи ўринни эса Самарқанд шаҳридаги 59-мактаб-интернат ўқувчиси Гулмира Мустафоева 91 балл билан эгаллади.*

*Математика фани беллашувлари ҳам муросасиз тарзда кечди. Икки тур (ёзма иш ва тест)да ўтказилган бу танловда ҳам етти нафар ўқувчи қатнашган бўлса-да, уларнинг ҳар бири ғолиблик уч кишигагина насиб қилишини билган ҳолда курашишди. Ниҳоят, омадли уч иштирокчи номи ҳам маълум бўлди: биринчи ўрин — пойтахтлик Шавкат Ёрмуҳамедов (88 балл), иккинчи ўрин — Қарши шаҳридаги ВКОБМИМ ўқувчиси Равшан Бойназаров (77 балл), учинчи ўрин — Бухоро шаҳридаги 24-мактаб-интернат ўқувчиси Ўрин Бўтаев (76 балл).*

**Саҳифа материалларини “Ma'rifat” мухбирлари Нурлан УСМОНОВ, Баҳодир ЖОВЛИЕВ, Маҳмуда ВАЛИЕВА, Шерали НИШОНОВ тайёрлашди**

**Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар**

# СИНОВ ПАЛЛАСИ ЯҚИНЛАШМОҚДА

Яқинда Халқ таълими вазирлигида "Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим муассасаларида 2002-2003 ўқув йилини якунлаш, битирувчи синфларда ўқувчилар билими ва кўникмаларини якуний аттестациядан ўтказиш тўғрисида"ги буйруқ қабул қилинди.

Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги "Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"-ги 390-сонли қарорини ҳаётга татбиқ этиш, умумий ўрта таълим муассасаларида 2002-2003 ўқув йилини якунлаш, битирувчи синф ўқувчиларининг билими ва кўникмаларини якуний аттестациядан ўтказишни ташкилий-услубий жиҳатдан юқори савияда ўтказишга қаратилган. Унга кўра, барча турдаги умумий ўрта таълим муассасалари, махсус мактаб-интернатлар, Катталар таълим марказларида ўқув машғулотлари 24 майда тугалланади.

Умумий ўрта таълим муассасаларини битирувчи IX, XI (XII) - синф ўқувчиларининг билим ва кўникмалари оғзаки, ёзма имтиҳонлар тарзида якуний аттестациядан ўтказилади. Бунда айрим фанларни чуқурлаштирилган дастурлар асосида ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларда ҳамда IBM русумидаги компьютерлар билан таъминланган мактабларда имтиҳонларни тест-синовлар тарзида компьютерлар ёрдамида ўтказилишига рухсат берилади.

Барча турдаги умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг билимини якуний аттестациядан ўтказиш IX синфларда 27 майдан 18 июнгача; XI (XII) синфларда 27 майдан 19 июнгача амалга оширилади.

Мазкур буйруқ билан "Ўқувчиларни синфдан-синфга кўчириш тартиблари ва якуний аттестациядан ўтказиш бўйича йўриқнома" ҳам тасдиқланган бўлиб (йўриқнома илова этилади) умумий ўрта таълим муассасалари, шу жумладан, ихтисослаштирилган мактаблар, мактаб-интернатлар битирувчилари билими ва кўникмаларининг якуний аттестацияси шу йўриқнома асосида ўтказилади.

IX синф битирувчилари қуйидаги ўқув фанларидан имтиҳон топширадилар:

| | |
|---|---|
| — она тили ва адабиёт | — ёзма (ижодий баён ёки иншо) — 27 май |
| — математика | — ёзма — 30 май |
| — физика | — оғзаки |
| — кимё | — оғзаки |
| — Ўзбекистон тарихи | — оғзаки |
| — Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари | — оғзаки |
| — ўзбек тили ( таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда) | — оғзаки |
| — рус тили (таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда) | — оғзаки |
| — жисмоний тарбия | — назарий ва амалий |

XI (XII) синф битирувчилари эса қуйидаги ўқув фанларидан имтиҳон топширадилар:

| | |
|---|---|
| — она тили ва адабиёт | — ёзма (иншо) - 2 июн |
| — математика | — ёзма - 28 май |
| — физика | — оғзаки |
| — кимё | — оғзаки |
| — тарих | — оғзаки |
| — хорижий тиллар (инглиз, француз, немис) | — оғзаки |
| — ўзбек тили (таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда) | — оғзаки |
| — рус тили (таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда) | — оғзаки |
| — жисмоний тарбия | — назарий ва амалий |

*Rasmiy bo'lim*

2002-2003 ўқув йилида давлат таълим стандартларини босқичма-босқич жорий этиш якунланишини эътиборга олиб, 9-синфлар учун ўқув режада белгиланган барча фанлардан (имтиҳон олинадиган фанлардан ташқари) ўқув йили тугашига қадар якуний синов ишлари ўтказилади. Шунингдек, умумий ўрта таълим мактабларининг IV, IX, XI синф ўқувчилари 2003 йил 14 майдан 22 майга қадар жисмоний тарбия меъёрий талаблари бўйича синовдан ўтказилади.

Буйруқда ихтисослашган ва махсус мактабларда ўтказиладиган битирув имтиҳонлари тартиби ҳам белгиланган. Жумладан, ихтисослаштирилган мактаблар, мактаб-интернатлар, айрим фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган мактаблар ёки синфларда (V - XI) бир ёки икки махсус фандан қўшимча имтиҳон киритилиши лозимлиги таъкидланган бўлиб, махсус фан бўйича имтиҳон материаллари (ёзма, оғзаки ёки тест) ўқув муассасаси ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилиши ва ўқув муассаса метод бирлашмаси муҳокамасидан ўтказилгач, туман (шаҳар) халқ таълими бўлими услубхонаси билан келишилган ҳолда директор томонидан тасдиқланиши кўрсатилган.

Махсус мактабларда эса имтиҳонлар қуйидаги тартибда ўтказилади: кар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатларида она тили ва адабиёт (баён ёки иншо), математика (ёзма) фанларидан имтиҳонлар ўтказилади; кўзи ожиз, заиф кўрувчи, кар, заиф эшитувчи, полиомиелит (таянч ҳаракат аъзолари шикастланган), нутқида нуқсони бўлган болалар махсус мактаб-интернатларида битириш имтиҳонлари умумий ўрта таълим мактаблари учун белгиланган фанлар (жисмоний тарбиядан ташқари) ва муддатларида ўтказилади. Ақли заиф болаларнинг махсус мактаб ва мактаб-интернатларида битириш имтиҳонлари фақат меҳнат таълими бўйича ўтказилиб, у Республика Таълим маркази томонидан берилган тавсия ва мезонларга асосланади. Имтиҳонларни ўтказиш муддати эса мактаб педагогика кенгаши томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда кар, заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатлари учун она тили ва адабиёт (баён), математика (ёзма) фанларидан битириш имтиҳонлари материаллари 2003 йилнинг 15 апрелигача Республика Таълим маркази томонидан тайёрланиб, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларига электрон почта (ёки модем тизими) орқали етказилади.

Имтиҳон материаллари, имтиҳонларни ўтказиш бўйича тартиб ва тавсиялар Халқ таълими вазирлиги "Таълим тараққиёти" Ахборотномасининг навбатдаги сонида берилади.

# Ўқувчиларни синфдан-синфга кўчириш тартиблари ва якуний аттестациядан ўтказиш бўйича ЙЎРИҚНОМА

## I. Ўқувчиларни якуний аттестацияга қўйиш ва синфдан-синфга кўчириш ТАРТИБИ

1.1. Билими, малакаси ва кўникмалари умумий ўрта таълим ДТС ва ўқув дастурлари талабларига жавоб бера оладиган I-YIII, X синф ўқувчилари синфдан-синфга кўчирилган, битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган IX, XI /XII/ синф ўқувчилари эса, мактабни битирган ҳисобланадилар.

Ўқувчиларни синфдан-синфга кўчириш ва битириш масалалари мактаб педагогика кенгаши қарори билан расмийлаштирилади.

1.2. 1-синф ўқувчилари тиббий-педагогик комиссия хулосаси асосида ўқув муассасаси педагогика кенгаши қарори билан қайтадан ўқиш учун синфда қолдирилади. Бошқа ҳолларда 1-синф ўқувчилари синфда қолдирилмайдилар.

1.3. Умумий ўрта таълим фанларидан I-VIII, X синф ўқувчиларининг билими ва кўникмалари бўйича йиллик баҳолари уларнинг чорак, ярим йиллик баҳолари асосида ўқув машғулотлари тугашидан 3-5 кун олдин чиқарилади.

1.4. II-YIII ва X (XI) синфлардан кейинги босқич синфга барча ўқув фанларидан ижобий йиллик(оддий синфларда) ёки якуний баҳоларга(ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернат ёки айрим фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган синфларда) эга бўлган ўқувчилар ўтказилади. Шу синфларнинг 1 ёки 2 фанидан ўзлаштира олмаган ўқувчилар ўқув йили тугагандан сўнг 2 ҳафта ўтгач ёки август ойида ёзма ёки оғзаки синовлардан ўтказилади ва педагогик кенгаш қарори билан синфдан синфга кўчирилади.

Ўқувчи бу синовлардан ҳам ўта олмаган тақдирда уни такроран синфда қолдириш ҳақида мактаб педагогика кенгаши қарор қабул қилади.

Уч ва ундан ортиқ фанлардан билими қониқарсиз баҳоланган ўқувчилар мактаб педагогика кенгаши қарорига асосан қайтадан ўқиш учун синфда қолдирилади.

Изоҳ: а) Ўқувчиларнинг саломатлиги бўйича жисмоний тарбия (синфдан синфга кўчириладиган синфларда ва битирувчи синфларда) машғулотларидан озод этилишлари уларни синфдан синфга кўчириш ёки мактабни битиришларига таъсир кўрсатмайди.

б) (XI) – Катталар таълим марказидаги XI синфни, (XII)– эса XII синфни англатади.

1.5. Айрим ўқувчиларнинг такроран синфда қолдирилганлиги ёки кейинги синфга кўчириш ва битириш масаласини маълум муддатга кечиктирилганлиги ҳақидаги педагогика кенгашининг қарори 3 кундан кеч бўлмаган муддатда ўқувчи ва унинг ота-оналарига ёзма равишда маълум қилинади.

1.6. Ўқувчининг умумий ўрта таълим мактабида ўқишни давом эттиришига саломатлиги туфайли монеълик кўрсатувчи камчиликлар хусусида тиббий хулосалар мавжуд бўлса, педагогика кенгашининг қарорига асосан ва ота-онасининг розилиги билан унга махсус ихтисослаштирилган таълим муассасасига тиббий-педагогик комиссия йўлланмаси берилади.

1.7. Барча фанлар бўйича ўқув дастурларини ўзлаштирган IX ва XI (XII) синф ўқувчилари якуний аттестацияга қўйилади.

Имтиҳонлар бўлмайдиган 1-2 фан бўйича қониқарсиз йиллик баҳога эга бўлган IX, XI (XII) синф ўқувчиларини якуний аттестацияга қўйиш масаласини мактаб педагогика кенгаши ҳал этади. Имтиҳон бўладиган фанлардан қониқарсиз йиллик баҳоси бўлган ўқувчилар шу фанлардан якуний аттестацияга қўйилмайди.

1.8. Чет элларда вақтинча таълим олган (ота-онаси хориждаги дипломатик корпусларда ишлаётган, турли танловлар ёки чет мамлакатларнинг грантлари ҳисобига таълим олган ўқувчилар) I-VIII синф ўқувчиларининг жорий аттестацияси ҳақидаги масала Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари томонидан кўриб чиқилади.

## II. Битирувчиларнинг якуний аттестацияси

2.1. Барча турдаги умумий ўрта таълим муассасаларининг ўқув дастурларини ўзлаштириш бўйича битирувчиларнинг билим ва кўникмаларини аниқлаш ёзма ёки оғзаки имтиҳонлар шаклида амалга оширилади. IX, XI (XII) синф ўқувчиларини якуний аттестациядан ўтказиш жараёнида топширилиши мажбурий бўлган битириш имтиҳонлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

2.2. Битирувчи IX, XI (XII) синфлар учун якуний аттестация материаллари (иншо мавзулари, математика бўйича топшириқлар, оғзаки имтиҳон билетлари) Республика Таълим маркази томонидан барча мактаблар учун етарли миқдорда тайёрланади.

Вазирлик белгилаган рўйхатга кирмаган, лекин чуқур ўрганилган фанлардан имтиҳон билетлари, тест топшириқлари умумий ўрта таълим муассасаларининг методбирлашмалари томонидан тайёрланади ва уларни мактаб директори тасдиқлайди.

2.3. Умумий ўрта таълим муассасаларининг IX, XI (XII) синфлари битирувчиларининг якуний аттестациясини шу ўқув муассасаси (педагогика) кенгаши томонидан тасдиқланган имтиҳон ҳайъати амалга оширади.

2.4. Фанлар бўйича имтиҳонларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича барча жавобгарлик мактаб имтиҳон ҳайъати раиси: умумий ўрта таълим муассасасининг директори, у йўқ пайтларда унинг вазифасини бажарувчи зиммасида бўлади. Имтиҳон бўладиган ҳар бир фандан имтиҳон олувчи ҳайъат ва унинг раиси мактаб директорининг буйруғи билан тайинланади. Имтиҳон ўтказиладиган синфга дарс берувчи педагог шу фан бўйича имтиҳон ҳайъатининг раиси бўлиши мумкин эмас.

2.5. Чет элларда вақтинча таълим олган (ота-онаси хориждаги дипломатик корпусларда ишлаётган, турли танловлар ёки чет мамлакатларнинг грантлари ҳисобига таълим олган ўқувчилар) битирувчи ўқувчиларнинг якуний аттестацияси ҳақидаги масала Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари томонидан кўриб чиқилади. Агар ўқувчи ўқиган мамлакатида умумий ўрта таълимни тугатганлиги тўғрисида ҳужжат (аттестат, сертификат ва ҳ.к.) олган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларида амалдаги қонунларга мувофиқ нострификация қилинади.

Агар ўқувчига чет мамлакатларда берилган ҳужжат Ўзбекистон Республикасида бериладиган шаҳодатнома (аттестат) ўрнини боса олмаса, яъни ўқувчи маълум бир фанлар йўналишида таълим олиб келган бўлса, у умумий тартибда имтиҳонларга киритилади. Бундай ҳолларда ўқувчи ўзига берилган ҳужжатда кўрсатилган фанлардан бошқа барча асосий фанлар бўйича синовдан ўтказилади. Ўқувчига якуний баҳони қўйишда унинг аввалги синфларда олган баҳолари ҳам инобатга олинади.

2.6. Бир ёки икки фандан ўтказилган имтиҳонлардан қониқарсиз баҳолар олган IX, XI (XII) синф ўқувчиларига охирги имтиҳондан кейин камида 2 ҳафта муддат ўтгач, қониқарсиз баҳо олган фанидан қайта имтиҳон топшириш ҳуқуқи берилади.

Йиллик ва якуний баҳоларига кўра умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари талаблари бўйича 3 ва ундан ортиқ фанлардан "қониқарсиз" баҳо олган IX синф ўқувчилари қайта ўқиш учун синфда қолдирилади.

XI (XII) синфларнинг барча ўқув фанларидан йиллик ва якуний баҳолари ижобий бўлган ўқувчилар ўрта мактабни битирган ҳисобланадилар:

Битирувчи XI (XII)синф ўқувчиси йиллик ва якуний баҳоларига кўра 3 ва ундан ортиқ фандан қониқарсиз баҳоланган бўлса, мактаб педагогик кенгашининг қарорига мувофиқ унга ўқиганлиги ҳақида маълумотнома берилади.

2.7. Ўқиганлиги ҳақида маълумотнома олган битирувчилар бир йилдан сўнг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган "Экстернат тўғрисида йўриқнома" асосида битириш имтиҳонларида қониқарсиз баҳо олган фанларидан қайта имтиҳон топшириш ҳуқуқига эгадирлар.

2.8. Меҳнат таълимига йўналтирилган таълим муассасаларида XI (XII) синф битирувчиларининг меҳнат (бошланғич касб) тайёргарлиги, танлаган ихтисослиги бўйича имтиҳон топшириши билан якунланади.

Бу имтиҳонлар мактабларaро ўқув ишлаб чиқариш комбинати, катталар таълим маркази ҳамда таянч корхоналар маъмуриятлари ўзаро келишган муддатларда, умумтаълим фанлари бўйича битириш имтиҳонлари бошланишидан камида 2 ҳафта олдин ўтказилади. Касб ихтисоси бўйича имтиҳонлар таълим муассасалари корхона, ташкилот (база ташкилоти) ва ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарларининг қўшма буйруғи билан тасдиқланган имтиҳон ҳайъати томонидан қабул қилинади.

## III. Ёзги топшириқлар ва такрорий имтиҳонлар

3.1. Барча турдаги умумий ўрта таълим мактаблари томонидан синфдан синфга кўчирилиши маълум муддатга кечиктирилган ўқувчиларга ўзлаштира олмаган ёзги ўқув топшириқлари берилади.

Ёзги ўқув топшириқлари барча синфларда фанлар бўйича амалдаги ўқув дастури асосида умумий таълим мактаблари метод бирлашмалари томонидан тузилади.

3.2. Ёзги топшириқларни олган ўқувчиларга амалий ёрдам бериш мақсадида якка тарзда ёки гуруҳ машғулотлари ташкил этилади. Бундай машғулотлар жадвали мактаб директори томонидан тасдиқланади. Бунда фан ўқитувчиларининг меҳнат таътилида бўлмаган вақтлари инобатга олинади ва ўқувчилар бу машғулотларда бепул қатнашадилар.

Ўқувчиларнинг ота-оналари фарзандларига қўшимча машғулотлар ўтказиш мақсадида шартнома асосида ўқитувчиларни жалб этишлари мумкин.

3.3. Ёзги топшириқлар олган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига ўтказиладиган такрорий синовлар жадвали ёзги таътилга чиқишдан 3 кун олдин эълон қилинади.

3.4. Такрорий битириш имтиҳонларини ўтказиш муддатлари туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари билан келишилган ҳолда мактаб педагогика кенгаши томонидан белгиланади.

3.5. Такрорий топшириқларни муваффақиятли топширган ўқувчилар мактаб педагогика кенгаши қарори билан синфдан синфга кўчирилади.

## IV. Ўқувчиларни битириш имтиҳонларидан озод этиш

4.1. Фанларни ижобий ўзлаштираётган ўқувчилар якуний аттестациялардан (битириш имтиҳонларидан) умумий ўрта маълумот бўйича туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари, ўрта маълумот бўйича эса вилоят халқ таълими бошқармаларининг буйруқлари асосида қуйидаги ҳолатларда қисман ёки бутунлай озод этиладилар:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари томонидан 1995 йил 22/23 майдаги "Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини касаллиги туфайли синфдан-синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларидан озод қилиш тўғрисида"ги 99/230-сонли қўшма буйруғи билан тасдиқланган касалликлар рўйхати ва йўриқномага асосланган ҳолда соғлиғи бўйича;

халқаро олимпиадаларда, спорт мусобақаларида ва ўқувчиларнинг мусиқа танловларида иштироки бевосита имтиҳон даврига тўғри келса, ўқувчи шу кунлардаги имтиҳонлардан;

иқтидорли болаларга мўлжалланган ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатлари ва айрим фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган синфларнинг V-VIII, X синфларида ўқувчиларни имтиҳондан озод этиш мактаб педагогика кенгаши қарори билан ҳал этилади. Уларнинг якуний баҳоси йиллик баҳоси асосида чиқарилади.

4.2. Ўқувчи йиллик ижобий баҳоларга эга бўлган ҳолда соғлиғи туфайли битирув имтиҳонларидан озод этилган тақдирда таълимни бошқарув муассасаси қуйидаги ҳужжатларга асосланган ҳолда буйруқ қабул қилади;

ўқув муассасаси жойлашган ҳудуддаги даволаниш муассасаси тиббий-назорат комиссияси (ВКК)нинг мактаб шифокори, қишлоқ жойларда эса туман Бош педиатри билан келишган ҳолдаги тиббий хулосалари;

мактаб педагогика кенгашининг қарори ва расмий хати, ўзлаштириш табели (ушбу кўрсатилган ҳужжатлар директор имзоси ва мактаб муҳри билан тасдиқланади).

4.3. IX,XI(XII) синф ўқувчиларининг яшаш жойи ўзгариши (республикадан ташқарига чиқиш) муносабати билан шу ҳолатни тасдиқловчи расмий ҳужжатлари бўлса (бу ҳолат март-апрель-май ойларида юзага келса), бундай ўқувчиларга битириш имтиҳонларини муддатидан илгари топширишларига Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар Халқ таълими бошқармаларининг буйруғи билан рухсат берилади.

Бундай ҳолларда халқ таълими вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган фанлардан имтиҳонлар, қолган асосий фанлардан синовлар ўтказилади. Имтиҳон ва синовларни ўтказиш муддати мактаб директори томонидан тасдиқланади ва улар мактабда тузилган муваққат имтиҳон ҳайъати томонидан ўтказилади.

4.4. Якуний аттестациялар даврида касал бўлган ва имтиҳонлар тугашигача тузалиб чиққан ўқувчилар таълим муассасаси директори буйруғига кўра қолдирилган имтиҳонларни имтиҳонлар тугагандан сўнг икки ҳафта ўтгач топширадилар, IX битирувчи синф ўқувчилари имтиҳонларининг бир қисмини такрорий имтиҳонлар даврида (август ойида) топширишлари ҳам мумкин.

## V. Битириш имтиҳонларини ўтказиш тартиби

5.1. Битирувчи синфларда имтиҳонларни ўтказиш муддати Халқ таълими вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланади.

5.2. Имтиҳонлар мактаб директори томонидан тасдиқланган жадвал асосида ўтказилади. Жадвал ўқувчилар ва ўқитувчилар атрофлича танишиб олишлари учун имтиҳонлар бошланишидан камида 10 кун олдин осиб қўйилади.

Имтиҳонлар жадвалини тузишда қуйидагиларга эътибор берилади:

ўқув предметлари бўйича ўтказиладиган имтиҳонлар оралиғи 2 кундан кам бўлмаслиги керак;

жисмоний тарбиядан аввал амалий сўнгра назарий имтиҳонлар ўтказилади.

5.3. Имтиҳонларда ўқувчилар билими, малакаси ва кўникмаларига қўйилган талаблар ҳар бир фаннинг амалдаги ўқув дастури асосида белгиланади.

5.4. Умумий ўрта таълим мактабларининг IX синфларида она тилидан ёзма ишга(баён ёки иншо) 3 астрономик соат, математикадан ёзма имтиҳонга 3 астрономик соат, XI (XII) синфларда иншо ва математикадан ёзма иш учун 4 астрономик соатдан ажратилади. Ихтисослашган фанлардан тест-синов топшириқлари берилиши кўзда тутилган бўлса, уларни бажаришга бериладиган вақт 2 астрономик соатдан ошмаслиги лозим.

5.5. Ёзма имтиҳонлар учун энг ёруғ ва кенг хоналар ажратилади. Ёзма имтиҳонлар вақтида IX, XI (XII) синф ўқувчилари парталарга (стол) биттадан ўтказилади.

Битирувчи XI (XII) синфларнинг ёзма (иншо) имтиҳонларида ўқувчиларга имтиҳон ҳайъатининг розилиги билан ўз иншоларига киритиладиган парчаларни, айрим матнларни аниқлаб олишлари учун бадиий адабиётлардан фойдаланишларига рухсат этилади. Лекин, мавзу мазмунини талқин этувчи манбалардан фойдаланишга рухсат этилмайди. Бошқа фанлардан ўтказиладиган имтиҳонлар пайтида ўқувчилар харита, глобус, турли жадваллар, чизмалар, муляж, гербарийлар, препаратлар, лаборатория асбоб-ускуналари ва бошқа воситалардан фойдаланишларига рухсат берилади.

Ўқувчиларга ёзма имтиҳонлар ва оғзаки жавобларни тайёрлашлари учун мактаб тамғаси туширилган алоҳида варақлар берилади.

5.6. Ўқувчи ўз ишининг хомаки нусхасини ҳам ёзма иш билан бирга имтиҳон ҳайъатига топширади. Белгиланган вақтда ёзма ишни тугаллай олмаган ўқувчилар уни тугалланмаган ҳолда топширадилар.

5.7. Ёзма ишларни бажариш чоғида ўқувчилар эҳтиёж туфайли 5-10 дақиқага синфдан ташқарига чиқишлари мумкин. Бундай ҳолларда ўқувчи ёзма ишларини имтиҳон ҳайъати аъзоларига топшириб кетади. Ҳайъат аъзолари эса ёзма ишга ўқувчининг қанча муддат синфдан ташқарида бўлганлигини белгилаб қўядилар.

5.8. Имтиҳон тугаганидан сўнг ёзма ишлар имтиҳон ҳайъати раиси томонидан шифрланади ва имтиҳон ҳайъати уни мактабдан чиқмаган ҳолда текширади. Текшириб улгурилмаган ёзма ишлар сақлаш учун мактаб директорига топширилади. Иншолар, баёнларда йўл қўйилган хатолар сони амалдаги тартибда алоҳида қайд этилади. Ўқувчиларнинг "2" ва "5" билан баҳоланган иншолари, баёнлари, математика бўйича ёзма ишларига имтиҳон ҳайъати томонидан қисқача тақриз ёзилади.

5.9. Ўрта мактабни "Аъло даражали шаҳодатнома" билан битиришга даъвогарлик қилаётган ўқувчиларнинг ёзма ишларини имтиҳон ҳайъати аъзолари имтиҳон якунланган кун давомида текшириб, баҳолайдилар.

5.10. Барча турдаги умумтаълим мактабларида имтиҳонлар эрталаб соат 8.00 дан бошланади. Мактабда битирувчи синфлар сони кўп бўлган тақдирда оғзаки имтиҳонларни икки босқичда (смена) ўтказишга рухсат берилади.

5.11. Она тили ва адабиётдан ўтказиладиган баён ва иншо мавзулари ҳамда математикадан топшириқларни танлаш, имтиҳон бошланишидан олдин барчанинг иштирокида топшириқ рақами солинган конвертни танлаб олиш йўли билан амалга оширади. Иншолар, баёнлар мавзуси ва математикадан топшириқлар синф доскасига аниқ, тушунарли ҳолда ёзиб қўйилади.

5.12. Оғзаки имтиҳонларни топширишда ўқувчиларнинг сони 20 нафардан ортиқ бўлса, имтиҳонларни 2 гуруҳда кетма-кет бир кунда ўтказилиши мумкин.

5.13. Оғзаки имтиҳонларда олган топшириқлари бўйича тайёрланиш учун ўқувчиларга 15-20 дақиқа вақт берилади.

Имтиҳон ҳайъати аъзолари, имтиҳон топширувчи ўқувчининг билет бўйича жавобларини диққат билан, бўлмасдан тинглайдилар. Ўқувчига билетда қўйилган топшириқлар доирасида қўшимча саволлар бериш мумкин. Агар ўқувчи билет саволига жавоб бера олмаса, имтиҳон ҳайъати томонидан унга иккинчи марта билет олишга рухсат берилади. Иккинчи марта билет олган ўқувчига қандай баҳо қўйишни унинг берган жавобига кўра ҳайъат аъзолари ҳал этади. Ўқувчига учинчи марта билет олишга рухсат берилмайди ва унга имтиҳон баҳоси сифатида "қониқарсиз" баҳо қўйилади.

5.14. Имтиҳон топширувчи ўқувчи оғзаки ёки ёзма имтиҳонларни топшириш жараёнида белгиланган тартибни бузгани тақдирда у имтиҳонларни давом эттириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин, имтиҳон ҳайъати томонидан бу ҳақда имтиҳон баённомасига ёзиб қўйилади.

5.15. Ҳар бир фан бўйича оғзаки ёки ёзма имтиҳонлар ўтказилгач, имтиҳон ҳайъати барча ўқувчиларга имтиҳон ва йиллик баҳолари асосида якуний баҳоларни қўядилар ва уларни имтиҳон баённомасига киритадилар. Имтиҳон баённомаси шу фан бўйича имтиҳон ҳайъати аъзолари томонидан имзоланади.

5.16. Ўқувчилар билимини ёзма ёки оғзаки имтиҳон бўйича баҳолаш жараёнида имтиҳон ҳайъати аъзолари ўртасида келишмовчилик юзага келган тақдирда бу масала ҳайъат аъзолари ўртасида овозга қўйиш асосида ҳал этилади. Бундай ҳолларда имтиҳон ҳайъати аъзоларининг алоҳида фикрлари имтиҳон баённомасига киритилади.

5.17. Ўқувчиларга якуний баҳо қўйишда қуйидагиларга амал қилинади:

якуний баҳо ўқувчининг йиллик ва имтиҳонда олган баҳоларига асосан белгиланади. Бунда: агар ўқувчи йил давомида "яхши" ва "аъло" баҳоларга ўқиган бўлиб, имтиҳонда ундан паст натижа кўрсатса ёки аксинча бўлса, бундай ҳолатларда қандай якуний баҳо қўйишни шу синфдаги фан ўқитувчисининг фикрини инобатга олган ҳолда имтиҳон ҳайъати ҳал этади. Бироқ имтиҳонда "қониқарсиз" баҳо олган ўқувчига "қониқарли" якуний баҳо қўйилмайди.

IX, XI (XII) синфларда ёзилган баён ёки иншо учун иккита баҳо қўйилади:

биринчиси (суратда) адабиётдан мавзу мазмуни учун;

иккинчиси (маҳражида) она тилидан саводхонлиги учун. Бу баҳолар адабиёт ва она тили фанларига имтиҳон баҳоси сифатида қўйилади ҳамда шу фанлардан якуний баҳо чиқаришда асос бўлади.

Ўқув машғулотлари олиб бориладиган тиббий муассасаларда даволанаётган битирувчи синф ўқувчиларига баҳо қўйишда шифохона қошида ташкил этилган умумий таълим муассасаси томонидан қўйилган баҳолар инобатга олинади.

5.18. Ўқувчиларнинг оғзаки имтиҳонларда олган баҳолари шу синфда имтиҳонлар якунланиши биланоқ уларга маълум қилинади. Ёзма ишларнинг баҳолари эса шу фан бўйича оғзаки имтиҳонлар ўтказилгунга қадар эълон қилинади.

Имтиҳонларда ўзига қўйилган баҳолардан норози бўлган битирувчи синф ўқувчилари имтиҳон баҳолари эълон қилинган кундан эътиборан уч кун муддат ичида туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари қошида ташкил этилган холис эксперт комиссиясига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

## VI. Умумий ўрта ва ўрта махсус маълумот ҳақида ҳужжатларни расмийлаштириш ва топшириш

6.1. Мактаб педагогика кенгашлари қарорига асосан мактабнинг 9-синфини тугатган ўқувчиларга умумий ўрта маълумот тўғрисида шаҳодатнома, 11-синфни тугатган битирувчига ўрта маълумот ҳақида шаҳодатнома берилади. Ўқувчилар умумий ўрта ва ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатномаларни қайси мактабда ўқиган бўлсалар, ўша мактабдан оладилар. Агар битирувчи синф ўқувчиси ўқув машғулотлари ташкил қилинган даволаниш муассасалари (шифохона, санаториялар)да даволанаётган бўлса, шу муассасада қўйилган имтиҳон баҳоларига асосланган ҳолда шаҳодатномани доимий ўқиган мактабидан олади.

6.2. Умумий ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатномага ўқувчининг VIII- IX синфлар ўқув режаларида кўрсатилган барча фанлар бўйича ҳамда хулқи учун баҳолар қўйилади.

Ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатномага ўқувчининг хулқи ва X-XI (XII) синфларнинг ўқув режасига киритилган барча фанлардан ўзлаштириши бўйича олган табелдаги якуний баҳолари қўйилади.

6.3. Ҳар бир фан бўйича баҳо шаҳодатномага (ўзлаштириш бўйича якуний баҳолар табелига) рақам билан ҳамда қавс ичида сўз билан "5" (аъло), "4" (яхши), "3" (қониқарли), синов (зачёт) тизими системаси қабул қилинган, айрим фанлар бўйича эса "синовдан ўтди" ёки "синовдан ўтмади" деб тўлдирилади. Ўқувчининг хулқи "намунали", "яхши", "қониқарли" деб белгиланади.

6.4. Ўқувчилар ўзларига тааллуқли бўлмаган сабабларга кўра айрим фанлардан баҳоланмаган бўлсалар, таянч маълумот ҳақидаги гувоҳнома ҳамда ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатноманинг фанлар бўлимига "ўрганилмаган", соғлиғи туфайли жисмоний тарбия, меҳнат таълими машғулотларидан озод қилинган ўқувчиларнинг таянч ва ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжатларига "озод этилган" деб ёзиб қўйилади.

6.5. Факультатив курсларни ўрганган битирувчи синф ўқувчиларининг шаҳодатномасига факультатив курсни ўқиганлиги ёзилиб, баҳоси қўйилади.

6.6. Агар ўқувчи барча имтиҳонлардан озод этилган бўлса, унга табел асосида йиллик баҳолари қўйилган шаҳодатнома берилади.

6.7. Ўғил болалар учун чақириққача ёшларни тайёрлаш таълими бўйича шаҳодатномага қўйиладиган якуний баҳолар X-XI (XII) синфдаги йиллик ҳамда назорат машғулотлардан олган баҳолар асосида қўйилади.

Фуқаро мудофааси ва тиббий-санитария билим асослари курси бўйича қиз болаларга кундалик баҳолар асосида йиллик баҳо қўйилади, лекин шаҳодатномаларга баҳо қўйилмайди.

6.8. Маълум касбни эгаллаган ва мутахассислиги бўйича имтиҳонларни ижобий топширган битирувчи XI(XII) синф ўқувчиларининг шаҳодатномаларига эгаллаган касби (разряд, класс, тоифа) ёзиб қўйилади.

6.9. Катталар таълим марказларида маълум касбни эгаллаган ва мутахассислиги бўйича имтиҳонларни ижобий топширган битирувчиларга шаҳодатнома ҳамда шу касб бўйича (разряд, класс, тоифа) тегишли ташкилотларнинг гувоҳномалари берилади.

6.10. Умумий ўрта ва ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатномалар қора тушь билан чиройли, аниқ қилиб қўлда тўлдирилади, ҳужжат мактаб директори томонидан имзоланади. Мактаб муҳри ҳужжатга аниқ ва ўқилиши осон бўладиган ҳолатда туширилиши керак. Битирувчига бериладиган ҳужжатларда ёзувларни ўчириш ёки ўчириб қайта ёзишга, бирор графанинг тўлдирилмай қолишига йўл қўйилмайди.

Маълумот ҳақидаги ҳужжатлар битирувчи IX,XI (XII) синф ўқувчисининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, ойи, унинг паспорти ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасига асосланган ҳолда Вазирликнинг амалдаги йўриқномаси асосида тўлдирилади.

6.11. "Ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома"лар "Ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатнома (аттестат)ларни бериш ва ҳисобга олиш дафтари"га, "Умумий ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома"лар "Умумий ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатномаларни бериш ва ҳисобга олиш дафтари"га қайд қилинади.

6.12. Республиканинг бошқа вазирлик ва идоралари тасарруфида бўлган умумтаълим мактаблари ўқувчиларига умумий ўрта маълумот тўғрисида шаҳодатнома ва ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатномалар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан берилади.

6.13. "Умумий ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома"лар, "Ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома"лар IX, XI (XII) синфларнинг битирувчиларига мактабда тантанали вазиятда топширилади.

6.14. Шаҳодатномаларнинг берилиши қанчалик тўғри ташкил этилганлигини назорат қилиш вилоят, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ва бошқармаларининг зиммасидадир.

## VII. Аълочи ўқувчиларни тақдирлаш

7.1. Барча фанлардан йиллик якуний баҳолари "5", хулқи "намунали" бўлган синфдан синфга кўчирилувчи ўқувчилар мактабнинг "Мақтов ёрлиғи" билан тақдирланадилар.

7.2. Барча фанлардан йиллик ва якуний баҳолари "5" бўлган, хулқи "намунали" битирувчи тўққизинчи синф ўқувчиларига (жисмоний тарбия фанидан озод бўлса ҳам) "Умумий ўрта маълумот ҳақидаги аъло даражали шаҳодатнома" берилади.

7.3. Барча турдаги мактабларнинг XI (XII) синфларида ўқиш давомида ҳамма фанлардан йиллик баҳолари "5" бўлган, якуний аттестациялар давомида битириш имтиҳонларини "5" баҳоларга топширган, хулқи "намунали" бўлган ўқувчиларга (жисмоний тарбия фанидан озод бўлса ҳам) "Аъло даражали ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома" берилади.

7.4. Битириш имтиҳонларидан саломатлиги туфайли (ушбу йўриқноманинг 4.1- банди иккинчи хатбошида кўзда тутилган ҳолларда) озод этилган IX, XI (XII) синф ўқувчиларига аъло даражали шаҳодатнома берилмайди.

*Teran tomirlar*

# ХОЖАЛАР ХОЖАСИ

Буюк мутасаввуф олим, соҳибкаромат авлиё Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний 1103 йили Ғиждувонда туғилган. Ота-оналари асли румлик (Туркия) бўлиб, отаси Имом Хожа Абдулжамил Имом Малик авлодидан, онаси подшоҳлар авлодидан бўлган. Ҳазрат Абдулхолиқ (худонинг солиҳ бандаси) Хожаи Жаҳон — Жаҳон Хожаси номи билан бутун дунё аҳлига маълуму машҳурдир.

Тарихий манбаларда ёзилишича, Хожа Абдулхолиқнинг бўйи узун, бошлари катта, қошлари қалин, юзлари буғдой ранг зот бўлган. Ул зоти шарифга Имом Садриддин, Юсуф Ҳамадоний, Ниёз Хоразмий каби ўз замонасидаги тасаввуфнинг ботиний ва зоҳирий илм соҳиблари пиру устозлик қилган.

Абдулхолиқ болалик чоғларидаёқ гўзал хулқу одоби, доно ақлу идроки билан кўпнинг назарига тушган, муҳаббатини қозонган эди. У киши устози Имом Садриддин қўлида Қуръони Каримни ёд олади. Бу пайтда Хожа 9 ёшда эди.

Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг тариқатлари — зикри алоний, ошкора зикр эди. Юсуф Ҳамадоний Хожа Абдулхолиқ қалбида Аллоҳ зикри борлигини билиб, сўфийлар жамоасига олиб киради. Абдулхолиқ сўфийлик хирқаси (либоси)ни нафақат устози, балки маънавий отаси Ҳамадоний қўлидан кийган. Хожа Абдулхолиқ Хожа Юсуф Хуросонга кетгунига қадар бу улуғ зот хизматида бўлиб, кўп илм ўрганади. У киши кетганидан сўнг риёзат илми билан машғул бўлади.

"Васият қилурман сенга, эй фарзанд, барча ҳолатда илм, амал ва тақво билан бўл.

Салафлар изидан юриб, суннат ва жамоатни маҳкам тут. Фиқҳ ва ҳадисни ўрган. Нодон сўфийлардан узоқ бўл. Шуҳрат қидирмагилки, шуҳрат офатдир.

Барчага шафқат кўзи билан боқ ва ҳеч бир кишини хор тутма. Ташқи кўринишга оро бермагинки, бу одамнинг ички хароблигини билдиради. Ёлвориш билан дуо қил. Либосинг оддий, дўстинг дарвеш, уйинг масжид ва мунисинг Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло бўлсин".

Ҳазрат ушбу насиҳатларни ўз рашха (томчи)ларида баён этган. Хожагон тариқатининг асосини саккиз рашха (обиҳаёт томчиси) ташкил қилади.

Хожалар Хожаси Абдулхолиқ Ғиждувоний 76 ёшида 1179 йили вафот этган. Қабри Ғиждувон шаҳри марказида бўлиб, онасининг оёқ томонига қўйилган. Қабри ёнида Мирзо Улуғбек қурдирган мадраса, мозор шимолидаги жомеъ масжиди бугунги кунда гавжум зиёратгоҳга айланган. Бу йил Президентимиз Ислом Каримов таклифи, ЮНЕСКО халқаро ташкилоти ташаббуси билан Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги кенг нишонланади. Шу муносабат билан Ғиждувон шаҳри ва туманнинг барча ҳудудларида турли тадбирлар ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, 18-мактаб жамоаси ўқитувчи ва ўқувчилари ҳам бу шодиёнага қизғин тайёргарлик кўряпти.

Мактаб директори, тарих фани ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси Абдуматлуб Низомов бу ишларга бош-қош бўлиб турибди. Мактабда Абдулхолиқ Ғиждувонийга бағишланган маънавият хонаси, ҳар бир синф хоналарида Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийга бағишланган бурчаклар ташкил қилинган. Бундан ташқари, "Хожаи Жаҳон", "Абдулхолиқ Ғиждувонийни ёд этиб", "Ўлкамиз тарихига саёҳат" каби бадиий кечалар, танловлар ўтказилмоқда. Шу билан бирга мактаб тарих музейида Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳаётига оид турли манба маълумотлари йиғилмоқда.

Зеро, Юртбошимиз Ислом Каримов айтганидек: "Инсон ўзлигини, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб юксала боради. Бу илдиз қанча чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади".

Биз Ватанимизга меҳр-муҳаббатли, аждодларимизга муносиб фарзанд бўлишимиз шарт.

***Бинафша АБДУЛЛАЕВА,***
***Ғиждувон туманидаги 18-мактаб ўқитувчиси***

*Moziydan sado*

# АБДУРАЗЗОҚ САМАРҚАНДИЙ ЭЛЧИЛИГИ ТАРИХИДАН

XV асрда Амир Темур томонидан улкан салтанатга асос солинди. Салтанатнинг юраги ҳисобланган Мовароуннаҳр ва Хуросонда илм-фан ва маданий ҳаёт тараққий этди. Шу давр илм-фанига муносиб ҳисса қўшган тарихчи олимлардан бири Камолиддин Абдураззоқ ибн Жалолуддин Исҳоқ Самарқандий (1413-1482-)дир.

Абдураззоқ Самарқандий фақат тарихчи олим эмас, балки машҳур элчи ва сайёҳ ҳам бўлган. Абдураззоқ Самарқандий 1438 йили араб тилини ўрганиш юзасидан олиб бораётган ўз машғулотларининг якуний тўхтами сифатида араб тили мутахассиси Қози Азуддиннинг араб тили грамматикасига доир "Рисолаи Азудийя" номли асарига шарҳ ёзиб, уни темурий ҳукмдор Шоҳрухга тақдим қилади.

"Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн" ("Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиш ўрни") асарида айтилишича, Шоҳрух бир мажлисда уламолар иштирокида Абдураззоқдан баъзи масалаларни сўрайди, имтиҳондан қониқиш ҳосил қилгач, уни сарой хизматига (мулозимликка) тайинлайди.

Тарихчилар Ҳофизи Абру, Абдураззоқ Самарқандий ва Хондамирнинг маълумотларига кўра, Шоҳрух даври (1409-1447)да қўшни мамлакатлар: Хитой, Ҳиндистон ва Миср билан дўстона сиёсий ва савдо алоқалари ўрнатилган.

Абдураззоқ Самарқандий 1438 йилдан 1463 йилгача дастлаб Шоҳрух, сўнгра Абулқосим Бобур ва бошқа темурий ҳукмдорлар саройида хизмат қилган. Абдураззоқ Самарқандий Шоҳрух саройида мулозимлик қилган даврда асосан дипломатик ёзишмаларни олиб боришда қатнашади ва элчи сифатида хизмат қилади. 1442-1444 йилларда Жанубий Ҳиндистонга элчилар бошлиғи сифатида боради. Абдураззоқ Самарқандий "Ҳиндистон сафарномаси"да элчиликнинг асосий мақсади қилиб диний муносабатларни кўрсатган бўлса ҳам, унинг борган шаҳарлари ҳақидаги ҳикояларда биринчи ўринда шаҳарларнинг иқтисодий ва маданий аҳволи, савдо-сотиқдаги қонун-қоидалар, ташқи бозорга чиқарадиган моллар баён қилинади.

Абдураззоқ Самарқандий Шоҳрухнинг буйруғи билан 1442-1444 йилларда Ҳиндистоннинг жанубида жойлашган Коликут бандаргоҳи ва Вижаянагар давлатида элчи сифатида иш олиб боради. Абдураззоқ бошчилигидаги делегация Қурайёт манзилида турган кезларда (1443 йил март) у касалликка чалинади. Абдураззоқ билан бирга делегация таркибида бўлган акаси Афифуддин Абдулваҳҳоб вафот этади. Абдураззоқ бу фожиадан қаттиқ қайғуга ботади.

1446 йилда Шоҳрух ўз набираси, яъни Ўрта Эрондаги Султония, Қазвин, Рай, Қум шаҳарларидан ташкил топган давлатнинг ҳокими Султон Муҳаммаднинг бобосига бўйсунмай, Шерозга қилган юришига қарши сафарга чиқади. Бу сафарда Абдураззоқ ҳам Ҳирот аскарлари билан бирга эди. Лашкар Нишопурдан ўтиб, Симнонга етганида Шоҳрухнинг ҳузурига Гилондан элчи келади. Шоҳрух бунга жавобан хат ёзиб, Абдураззоқни Гилонга — Амир Муҳаммад ҳузурига элчи қилиб юборади.

1446 йили Маккадан Ҳиротга Шайх Абдулваҳҳоб Сиддиқий бошчилигида Макканинг "вақфи"ни талаб қилиб элчилар келади. Шоҳрух Абдураззоққа элчиларга жавобан "нишон" — хат тайёрлаш ва Макканинг "вақф сармояси"ни олиб, Мисрга элчи бўлиб боришга фармон беради. Абдураззоқ "нишон" — хат матнини тузиб, йўл тайёргарлигини кўраётган пайтда Шоҳрух касалликка чалинади ва 1447 йил 11 мартда вафот этади.

Шоҳрух ўлимидан сўнг мамлакатда яна ички курашлар кучаяди. Бунинг натижасида Абдураззоқ бошчилигидаги элчилик амалга ошмай қолади. Ҳатто "нишон" — хат ҳам юборилмайди.

Абдураззоқ Самарқандий Шоҳрухнинг вафотидан кейин бирин-кетин тахт алмашган темурий ҳукмдорлар: Мирзо Абдуллатиф (1449), Мирзо Абдулло (1450-1452), Мирзо Абулқосим Бобур (1452-1457) ва Султон Абу Саид (1451-1469)лар хизматида бўлади.

Абдураззоқ Самарқандий Абулқосим Бобурнинг 1453 йилда Мозондарон ва 1454 йилда Самарқандга қилган юришларида қатнашиб, 1454 йил 25 декабрда Ҳиротга қайтади.

1458 йил декабрь ойида Ҳиротни Мирзо Султон Абу Саид эгаллайди. 1458 йил Абдураззоқ Самарқандий Султон Абу Саиднинг элчиси сифатида Астрободга боради. Шу йили Астрободни Султон Ҳусайн Бойқаро эгаллаган эди. Султон Абу Саид у билан музокаралар олиб боришни Абдураззоққа топширган эди.

1463 йили Абдураззоқ Самарқандий бетоблиги сабабли давлат ишларидан озод қилинади ҳамда Ҳиротдаги Шоҳрухия хонақосига имомлик лавозимига тайинланади.

Абдураззоқ Самарқандий 1482 йили Ҳиротда 69 ёшида вафот этади. Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" тазкирасида айтилишича, у Ҳиротда имом Фахруддин Розийнинг мозори ёнига дафн этилган.

***Диёр АЗИМОВ***

*O'qituvchiga yordam*

# ПАРЛАМЕНТ ИСЛОҲОТЛАРИ САРИ

*Ўзбекистонда халқ фаровонлигини таъминлаш турмуш тарзини яхшилаш мақсадида ислоҳотлар амалга оширилмоқда ва улар ўзининг сезиларли самарасини беряпти. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида ҳокимиятнинг тақсимланиш принципи белгилаб қўйилган бўлиб, унда "Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади", деб таъкидланган.*

*Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимият — Олий Мажлис бўлиб, у қонун қабул қилиш ва унга ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга ягона давлат органидир.*

*Дунё парламентаризми тажрибасига биноан, қонун чиқариш умумдавлат миқёсидаги вакиллик органи томонидан амалга оширилади. Ушбу нуфузли орган халқ томонидан сайланиб, ҳозирги замон сиёсий тилида "парламент" деб аталади. Парламент ўзининг узоқ шаклланиш тарихига эга.*

*Қадимги Юнонистон ва Римда парламент сайлаб қўйилган вакиллик органи сифатида мавжуд бўлган. Ўрта асрларда Европа ҳаётида парламент илк бор XIII асрда, яъни 1265 йилда Англияда ташкил топган. Англия парламенти XIV асрдан юқори, яъни лордлар ва қуйи—умум палаталарга бўлинди. Парламент қонун чиқарувчи идора сифатидаги реал қиёфага XVII—XVIII асрлардаги буржуа ҳамда саноат инқилоблари туфайли эга бўлди. Ҳозирги кунда дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакатида икки палатали парламент қарор топган. Давлат органлари тузилишини, фаолиятини чуқурроқ ўрганиш, улар ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиш, ўзига хос хусусиятларни ўрганиш учун Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари тизимини бошқа мамлакатларнинг давлат органлари тизими билан таққослаб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.*

*Олий қонун чиқарувчи орган ҳар бир давлатда ўзига хос хусусиятларга эга ва у турлича номларда аталади. Масалан: Германияда — Федерал Кенгаш, Швейцарияда — Федерал Мажлис деб юритилади. АҚШда — Конгресс, Литва республикаси парламенти — Сейм деб номланади. Швецияда — Риксдаг, Франция, Болгария, Озарбойжонда парламент — Миллий Мажлис деб номланган.*

*Хитой Халқ Республикасида — Халқ вакиллари Умумхитой мажлиси деб аталади. Баъзи хорижий давлатларда парламентнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, жумладан, Германия, Таиланд, Ямайка, Ирландия, Иордания давлатларида парламентнинг юқори палатасини тайинлаш усуллари борлигини кўришимиз мумкин.*

*Норвегия парламенти — Стортинг деб аталади. Норвегия юқори палатаси — Лагтинг, қуйи палатаси — Оделстинг деб номланади. Норвегияда дастлаб сайловчилар бутун парламент — Стортингни сайлаб олдилар. Стортинг аъзолари биринчи йиғилишларидаёқ ўз ораларидан юқори палата — Лагтинг аъзоларини сайлайдилар. Стортингнинг қолган қисми қуйи палата — Оделстингни вужудга келтиради.*

*Италия давлатида ҳам парламент жуда тараққий қилган. Италиянинг ҳар бир собиқ президенти умрбод сенаторлик лавозимини эгаллаш ҳуқуқига эга.*

*Франция парламенти икки палатадан иборат. Қуйи палата Миллий Ассамблея бўлиб, у 577 депутатдан ташкил топган. Қуйи палатада депутатлар умумий ва тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Юқори палатада сенаторлар 321 нафардан иборат бўлиб, улар билвосита овоз бериш йўли билан 9 йил муддатга сайланади. Лекин сенат депутатларининг учдан бир қисми ҳар уч йилда янгиланиб турилади. Франция Конституциясига биноан, Франция Президенти парламентининг қуйи палатасини тарқатиб юбориши мумкин. Юқори палата — сенатни президент тарқатиб юбора олмайди. Қуйи палата президент томонидан тайёрланган Бош вазир ва вазирлар истеъфосини талаб қилиши мумкин. Сенат бундай ҳуқуққа эга эмас.*

*Хорижий давлатларда парламент палатаси раиси ёки бир палатали парламент раиси "Спикер" деб аталади. Спикер "марказдан бошқарувчи", "йўналтирувчи", "раислик қилувчи" деган маънони англатади. Спикер англосаксон тизимидаги давлатлар парламентида юксак нуфузга эга. Баъзи парламентлар фаолиятига коллегиал орган (Испанияда—бюро, Чехияда — ташкилий қўмита, Болгария ва Венгрияда — президиум) раиси раҳбарлик қилади.*

*Юқорида баъзи бир хорижий давлатлар парламенти билан танишдик. Шуни таъкидлаш жоизки, қонунчилик ҳар қандай ижод каби чегара билмайди, ўз устида мунтазам ишлашни, изланишни талаб қилади. Ўзбекистонда қонунчилик, қонун ижодкорлиги муҳим аҳамиятга эга.*

*Қонун ижодкорлиги — бу шунчаки бир жараён эмас, балки оқилона вазминликни, синчковликни, қонунчилик ечимларининг турли йўлларини чуқур таҳлил этишни талаб қиладиган мураккаб ижодий меҳнатдир.*

*Мамлакатимизда демократик ислоҳотлар, ижтимоий-сиёсий ҳаётни эркинлаштириш тобора кенг қулоч ёймоқда.*

*Парламентни шакллантириш ва фаолиятини ташкил этиш ҳар қандай жамият учун ўзига хос демократия мактабидир.*

*Президентимиз И. Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида нутқ сўзлаб, ниҳоятда муҳим масалага эътибор қаратди. Юртбошимиз қонун чиқарувчи идорамизни доимий асосда ишлайдиган икки палатали парламент тизимига ўтказиш тўғрисида таклиф киритди. Бу таклифни юртимизда демократик ислоҳотларнинг янги поғонага кўтарилиши, деб баҳолаш мумкин.*

*Муҳими шундаки, янги шаклдаги парламентда мутахассис депутатлар фаолият кўрсатиши, вакиллик ва қонун чиқарувчи идорамиз юқори малакали, профессионал бўлиши назарда тутилмоқда.*

*Халқнинг мухтор вакиллари парламентда фаолият юритиб, дунё тажрибасини, қайси мамлакатда қандай қонунлар бор, уларнинг қандай афзал жиҳатлари мавжуд, бугунги замон нимани талаб қилмоқда каби масалаларни ўрганиб, ўз ҳаётимизга татбиқ этишлари мумкин бўлади. Ўзбекистон парламенти делегациялари 30 дан ортиқ мамлакат, шу жумладан, Германия, Дания, Япония, Ҳиндистон, Индонезия, Польша, АҚШ, Франция, Швеция ва бошқа мамлакатлар парламентлари билан танишдилар. Бу эса депутатларнинг билими доирасини анча кенгайтириш, парламент иши юзасидан тажриба алмашиш, ушбу тажрибадан қонунлар тайёрлаш амалиётида фойдаланиш имконини берди. Жаҳоннинг кўпгина ривожланган мамлакатлари — АҚШ, Англия, Франция, Италия, Япония ҳамда ривожланаётган мамлакатларда ҳам икки палатали парламентнинг давлат ривожланишида муҳим аҳамият касб этганини кўришимиз мумкин. Ўзбекистонда Парламентни ислоҳ қилиш натижасида вужудга келтириладиган юқори палата режалаштирилаётган концепцияга мувофиқ, ўз таркибига кўра, вилоят, шаҳар ва туманлардан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатларнинг вакилларидан иборат бўлади. Масалан, Вилоят кенгашига сайланган депутатлар шаҳар ва туманларда сайланган депутатлар ҳисобидан вилоят миқёсидаги йиғилишда ана шу кенгашларнинг олти нафар энг ишончли, нуфузли вакилларини мамлакат парламентининг юқори палатасига сайлайди.*

*Юқори палата депутатлари ўз вилояти ҳаёти ҳамда долзарб муаммоларини яхши билиши, шу асосда ўз вилояти манфаатларини парламент даражасида ифода этиши лозимлиги назарда тутилади. Юқори палатага ҳар қайси вилоятдан сайланган депутатлар сони бир хил бўлиши мақсадга мувофиқ. Бу ҳам уларнинг тенглигини таъминлаб беради.*

*Юқори палатага сайланган вакилларнинг* ***асосий вазифаси*** *қуйи палатада тайёрланган ва қабул қилинган қонунларни кўриб чиқиш ҳамда улар юзасидан ўз қарорини қабул қилишдан иборат бўлади. Қуйи палатанинг асосий вазифаси қонун лойиҳалари устида ишлаш, уларни муҳокама этиш ва қабул қилишдан иборат.*

*Юқори палата қуйи палата тайёрлаб, қабул этган қонунларнинг вилоятлар манфаатига нечоғлик мос келиш-келмаслигини чуқур ўрганиб, ўз муносабатини билдиради.*

*Қонунлар ҳар иккала палата томонидан маъқулланганидан сўнг қабул қилинган ҳисобланади, тегишли тартибда имзолангач, ҳаётга жорий қилинади. Шуни таъкидлаш лозимки, парламент, айниқса, унинг юқори палатаси мамлакатнинг барча ҳудудларига тенг кўз билан қараб, ана шу ҳудудларнинг вакиллари орқали халқ манфаатларини бир хилда ҳимоялашни таъминлаши лозим.*

*Бўлажак янги қонун чиқарувчи идорамиз олдида турадиган муҳим вазифалардан бири жаҳон парламентаризми анъаналарини, демократик парламент тарзида ишлашини ва парламент маданиятини пухта ўзлаштиришдан иборат.*

*Олий Мажлиснинг Иккинчи чақириқ X сессиясида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги, "Конституциявий қонунлар ҳамда уларни амалга киритиш тўғрисида"ги қарорлар қабул қилинди.*

*Бу қонунлар ривожланган мамлакатлардаги парламентаризм тажрибаси, халқимизнинг қадриятлари ва менталитетини ҳисобга олган ҳолда, ривожланган демократик мамлакатларнинг бой тажрибасини ўрганиш асосида тайёрланди.*

*Шундай қилиб, икки палатали парламент, яъни, сенат ва қонунчилик палатасини ҳаётга татбиқ қилишдан кўзланган асосий мақсадлардан бири халқимизнинг тинч турмуш тарзини таъминловчи, унинг фаровонлигини яхшилашга қаратилган иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий қонунларни мукаммал ва сифатли ишлаб чиқишдан иборат бўлади.*

*Зеро, қонун яратиш жараёнининг мукаммал тартибга солинганлиги сифатли ва талаб даражасидаги қонуннинг вужудга келиши учун замин бўлиб хизмат қилади.*

***Шуҳрат ҲАЙДАРОВ,***
***Тошкент Давлат юридик институти талабаси***

*Prezident stipendiatlari*

# БЕДОР БЎЛСАНГ, МАҚСАДИНГГА ЕТАРСАН!

## Ёш аспирант, Президент стипендиати Гулнора Ихтиёрованинг ҳаётдаги шиори ана шундай

**Кимё — бизни ўраб турган сирли оламдаги моддалар таркиби, тузилиши, ўзгаришини ўрганадиган қизиқарли фан. Уни ўзлаштириб, яхши мутахассис-педагог бўлиб етишиш мумкин. Аммо жамият кимё фани ичига чуқур кириб, унинг илмий-ишлаб чиқариш тараққиёти илгарилашига туртки бўлгувчи муаммоларни ҳал этишдек оғир ишга киришадиганларга кўпроқ муҳтож. Президент стипендиати, иқтидорли ёш олима Гулнора Ихтиёрова шундай ишга жазм қилганлардан.**

**Оддий металлни олтинга айлантиришга чоғланган кимёгарларни кўпчилик билади. Улар эрамизнинг II-III асрларида бу ишга журъат қилишган. Уйғониш даврида кимёвий тадқиқотлар металлургия, шишасозлик, кулолчилик, бўёқ ишлаб чиқаришни қамраб олди. Бугун тараққиётнинг бирор соҳаси йўққи, унга кимё кириб бормаган бўлсин. Кейинги даврда полимерлар кимёси улкан тадқиқотлар йўналишига айланди. Гулнорадаги истеъдодни англаган устозлар уни қийин, чуқур илм ва фантазия талаб қиладиган шу соҳага йўналтиришди.**

**У Бухоро Давлат Университетининг кимё-биология факультетини имтиёзли диплом билан тугатди ва умумий кимё кафедрасида ассистент вазифасида фаолият юритди. 2000 йилда эса "Юқори молекуляр бирикмалар кимёси" мутахассислиги бўйича аспирантурага қабул қилинди. Олиманинг номзодлик диссертацияси мавзуи жуда мураккаб ва халқаро миқёсда ҳам долзарб: "Полиакрилатларни полимеранологик ўзгартишларга учратиш ва улардан полимер композицион материаллар яратиш".**

**Олимлик — бу янгилик яратиш. Демак, ҳузур-ҳаловатдан воз кечиш, дегани. Мен билимли, иқтидорли, лекин муҳим мавзу устида иш бошлагач, турмуш ташвишларини енголмай изланишларига нуқта қўйган, "шу номзодлик менга ўзи нима беради", деган хулосага келган инсонларни биламан. Лекин машаққатли йўлда иккиланганларни ўйларканмиз, ёш тадқиқотчи Гулноранинг иродасига қойил қолмасдан иложимиз йўқ.**

**Юқори молекуляр моддалар, яъни полимерлардан тайёрланган пластмассалар, толаларни барчамиз биламиз. Лекин уларга хомашё бўлган материаллар хосса ва тузилишларининг кўп қирралари бизга номаълум. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бугун "Навоийазот"да чиқит деб қаралаётган акрил эмульсияси (улок-бўёқ ишлаб чиқаришда қўлланилади) синтез қилинганда тўқимачилик саноатида оҳорлаш ва гул босиш учун жуда асқотаркан. Ёш олима Гулнора Ихтиёрова айнан шу масала устида тадқиқотлар олиб бормоқда.**

**— Бундан бир ярим йил илгари лабораторияда акрил эмульсияси 100 граммини ярим литрли махсус стаканга солиб, устидан 5 грамм ишқорий эритма қуйдим. Ҳалиги сутсимон акрил бир пасда жигарранг, қаттиқ резинасимон моддага айланди. Стакандан ажратиб ололмадим. Шунда миямга кичкина қаттиқ жисмга айланган материални эритиб кўрсамчи, деган фикр келди. Устига ацетон қуйиб, кейин сувга аралаштирдим. Ниҳоят, кутилмаган ўзгариш рўй берди. Ҳалиги жисм эриб, ранги оппоқ, хамирдек кўпчиб, стаканга сиғмай қолди. Тажрибани бошқатдан бошлаб, 10 миллилитр акрилга реакция бошлангунга қадар оз-оз ишқорий эритма қуйиб бордим. Шунда эритма яна кўпчиб, елимсимон моддага айланди. Полимер композицион материални яратишга яқин қолибман, — дейди Гулнора .**

**Полимернинг тўқимачилик саноатига боплигини ўрганиш учун Гулнора Тошкентдаги кўплаб илмий кутубхоналарда манба излади. Ниҳоят, топилмасини илмий жиҳатдан асослаб, лаборатория шароитида синовдан ўтказди.**

**Профессор О. Ёриевнинг ниҳоясига етган изланишлари "Бухоротекс"га йилига миллиард сўмдан зиёд иқтисодий самара бермоқда. Шогирди Гулноранинг яратаётган композицион полимери эса бу корхонага кимёвий материалларни четдан олиб келишга ҳожат қолдирмаслиги маълум бўлди. Демак, йилига миллиардлаб сўм маблағ тежаб қолинади.**

**Аспирант истеъдоди республика миқёсида эътироф топди. Дарвоқе, Вазирлар Маҳкамасининг илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги фан ва технологиялар марказига 5 та устувор йўналиш бўйича 41 нафар аспирантдан ариза тушган бўлса, энг катта танлов Г.Ихтиёрова иштирок этган "Энергетика, ресурслар, саноат" йўналишида бўлиб, бу ерда бир ўринга 13 даъвогар тўғри келган. Агар Ахборотлаштириш технологиялари ва бошқарув соҳасида икки кишидан бири саралангани назарда тутилса, БухДУ тадқиқотчиси нечоғли қийин синовдан ўтганлигини янада яққолроқ тасаввур қилиш мумкин.**

**— Гулнора қатъиятли, жуда тиришқоқ. Бу олим бўлиш учун жуда зарур хусусият. Кейинги бир йил мобайнида инглиз тилини пухта ўзлаштирди. Интернетда ўз сайтига эга. У доимо дунё кимё олами билан мулоқотда, — дейди профессор Олтин Ёриев. — Биласизми, номзодлик диссертациясини ёқлаган кишиларнинг барчасини ҳам том маънода олим деб ҳисоблаш қийин. Гулнора эса, бу тоифанинг буткул тескариси.**

**Яқинда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази бухоролик олим-тадқиқотчилар —профеесор О.Ёриев (раҳбар), қатнашчилар доцент М.Омонов, аспирант Г.Ихтиёрова, магистрант, Улуғбек номидаги стипендиат М.Шаропов ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган "Маҳаллий хомашё ресурслари асосида тўқимачилик саноати учун қуюқлаштирувчи полимер композициялари яратиш ва технологиясини ишлаб чиқиш" мавзуидаги танловга тақдим этилган лойиҳани кўриб чиқиб, гуруҳни ғолиб деб топди ва уни амалга ошириш учун 15 миллион сўм миқдоридаги давлат гранти ажратилди. Энди ихтирочилар 2003-2004 йилларда мамлакатнинг энг йирик енгил саноат корхонаси — "Бухоротекс"да ўз лойиҳаларини амалга оширадилар.**



***Эркин ЁДГОРОВ,***
***журналист***

*Суратда: иқтидорли олима Гулнора Ихтиёрова устози Олтин Ёриев билан лабороторияда.*

# УЧРАШУВ

Кундалик ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий-маънавий ва илмий ёзма-оғзаки мулоқотлар заминида фалсафий тушунчалар ётади. Бу — табиий жараён Ўзбекистоннинг умуминсоний қадриятларга қўшган ҳиссаси нималардан иборат?

Фалсафа фанлари доктори, профессор Абулҳафиз Жалоловнинг Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий педагогика Институти профессор-ўқитувчилари билан учрашувида мустақилликнинг моҳияти, фалсафий жиҳатдан умуминсоний қадриятларни асраб-авайлашдаги унинг ўрни таҳлил қилинди. Ўзбекистон азалдан инсоният моддий ва маънавий маданиятининг, шу жумладан, фалсафий тафаккурнинг етакчи минтақаларидан бири бўлган. Наврўз байрамидаги турли оммавий ўйинлар, сайиллар, санъаткорлар, шоир-ёзувчилар, олимлар, ёшлар билан учрашувларда ҳам шу нарса сезилади.

Файласуф олимнинг суҳбати институт профессор-ўқитувчилари дунёқарашини бойитди.

***МУХБИРИМИЗ***

# “БАРКАМОЛ АВЛОД – 2003”: СПОРТ БАЙРАМИГА ТАРАДДУД

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таъкидлаш лозимки, спорт мусобақаларининг барча турларида иштирок этадиган ўқувчиларга бир хил спорт либосларини тикишни айнан касб-ҳунар коллежлари базасида амалга ошириш белгиланган эди. Айни пайтда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида спорт либослари тайёрланиб, унинг кўргазмасига тайёргарлик ишлари кўрилмоқда.

“Баркамол авлод” спорт мусобақаларининг машъаласини ёқиш маросими бу гал ҳам Паркент тумани Чотқол тоғ тизмаси бағрида жойлашган “Физика-Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш марказидан бошланади.

Айни пайтда ушбу байрам доирасида Андижон вилоятида катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Мазкур спорт тадбирида вилоятга 3 мингдан ортиқ меҳмонлар ташриф бу-



юриши мўлжалланмоқда. Албатта, кўп минг сонли мусобақа иштирокчилари, устозлар, ҳакамлар, оммавий ахборот воситалари вакилларининг бир жойда бўлиши маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш, ўзаро суҳбатлашиш, фикр алмашиш, танишиш, мусобақалар моҳиятини тўлиқ талқин қилинишига катта ёрдам беради. Шу боис вилоятда бу борада янгидан-янги қурилиш объектларини бунёд қилиш ҳамда кўпдан-кўп объектларни қайта таъмирлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда Андижон вилоятига хизмат сафарида бўлган чоғимизда ушбу улкан спорт анжуманига тайёргарлик борасида олиб борилаётган ишлар билан ҳам танишдик.

## АНДИЖОН — БУНЁДКОРЛАР ВАТАНИ

Дарҳақиқат, андижонликларни бунёдкорлар дейишга ҳақлимиз. Сўнгги йилларда вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришган улкан муваффақиятлари, кўпгина зафарлари сирасида вилоятда қурилиш, бунёдкорлик соҳаларида ҳам улкан ўзгаришлар юз берди.

“Баркамол авлод” спорт ўйинларининг финал босқичини ўтказиш учун ҳам айнан Андижон вилояти танлангани бежиз эмас. Боиси, кейинги йилларда вилоятда ёшларни оммавий спортга кенг жалб қилиш, улар учун замонавий спорт иншоотлари қуришга катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунга келиб Андижон вилоятининг Олимпия захиралари спорт коллежи ҳамда Хонобод шаҳар марказий ўйингоҳида янги кураш майдони қурилиши якунланиб бормоқда. Шунингдек, вилоятдаги маиший хизмат, қурилиш ва коммунал, қишлоқ ва сув хўжалиги, компьютер технологиялари, алоқа касб-ҳунар коллежлари спорт базалари “Баркамол авлод” ўйинларини ўтказиш учун шай ҳолатга келтирилмоқда. Бундан ташқари, вилоятдаги замонавий теннис корти, “Наврўз”, “Халқлар дўстлиги”, ҳамда Олтинкўл ва Шаҳрихон туманларидаги марказий ўйингоҳлар ҳам қайтадан таъмирланиб, мусобақаларга тайёр ҳолга келтирилмоқда. “Баркамол авлод” спорт ўйинлари Андижон шаҳрида янгидан бунёд қилинаётган Олимпия захиралари спорт коллежи стадионида очилади ва ўзига хос тантанага айланади.

Айни пайтда шаҳарнинг шимолий қисмини катта қурилиш-бунёдкорлик майдонига қиёслаш мумкин. Кўча ва хиёбонларда кенгайтириш, таъмирлаш ишлари бажарилмоқда, янги майдонлар автотранспорт турар жойлари, автошоҳбекатлар бунёд қилиниб, турли маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари қад ростламоқда. Бу ерда вилоятнинг энг етакчи қурилиш ташкилотлари жамланган. Янги барпо қилинаётган, умумий ҳажми 16,5 гектарни ташкил қилувчи 900 ўринли Олимпия захиралари спорт коллежи ва унинг турли мажмуалари қурилишининг бошланганига ҳали бир йил тўлганича йўқ. Бироқ ўтган қисқа давр мобайнида қурувчилар томонидан катта ҳажмда бунёдкорлик ишлари бажарилди.

Спорт коллежининг қурилиши уч сменада ташкил этилган. Ушбу замонавий, кўркам бино иншооти ўзининг гўзаллиги ва жозибаси билан Марказий Осиёда ягона, десак асло янглишмаймиз. Иншоотнинг меъморий лойиҳаси “Тошкентшаҳарсозлик” лойиҳалаш илмий текшириш институтининг малакали мутахассислари — Григорий Завьялов ва Надежда Триковалар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у республика меъморлар уюшмаси томонидан “Йилнинг энг яхши лойиҳаси” дея эътироф этилди ва “Олтин устун” унвонига сазовор бўлди.

Коллеж биноси қурилишини кузатиш учун ташриф буюрган чоғимизда бу ерда нафақат қурувчиларни, балки вилоятнинг турли корхона ва ташкилотлари раҳбарларини, олий ўқув юрти ректорларини учратдик. Андижон қишлоқ хўжалиги институти ректори, биология фанлари доктори, профессор Толибжон Худойбердиев билан коллеж стадионида суҳбатлашдик.

— Шу йўлдан ҳар куни ишга қатнайман. Ҳар гал ўтганимда коллеж қурилишини атрофдан кузатардим. Шу бугун уни яқиндан кўриш иштиёқида, қолаверса, қурувчиларни ҳорманглар дейиш билан, оз бўлса-да, руҳлантириш учун тўхтадим.

Ҳозир кўнглимда бир қадар орзу-умидлар ниш урмоқда. Биринчи навбатда ана шундай спорт иншоотлари сонини кўпайтиришга ҳисса қўшган ҳолда, институтимизда ҳам спорт мажмуаларини қуриш истагидамиз. Шу боис бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини нафақат кузатаяпман, балки яхши умидлар билан ундан кўпгина жиҳатларни ўрганишга, эртага амалда қўллаш учун ҳаракат қиламан.

Ҳа, институт раҳбари сингари яна кўплаб ташкилотлар раҳбарлари ҳам бу ерга шунчаки томоша учун эмас, балки уни кўриб, ҳавас қилиш ва эртага шундай иншоотни ўз корхона, ташкилоти ишчи-хизматчиларига барпо қилиш илинжида келган, десак асло муболаға қилмаган бўламиз.



Мазкур қурилиш-бунёдкорлик ишларидан ҳеч бир киши четда тургани йўқ. Ҳар ким хоҳ моддий бўлсин, хоҳ маънавий бўлсин, баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқда.

Бу ерда оддий кўринишдаги блок ва панель устунларни учратмадик. Баланд иморат деярли пишиқ ғиштдан қад ростламоқда. Коллеж маъмурий биносига кирдик. Хоналар ўзининг қулайлиги, ёруғлиги ва кўркамлиги билан кўзни қувонтиради. Уларни бир кўздан кечирар экансиз, мазкур замонавий иншоот жаҳоннинг юксак андозалари талабларига ҳам жавоб беришига амин бўласиз.

## ТЕНДЕР ҒОЛИБИ — 4-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ

Коллежнинг меъморий лойиҳаси тайёр ҳолатга келтирилгач, табиийки, савол туғилди: иншоотни бунёд этишни қайси ташкилотга ишониб топшириш мумкин? Вилоят ҳокимлиги томонидан эълон қилинган танлов ушбу саволга аниқ жавобни бериши лозим эди ва шундай бўлди ҳам. Қарийб ўндан ортиқ қурилиш ташкилотлари рақобат олиб борган тендер якунига кўра “Андижонвилоятқурилиш” акциядорлик жамиятининг тўртинчи қурилиш бошқармаси ғолибликка эришди.

Хўш, тендерда муваффақиятга эришган 4-ҚБ сири нимада? Бу саволга батафсил жавоб топиш учун, келинг, яхшиси, мазкур қурилиш-монтаж бошқармаси фаолияти хусусида қисқача тўхталиб ўтсак. 1997 йилда иш бошлаган мазкур бошқармада айни пайтда 270 нафар мутахассис фаолият кўрсатади. Уларнинг аксарият қисми ўрта махсус ва олий маълумотга эга бўлган мутахассислардир. Ўтган олти йил давомида қурувчилар жамоаси йигирмадан ортиқ йирик объектлар қурилишида қатнашди. Жамоа бу каби йирик қурилиш иншоотлари бўйича ўтказилган кўпгина танловларда ҳам муваффақиятли иштирок этган.

Буюртмачилар 4-қурилиш бошқармасининг қурилиш-монтаж ишларини мукаммал даражада, тез фурсатларда барпо қилаётганларини аллақачон илғадилар, уларга ишонч ва масъулият билдирдилар. Чунки сифат ва муддат — қурилиш бошқармаси ҳар бир ишчисининг асосий шиорига айланган.

— Айни пайтда қурилиш таъминоти билан боғлиқ муаммолар йўқ, — дейди участка бошлиғи Солижон Насриддинов. — Вилоятда мукаммал қурилиш индустрияси вужудга келган, десам хато қилмайман. Бу индустрия қурилиш майдонларининг қарийб 80 фоиз турли-туман эҳтиёжларини қондириш имконига эга. Маҳаллий корхона ва ташкилотларда



ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзининг арзонлиги ва сифатлилиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга, транспорт харажатлари ҳам тежалмоқда. Яқинда черепица ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Эшик, дераза ромлари Италия технологиясига асосан ўзимизнинг мебель ишлаб чиқариш фабрикасида тайёрланмоқда. Учта ғишт заводи, темир-бетон қоришмалари комбинати, асфальт ишлаб чиқариш ва ёғочни қайта ишлаш линиялари ритмик тарзда фаолият кўрсатмоқда. Қувасойдан ойна, цемент, шифер узилишларсиз келтирилмоқда. Қурувчилар бекободлик, тўйтепалик ва тошкентликлар томонидан арматура ва металл конструкцияларини ўз вақтида етказиб бераётганликларидан, айниқса беҳад миннатдордирлар.

Таъкидлаш жоизки, қурилиш объектининг бош пудратчиси ишни бажаришнинг қатъий муддатларини вилоят мутасаддилари билан келишилган ҳолда аниқ белгилаб олган. Ўз навбатида ҳокимлик ҳам юзага келган барча масалаларни ҳал этишга кўмак бермоқда. Чунончи, бу ерга қўшимча янги механизмлар, тажрибали мутахассислардан иборат ёрдамчилар ҳам сафарбар қилинмоқда. Қурувчилар уч маҳал бепул иссиқ овқат, махсус кийим-бош билан таъминланган. Шунингдек, улар арзонлаштирилган нархларда турли озиқ-овқат ва истеъмол маҳсулотларини харид қилиш имконига эгалар. Тиббиёт хизмати ҳам бу ерда ўз “қароргоҳ”ини жойлаштирган.

— Бинонинг айни бугунги ҳолатга келгунча кўпгина қийинчиликлар ҳам юзага келгани сир эмас, — дея суҳбатга қўшилди 4-қурилиш бошқармаси бош муҳандиси Козимжон Мўминов. — Бироқ, “махсус отряд” бир соатга ҳам вақтни бой бермади, ишсиз қолмади. Ҳозирги кунда қурилишда банд бўлган ишчиларнинг сони 1000 нафардан ошади. Уларга юздан ортиқ замонавий машина ва механизмлар ёрдам бермоқда. Албатта, белгиланган тадбирни амалга ошириш учун кўп сонли жамоанинг бирдамлиги, аҳиллик билан иш юритиши ижобий самараларнинг асосий омилидир. 20 дан ортиқ ёрдамчи пудратчи ташкилотларнинг мукаммал фаолиятининг йўлга қўйилиши натижасида ишда ижобий силжишларга эришилмоқда. Айниқса, 1-ҚБ ва “Бинокор” акциядорлик жамияти қурувчилари жамоасининг меҳнатлари таҳсинга лойиқ. “Вилоятсаноатқурилиш” акциядорлик жамияти, “Ўзэлектромонтаж”, “Андижонмахсусқурилиш” бригадалари ҳам қолишмайди. Ушбу қурилиш ташкилотларининг меҳнатда ва ҳаётда ўз фаолиятлари билан кўпчиликка ўрнак бўлган аъзолари қурувчиларнинг касбий байрамлари муносабати билан ҳукуматимиз мукофотлари, орден-медалларига сазовор бўлганлар. Шунингдек, ўз фаолияти натижаларига кўра энг яхши жамоа ва ишчилар ҳам аниқланиб, ғолибларга акциядорлик жамияти томонидан қимматбаҳо совғалар тантанали суратда топширилмоқда.

## КИЧИК “ОЛИМПИЯ ШАҲАРЧАСИ”

“Андижонвилоятқурилиш” акциядорлик жамияти раҳбари Нурмуҳаммад Мирзаев бизни янги коллеж макети билан таништирди. Бу ерда ортиқча ва “зерикарли” корпуснинг ўзи йўқ. Ўқув корпуси маҳаллийлаштириш дастурига асосан ўзимизда тайёрланган ускуналар билан жиҳозланаяпти. Бироқ спорт манежи ва мажмуа ўйингоҳига Германия ва Франция технологиялари асосида безак берилаяпти. Айни пайтда Германиянинг “POLITAN” фирмаси ҳамда Франция билан ҳамкорликда ташкил этилган “Mega style” қўшма корхоналари мутахассислари фаолият кўрсатмоқдалар.

Коллеж ўқув биносининг атрофида турли спорт майдончалари, ҳордиқ чиқарувчилар учун бульвар, очиқ ва ёпиқ сузиш ҳавзаси, фавворалар бунёд этилади.

Асосий ўқув корпусидан ташқари бу ерда тўртта очиқ, шу билан бирга битта ёпиқ теннис корти барпо қилинади. Коллеж атрофи “кичик олимпия” шаҳарчасига айланади. Бу ерда барча зарурий ўйин майдонлари қад ростлайди. Ҳатто югуриш йўллари ҳам ўзининг сифати ва такрорланмас дизайни билан ажралиб туради. Замонавий ёзги ва қишки сузиш ҳавзалари, тренажерлар ва стол теннис заллари, ювиниш ва сауна хоналари замонавий шаклда жиҳозланмоқда.

Ўйингоҳ қурилиши ҳам якунланиб қолди. У қарийб 22 минг томошабинни сиғдира олади. Мазкур “олимпия шаҳарчаси”нинг ишга тушиши андижонликларнинг соғлом авлод тар-бияси йўлида амалга ошираётган саъй-ҳаракатларининг яна бири бўлади, десак муболаға бўлмайди.

Айни пайтда вилоят ҳокимлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси мутахассисларидан иборат гуруҳ “Баркамол авлод” спорт мусобақалари финал босқичини ўтказиш бўйича жиддий фаолият олиб бормоқда. Мазкур гуруҳ томонидан мусобақаларни ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Спорт мусобақалари ўтказиладиган ўйингоҳлар белгилаб олинди ва айни пайтда бу масканларда қайта таъмирлаш ишлари бажарилмоқда. Шунингдек, мусобақа иштирокчилари жойлашадиган Андижон шаҳри, Шаҳрихон, Хонобод ва Марҳамат туманларидаги ўқув муассасалари ётоқхоналарида ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Андижон вилояти ҳокимлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Муҳиддин Назаров билан вилоятда “Баркамол авлод”га тайёргарлик ишларининг бориши хусусида суҳбатлашдик.

— “Бу йилги мусобақалар 14 турда ташкил қилинмоқда, — дейди Муҳиддин ака. — Ҳозирда мусобақаларга тайёргарлик кўриш борасида ишлар ўз якунига етказилмоқда. Асосий қурилиш майдони бўлган Андижон шаҳридаги Олимпия захиралари спорт коллежидан ташқари, айни пайтда вилоятимизнинг Андижон ва Хонобод шаҳрида, шунингдек, Шаҳрихон, Марҳамат ва Олтинкўл туманларида жойлашган ўрта махсус таълим муассасаларида ҳам ушбу катта тадбирга тараддуд кўрилмоқда. Чунончи, баскетбол бўйича ўтказиладиган мусобақалар учун Андижон шаҳридаги алоқа ва шунингдек, маиший хизмат касб-ҳунар коллежларининг спорт заллари бугунги кунда қайта таъмирланиб, керакли жиҳозлар билан таъминланди. Волейбол мусобақалари асосан Марҳамат туманида бўлиб ўтади. Мазкур тумандаги қурилиш ва коммунал хизмат, қишлоқ ва сув хўжалиги касб-ҳунар коллежларининг волейбол майдонлари ҳам ўйинларга шай ҳолатга келтирилмоқда.

Кураш бўйича ўтказиладиган мусобақалар учун вилоятимизнинг Хонобод шаҳрида янги кураш мажмуаси бунёд этилмоқда. Мазкур мусобақалар баҳонасида энди Хонобод шаҳри аҳолиси ва ёшлари замонавий кураш мажмуасига эга бўладилар.

Теннис ва бокс мусобақалари шаҳримиздаги замонавий теннис кортида ўтказилса, стол теннисси билан шуғулланадиган ўқувчилар компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежида беллашув олиб борадилар. Ёшларимизнинг севимли спорт ўйинларидан бири бўлган футбол мусобақалари Олтинкўл ва Шаҳрихон туманлари, шунингдек Андижон шаҳридаги “Наврўз”, “Халқлар дўстлиги” марказий ўйингоҳларида бўлиб ўтади. Айни пайтда ушбу ўйингоҳлар ҳам хорижлик шериклар билан ҳамкорликда жаҳон андозалари даражасида қайта таъмирланиб, мусобақалар учун тайёрланмоқда. Шунингдек, шахмат мусобақалари алоқа коллежида, оғир атлетика мусобақалари эса Хонобод шаҳар маданият саройида ўтказилади. Шаҳримизнинг кўркига кўрк қўшадиган янги спорт коллежида эса бадиий гимнастика, сузиш ва қўл тўпи бўйича мусобақалар ўтказилиши режалаштирилган.

Албатта, республика миқёсидаги улкан спорт тадбирини ташкиллаштириш, уни ўтказиш катта миқдордаги маблағни ҳам талаб этади. Шу



боис бу тадбирга вилоятимиздаги бир қанча саноат корхоналари ва ташкилотлар ҳомийлик кўрсатмоқдалар. “Андижондонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти, “Антекс” қўшма корхонаси, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, Андижон механика заводи, Нефть маҳсулотлари шўъба корхоналари шулар жумласидандир. Шунингдек, “Андижонёғмой” акциядорлик жамияти янги қурилаётган спорт коллежи ва ўйингоҳи учун хориждан замонавий спорт анжомлари сотиб олишда кўмаклашмоқда. Спорт ўйингоҳи қурилишида эса вилоятдаги барча корхоналар ўз ҳиссасини қўшмоқда.

“Баркамол авлод” спорт мусобақалари доирасида бир қатор маданий тадбирлар ҳам ўтказилиши режалаштирилган. Чунончи, спорт байрами иштирокчилари учун вилоятнинг қадимий ёдгорликлари ва диққатга сазовор жойларига — “Боғи Бобур”, “Навоий” номидаги истироҳат боғларига, вилоят ўлкашунослик музейига ва Хонобод сув омборига саёҳатлар уюштирилади. Шу билан бирга, республика ва вилоятдаги таниқли ёзувчи, шоирлар ҳамда санъат арбоблари билан ҳам учрашув режалаштирилган.”

## БИРДАМЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК РАМЗИ

Жисмоний тарбия ва спортнинг соғлом турмуш тарзини қарор топтиришдаги ўрни ва аҳамияти беқиёс. Шу боис ҳам бу соҳа мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор соҳасига айланди.

Бу соҳада Андижон вилоятида ҳам қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда ушбу ҳудудда 74 та ўрта махсус ўқув муассасаси фаолият кўрсатаётган бўлиб, мазкур ўқув муассасаларида 420 та спорт майдонлари мавжуд. 67 та ўқув муассасасида ёпиқ спорт заллари талаб даражасида спорт анжомлари ва жиҳозлар билан таъминланган. Бу спорт иншоотларида ўқувчи-ёшлар спортнинг 24 тури бўйича шуғулланмоқдалар.

Ёпиқ спорт майдонларига эга бўлмаган ўқув муассасалари асосан эски типдаги ўқув юртлари бўлиб, бу жойларда имкониятдан келиб чиққан ҳолда шахмат-шашка, стол тенниси, тош кўтариш, атлетизм, кураш каби бир қатор спорт турлари учун махсус хоналар ажратилган ва ўқувчилар тўгаракларга жалб этилган.

Мана икки ойдирки, вилоятдаги таълим муассасаларида “Баркамол авлод” спорт мусобақаларининг республика босқичига саралаш ўйинлари давом этмоқда.

Спортнинг айрим турлари бўйича етишмаётган спорт анжомлари аниқ ҳисоб қилинган. Муаммоларни бартараф этиш ишлари бошқарма бошлиғи ҳузуридаги йиғилишларда кўриб чиқилиб, зарур чоралар кўрилаётир. Спорт залларида шуғулланаётган ўсмирлар ва қизлар учун кийиниш, ювиниш ва гигиена хоналари ташкил этилган.

Ўқувчилар ўртасида жисмоний тарбияни ривожлантириш ва тарғиб этишда жойларда ташкил этилган спорт тўгаракларининг аҳамияти катта бўлмоқда.

Вилоятдаги ўқувчиларни спортга жалб этиш ишида 302 нафар ўз касбининг усталари ва фидойилари бўлган ўқитувчи-мураббийлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 224 нафари олий, 78 нафари эса махсус ўрта маълумотга эга. Академик лицей ва коллежлардаги жисмоний тарбия ўқитувчилари ўқув дастурлари билан тўла таъминланган.

Академик лицей ва коллежларда 1998 йилда 9000 нафар ўқувчи спорт билан мунтазам шуғулланган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 12200 нафардан ошиб кетди ва 24 спорт тури бўйича секциялар ишлаб келмоқда.

Сир эмаски, Андижон вилояти республикамиз ва жаҳон миқёсида ҳам спорт соҳасида шуҳрат қозонмоқда. Чунончи, вилоятнинг ўнлаб спортчилари Ўзбекистон терма жамоаси таркибида жаҳоннинг турли минтақаларида ўтказилаётган халқаро мусобақаларида фаол ва муваффақиятли иштирок этиб, юқори ўринларни қўлга киритмоқда. Бу муваффақиятлар замирида вилоятда мавжуд ва узоқ шаклланган спорт мактаби ҳамда унда фидойилик билан хизмат кўрсатаётган устоз-мураббийларнинг бетиним меҳнатлари мужассамдир.

Спорт соҳасида юқори марраларни забт этишда моддий-техник базанинг ҳам аҳамияти катта. Айни пайтда вилоятда 26 та ўйингоҳ, 83 та теннис корти, 538 та спорт зали, 420 та тир, 34 та сузиш ҳавзаси, 1216 та волейбол, 751 та баскетбол, 368 та қўл тўпи, 635 та футбол майдонлари, 36 та енгил атлетика ядроси мавжуд. Бундан ташқари, шаҳар марказида жойлашган замонавий “Андижон” теннис корти француз фирмаси билан ҳамкорликда барпо этилган. Ушбу кортда ёпиқ зал ва спортчилар дам олиши учун меҳмонхоналар ҳам мавжуд. Марказий корт 1570 томошабинга мўлжалланган бўлиб, унинг атрофида спортчиларнинг ўқув машғулотлари ўтказиши учун 10 та корт майдони ҳам қурилган.

Шундай қилиб, Андижон вилояти аҳли “Баркамол авлод” спорт мусобақаларини ўзига хос соғлом авлод байрами сифатида нишонлаш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Мамлакатимизнинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи-ёшларнинг бирдамлиги, ҳамжиҳатлиги рамзи бўлган “Баркамол авлод” спорт мусобақалари иродали, журъатсизликдан холи, ўз кучига ишониб яшайдиган ёшлар тўлқинини тарбиялашига ишонамиз.

*Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ,*
*“Ma`rifat”нинг махсус мухбири*
*Тошкент-Андижон-Тошкент*

*Суратларни ЎзА мухбири Ш.ОЛИМОВ олган.*

## 1-СИНФГА ҚАБУЛ БОШЛАНДИ

Россия таълим вазирлиги 1 апрелдан бошлаб 1-синфга қабул қилинувчилардан расмий равишда ариза қабул қилишни бошлади. Вазирликнинг билдиришича, аризалар қабул қилиш 1 сентябрга қадар давом этади ва 2003-2004 ўқув йилида бўлғуси 1-синф ўқувчиларини 64508 та умумтаълим мактаблари (махсуслаштирилган ва таянч мактаблар ҳам) қабул қилиб олади. Лекин сўнгги йилларда қишлоқ жойлардаги мактабларнинг ёпилиши ва демографик инқироз туфайли мактаблар сони қисқариб бормоқда. 1-синфга қабул қилинувчилар сони 1992 йилга нисбатан 25 фоизга камайган ва уларнинг умумий сони бугун 1397904 нафарни ташкил этади. Мутахассисларнинг фикрича, 2005 йилга бориб вазият тобора ёмонлашади ва 1-синфга қабул қилинувчиларнинг камлиги боис мактаблар бўйича ислоҳот ўтказишга тўғри келади. Лекин регионлардаги ҳолатлардан айрича, пойтахт Москва шаҳрида мактабга кирувчилар сони ошиб бормоқда. Негаки, пойтахтга келиб яшовчилар кўп. Ўтган йили Москва шаҳридаги 1507 та мактабга 74 минг нафар 7 ёшли бола ўқишга кирган бўлса, бу йил ушбу рақамнинг ошиши кутилмоқда.



## ҚУРБОНЛАР СОНИ ОШИБ БОРМОҚДА

Ўтган душанба кунидан бошлаб Гонконг марказидаги кўп қаватли уйлардан бирида яшовчи аҳолининг барчаси ташқи дунёдан узиб қўйилди ва 10 кун давомида уларнинг кўчага чиқишлари ёки меҳмон қабул қилишлари таъқиқлаб қўйилди.



Негаки, уларнинг бир нечасида зотилжам касалига ўхшаб кетадиган янги номаълум хасталик аломатлари топилган. Бугун биргина Гонконгнинг ўзида бу янги хавф туфайли 13 киши ҳалок бўлган бўлса, дунё бўйича 62 киши мазкур касаллик қурбонига айланди ва 13 та давлатнинг 1700 нафар фуқароси шифохонага ётқизилди. Қурбонлар орасида янги касаллик билан биринчи бўлиб америкалик бизнесмен Жонн Ченг оғриганлигини аниқлаган «Чегарасиз шифокорлар» фаолларидан саналмиш италиялик эпидемиолог, 46 ёшли Карло Урбани ҳам бор. У ўтган шанба куни Ханой шифохонасида ҳаётдан кўз юмди. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг хавотир билдиришича, касалликка чалинганлар бир ҳафта ўтар-ўтмас ҳаётдан кўз юммоқдалар.

## ВАШИНГТОН СУРИЯ ВА ЭРОННИ ОГОҲЛАНТИРМОҚДА

Расмий Вашингтон яна бир бор Сурия ва Эронни терроризмни қўллаб-қувватламасликка чақирди, дея хабар беради BBC News. Бу сафарги чақириқ АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл томонидан айтилган бўлиб, у Сурия дарҳол Саддам Ҳусайн тузуми ва террорчи гуруҳларга ёрдам беришни тўхтатиши керак, деган фикрни билдирган. Шунингдек, Пауэлл жаноблари Эрон ҳақида ҳам тўхталиб, унга ҳам шундай муносабатни билдирган ва Теҳрон оммавий қирғин қуролларига эга бўлмаслиги лозимлигини таъкидлаган.



Эслатиб ўтамиз, АҚШ президенти Жорж Буш томонидан «Ёвузлик ўчоқлари» дея айтилган давлатлар орасида Эрон ҳам бор.

## НАВБАТДАГИ РАКЕТА УЧИРИЛДИ

«Kyodo» агентлигининг хабар беришича, кеча Шимолий Корея Япон денгизида ўзининг кемаларга қарши ҳаракат қиладиган навбатдаги ракетасини учирган. 24 февраль ва 10 март кунги синовлардан сўнг учинчи учириши дея айтилаётган бу сафарги «ер-кема» русумли ракетанинг ҳаракатланиш масофаси 160 км.га етади. Пхеньяннинг ракета дастуридан қўшни давлат Япония жиддий хавотир олмоқда. Боиси, 1998 йил Шимолий Кореянинг ядровий каллаклар олиб бориш имконига эга «Тэпходон-1» баллистик ракетаси Япония устидан учиб ўтиб, океанга тушган эди.



АҚШ ҳукумати эса Шимолий Кореянинг «Чангванг Синёнг» ва Покистоннинг «Хан рисерч лэборэториз» компанияларига қарши иқтисодий жазо жорий этди. Боиси, улар ракета технологияларини тарқатмаслик қоидаларини бузганлар.

## БОЛИВИЯДА ЕР ЎПИРИЛИШИ

«Новости» ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Боливия шимолидаги Чима кончилар шаҳрида ер ўпирилиши юз берган. Табиий офат туфайли 700 нафарга яқин киши бедарак йўқолган ва 400 та уй вайронага айланган. Ҳозирда қутқарув ишлари олиб борилаётган бўлиб, жабрланганлар қўшни Типуани шаҳри шифохонасига юборилмоқдалар. Шунингдек, шаҳарнинг бошқа аҳолиси ҳам хавфсиз ҳудудларга кўчирилмоқда. Боливиядаги БМТнинг озиқ-овқат дастури ваколатхонаси эса азият чеккан Чима аҳолисига озиқ-овқат тарқатмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, фожеага кончиларнинг ўзлари сабабчи бўлиб, олтин қидириш мақсадида ҳудудда сон-саноқсиз тоннеллар қазиб юборган эканлар.



## ВЕНЕСУЭЛА КОЛУМБИЯЛИК ЖАНГАРИЛАРГА ҚАРШИ

Венесуэла президенти Уго Чавес Колумбия билан чегарадош ҳудудларда ҳаракат қилаётган колумбиялик исёнчи гуруҳларга қарши ҳарбий амалиётлар ўтказиш учун ўз қуролли кучларига буйруқ берди. Бундан мақсад — исёнчиларни мамлакат ҳудудидан сиқиб чиқариш. Ундан аввалроқ эса колумбиялик исёнчилар чегарадаги Венесуэла ҳарбий постига ҳужум қилган эдилар. «Ҳеч қандай қуролли гуруҳ, исёнчилар ёки Колумбия қуролли кучларининг Венесуэла ҳудудига киришга ҳаққи йўқ», дея айтган Уго Чавес ўзаро чегаралари 2200 километрдан ошиқроқ бўлган Венесуэла ва Колумбия давлатлари раҳбарлари эса яқин кунларда учрашадилар ва юзага келган муаммоларни ҳал этадилар, дея хабар беради «Рейтер» агентлиги.



## «УМИД НИҲОЛЛАРИ»ДАГИ УМИДЛИ ЁШЛАР

«Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг ўғил болалар ўртасидаги футбол ва баскетбол бўйича III босқичи (Тошкент шаҳри мактаблари ўртасида) С.Раҳимов туманининг спорт базасида ўтказилди. Пойтахт туманларидан келган 8-11-синф ўқувчилари ўртасидаги футбол беллашувлари "Истиқлол" ўйингоҳида ташкил этилди. Миллионлар ўйинининг финал босқичида ўтган йилги шаҳар чемпиони Ҳамза тумани жамоаси ва мезбон туман жамоаси бир-бирига рўбарў келдилар. Асосий ва қўшимча вақтда ҳисоб 2:2 бўлиб қолганлиги боис, дарвозаларга пенальти йўллаш бошланди ва 4:2 ҳисобида С.Раҳимов тумани футболчилари ғолибликка эришдилар. 3-ўрин эса шайхонтоҳурлик ўқувчиларга насиб этди.

242-мактаб спорт залида ташкил этилган баскетбол (ўғил болалар) мусобақасида Чилонзор тумани жамоаси шаҳар ғолиби, дея эътироф этилди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Юнусобод ва С.Раҳимов туманлари вакиллари эгаллашди.

Шунингдек, Чилонзор тумани халқ таълими бўлимига қарашли 182-мактабда ўтказилган баскетбол бўйича қизлар беллашувида 1-ўринни мезбонлар, 2-ўринни юнусободликлар ва 3-ўринни С.Раҳимов тумани қизлари банд этдилар.

**МУХБИРИМИЗ**

## ТАЪТИЛНИНГ ТОТЛИ ДАМЛАРИДА

*Мактаб ўқувчиларининг баҳорги таътил даврини мазмунли ташкил этиш, уларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида С.Раҳимов туманидаги 30 та мактабнинг 10-11-синф ўқувчилари ўртасида «Шунқорлар» беллашуви ўтказилди. Туман халқ таълими, мудофаа ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган бу мусобақада иштирокчилар югуриш, граната улоқтириш, турникда тортилиш, противогаз кийиб югуриш, ҳарбий сафланиш каби шартлар бўйича куч синашдилар. 159-, 191-, 242-, 249-мактаб жамоалари қатнашган ушбу беллашувда 249-мактаб жамоаси биринчи, 159-мактаб ўқувчилари иккинчи ва 191-мактаб вакиллари учинчи ўринни эгалладилар ҳамда 249-мактаб жамоаси шаҳар босқичига йўлланма олди.*

***Р.ТЎЛАГАНОВ, С.Раҳимов ТХТБ мутахассиси***

## АҲИЛЛИК ВА ФАОЛЛИК САМАРАСИ

Умид билан эккан ниҳолларимизни меҳр билан тарбиялаб, парваришласаккина, у эртага кутилган натижани беради. Шундай экан, «Обод маҳалла йили»да ёшларимизга, уларнинг етук инсон бўлиб етишишларига эътибор қай даражада? Зеро, ҳар жиҳатдан баркамол фарзандларни тарбиялай олган юртнинггина келажаги порлоқ бўлади. Бу ҳикматни ғишткўприкликлар айрича ғайрат билан ҳаётга қўллай бошлашди. Жумладан, куни кеча 33-мактабда ўзбек миллий белбоғли кураши бўйича «Наврўз турнири»нинг ўтказилиши ҳам фикримиз далилидир. Саккизта вазн тоифасида ўтказилган турнирда тўққизта маҳалладан келган спортчилар беллашдилар. Тадбир давомида спортнинг миллий кураш, каратэ, дзюдо, «Турон» кураши йўналишлари бўйича намойиш этилган кўргазмали чиқишлар тадбирнинг янада қизиқарлироқ ўтишига ҳисса қўшди.

— "Мен, аввало, маҳаллаларимизнинг аҳиллигидан хурсандман. Ҳар йили шу каби мусобақаларни амалга ошираяпмиз. Эндиликда, 9 май арафасида ҳам «Хотира турнири»ни ўтказиш мақсадимиз", — дейди бош ҳакам, 33-мактаб директори Р.Муҳаммаджонов. — Ниҳоят, икки кун мобайнида давом этган олишувлар натижасида ғолиблар аниқланди. Ва 1-,2-,3-ўринларни эгаллаган спортчилар ҳомийлар томонидан ташкил этилган махсус совринларни қўлга киритдилар. Ёшлар шижоатидан завқланган «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раиси Б.Боймуҳаммедов мактабни замонавий спорт анжомлари билан тўлиқ таъминлашга ваъда берди.

***Азиз НОРҚУЛОВ***

## «РЕАЛ»НИНГ БЕКХЭМГА ҚИЗИҚИШИ ОРТМОҚДА

Ўтган ҳафта ниҳоясида Европа чемпионатининг саралаш турнирида Лихтенштейн жамоасига қарши майдонга тушган Англия терма жамоаси 2:0 ҳисобида ғалаба қозонган ва голларнинг бирини Дэвид Бекхэм рақиб дарвозасига қойилмақом тарзда йўллаган эди. Ўйинни кузатган Испаниянинг «Реал» клуби раҳбариятида Бекхэмга нисбатан қизиқиш тобора ортиб кетди. «Қироллик клуби» директори Хорхе Вальдано Бекхэм Зиданлар билан бир жамоада бўлиши кераклигини, «Реал» уни ўзига жалб қилиш учун барча имкониятларини ишга солишини айтди.

## WBC КЛИЧКОГА РУХСАТ БЕРДИ

Бутунжаҳон бокс кенгаши (WBC)нинг Гамбургда ўтказган матбуот анжуманида украиналик Виталий Кличко жаҳон чемпионлиги учун расмий талабгор дея эълон қилинди ва унинг саралаш (тайёргарликка хизмат қилувчи) жанглар ўтказиши ман этилди. Лекин Виталийнинг бўлғуси рақиби ҳозирча номаълум. Боиси, англиялик чемпион Леннокс Льюис у билан жанг ўтказгандан кўра, Тайсонга қарши такрорий рингга чиқиб, кўпроқ пул ишлаб олиш ниятида. Тайсон эса Льюис билан кўришишга шошилмаяпти. Ўтган йили 8 июнь куни Тайсон устидан ғалаба қозонган Льюис ҳозиргача бирор учрашув ўтказгани йўқ. Агар у 30 июнга қадар Тайсонга қарши рингга чиқишга улгурмаса, у ҳолда 1 июлдан бошлаб 120 кун ўтгач, Льюис Кличкога қарши жанг ўтказишга мажбур бўлади. Борди-ю, Льюис — Тайсон жанги уюштирилиб, ким ғолиб чиқса, уни Виталий рингда кутиб олади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Льюис Кличко билан учрашишдан бош тортса, унда Виталий ўзидан рейтинги баланд бўлган Тайсон, Холифилд, Раҳмон ёки Туалардан бири билан жанг ўтказади. Дарвоқе, куни кеча Филадельфияда IBF йўналиши бўйича ўзаро рейтинг жангини ўтказган Дэвид Туа ва Хасим Раҳмонлар 114:114 очко билан дуранг натижага рози бўлганлар.

## «ОЛИМПИАДА — 2004»ДА РЕКОРД НАТИЖА

Келгуси йили Грециянинг Афина шаҳрида бўлиб ўтадиган «Ёзги олимпиада ўйинлари — 2004» мусобақаларида иштирок этиш учун ҳозирга қадар дунёнинг 124 давлати хоҳиш билдирган. Ташкилий қўмитанинг билдиришича, бу кўрсаткич рекорд натижа бўлиб, 2000 йил Австралиянинг Сидней шаҳрида ўтказилган олимпиада ўйинларида 123 та давлат спортчилари иштирок этган эди. Шунингдек, «Олимпиада — 2004»да қатнашиш учун аризалар қабул қилиш ҳали тугамаган бўлиб, у жорий йилнинг 15 июнига қадар давом этади. Бугун эса дунёда 161 та миллий олимпия қўмиталари мавжуд. Бундан ташқари, Афинадаги ўйинлар ташкилотчилари учинчи дунё давлатлари спортчиларининг Грецияга келиш харажатларини қисман ташкилий қўмита маблағидан қоплашни ҳам маълум қилганлар.

## ҲАСАН ШОШ АНГЛИЯГА КЕТМОҚЧИ

«Галатасарой» клуби ярим ҳимоячиси Ҳасан Шош келгуси йили Англия премьер лигасида ўйнаш истаги борлигини маълум қилди. Унинг «Галатасарой» билан тузган шартномаси жорий мавсум охирида ниҳоясига етди. Шошнинг жаҳон чемпионат вақтида Туркия терма жамоасида кўрсатган ўйинларидан қониқиш ҳосил қилган «Интер» президенти Массимо Моратти Ҳасан Шошни ўз клубига таклиф қилаётган эди. Бироқ футболчининг истаги Англия майдонларида тўп суриш. «Мен Англиянинг ҳар қандай жамоасида ўйнашга розиман. Туркияда инглиз футболи ўз қудрати ва шиддати билан машҳур. Ўтган йили «Ливерпул» мени чақирганди, бироқ «Галатасарой» билан келиша олмаган эдим. Инглиз футболчиларидан Райан Гиггз менга ёқади ва мен унга қарши ўйнашни хоҳлайман", дея айтиган турк футболчиси.

## РОБЕРТО КАРЛОС ҲАКАМНИ ТУРТИБ ЮБОРДИ

Мадриднинг «Реал» клуби президенти Флорентино Перес ўз жамоаси ўйинчиси Роберто Карлосни ҳимоя қилишини маълум қилди. Унинг фикрича, Карлос ва Йефет ўртасида кечган воқеа у қадар жиддий ҳолат эмас. Ёдга олсак, Португалия ва Бразилия терма жамоаларининг ўртоқлик учрашувида 2:1 ҳисобида европаликлар ғалаба қозонган эдилар. Бироқ ўйин тугашига 10 дақиқа қолганда ҳакамнинг қароридан норози бўлган Роберто Карлос ўйинни бошқариб бораётган исроиллик Алон Йефетнинг елкасидан туртиб юборади ва бунинг эвазига Йефет уни майдондан четлаштиради. ФИФА ташкилоти эса бу воқеа ҳақида Алон Йефетнинг жавобини кутмоқда. Агар у салбий муносабат билдирса, Карлос терма жамоа ўйинларида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин.

## «ФАЗОГИР»НИНГ ПАРВОЗИ

**XX Республика «Қувноқ стартлар» телевизион мусобақаларининг чорак финал учрашувлари жамоаларнинг бир-бирларига куч ва маҳорат жиҳатидан муносиб рақиблар эканликларини кўрсатмоқда. Хусусан, Сурхондарё вилоятининг Музрабод туманидаги 9-мактабнинг «Фазогир» ва Андижон вилоятининг Олтинкўл туманидаги 2-мактабнинг «Наврўз» жамоаси ўртасида кечган беллашув ҳақида шу фикрни айтиш мумкин.**

**Дастурнинг биринчи ўйинида («Ўйла, изла, топ») «Фазогир» ғолиб чиққан бўлса, иккинчи баҳсда («Ким чаққон») ёғоч оёқда югуришда ҳар икки жамоа маррага баравар етиб келди ва дуранг (2:2) натижа қайд этилди. Учинчи беллашувда («Ўрин алмашиш») «Наврўз» жамоаси ғалаба қозониб, очколар тенглашди (6:6). Тўртинчи баҳсда («Эпчиллар») андижонликлар олдинга чиқиб олишди (ҳисоб 9:7). Қолган 6 та шартнинг бири («Чопқир болалар») дуранг натижа билан тугади. Қолган 4 та беллашувда «Фазогир», битта баҳсда «Наврўз» ғалаба қозонди.**

**Қизиқарли ва муросасиз курашда 22:18 ҳисобида ғолиб чиққан сурхондарёлик ўқувчилар ярим финалда кучларини синаб кўрадилар.**

***F.МАННОПОВ***



Дунёнинг 48 та давлати томонидан қўллаб-қувватланган Саддам Ҳусайн тузумига қарши урушда кеча иттифоқчилар кучлари Бағдод марказидаги Ҳусайнлар оиласига дахлдор иккита объектни бомбардимон қилганлар. Биринчи объект Саддам ва унинг кичик ўғли Кусай фойдаланиб келаётган сарой бўлса, иккинчиси президентнинг катта ўғли Удай раҳбарлик қиладиган Миллий олимпия қўмитаси биносидир. Ҳаво ҳужумлари туфайли шаҳарда кучли портлашлар юз берган ва ҳар иккала объект ҳам жиддий талофат кўрган. Маҳаллий манбаларнинг билдиришича, «қўрқинчли одам» номини олган президентнинг катта ўғли Удай мусобақаларда мағлубиятга учраган ироқлик спортчиларга нисбатан жисмоний азоб бериш усулларини қўллаган.

## БУШ: ИРОҚЛИКЛАР ОЗОДЛИККА ЭРИШГАНДАГИНА УРУШ ТУГАЙДИ

Филадельфиядаги қўриқлаш хизмати ходимлари ва ҳарбийлар олдида чиқиш қилган АҚШ президенти Жорж Буш иттифоқчилар Ироқнинг жануби ва ғарбий қисмларидаги катта ҳудудларда ўз назоратини ўрнатганлигини маълум қилди. «Биз асосий кўприкларни эгалладик, шимолий фронтни очдик ва ҳавода тўла устунликни қўлга киритиб, инсонпарварлик юкларини юборишни бошладик», дея айтган Жорж Буш ва Ироқ халқи озодликка эришгунга қадар уруш давом этишини алоҳида таъкидлаган.



Пентагон ташкилотининг расмий вакили амалиётлар бошлангандан буён Ироқ ҳудудига 8700 та бомба ташланганлиги, Саддам Ҳусайннинг яқинлари мамлакатдан чиқиб кетишга ҳаракат қилаётганлиги ҳақида маълумот берган.

Дунёнинг диққат марказида турган Бағдод эса БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан 28 март куни «Нефть эвазига озиқ-овқат» дастури доирасида инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш бўйича қабул қилинган 1472-резолюциясини рад этган. Ироқнинг Москвадаги элчиси Аббос Халафнинг билдиришича, Бағдоднинг иштирокисиз унга нисбатан ишлаб чиқилган резолюцияни Ироқ қатъий ман этган. Бугун мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат, ичимлик суви ҳамда дори-дармон бўйича заҳиралари ярим йилга етади. Бу мақсадда ҳарбий операциялар бошланишидан аввалроқ тайёргарлик кўрилган. Ҳатто, Жазоир ва Иорданиядан озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олинган.

## ХАЛҚИНИ ЭМАС, ҲАЛҚУМИНИ ЎЙЛАГАНЛАР

### миллион-миллион пулларидан айрилишди

*Ma'rifatsiz kishilar*

Халқимизда "инсофи борда барака бор", деган нақл бор. Бу нақлнинг маъноси бекиёс. Негаки, бирор фойда қилмоқчи бўлган одам, айниқса, бозордагилар бу нақлни либос қилиб, кийиб олсалар ҳам кам. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги 154-сонли қарори чиққандан сўнг баъзи бир "инсофли" кишиларнинг инсофсизлиги ошкор бўлиб қолди.

"Халқимни ўйлаб, не машаққатлар билан четдан маҳсулот олиб келаяпман, элимга яхши бўлсин деяпман", дея кўксига урган бундай тоифа кишилар элга беришга келганда, яъни "сифатли маҳсулот олиб келинг, халққа яхши бўлади" дейилганда "оббо, бу нимаси бўлди, энди", деб бош қашлаб қолишди. Негаки, яхши молни чет элда ҳам арзонига беришмайди, қимматини олиб келса, фойда кам қолади. Шу боис бўлса, керак мўмай даромаднинг озгина буромадига чидамаганидан айримлари "тадбиркорларни бўғишмоқда", деб жар солишгача бориб етдилар.

Асл мақсад сари сифат ва самарага эришиш, халқнинг пулини алдаб олиб кетаётган устаси фаранглардан ҳимоя қилиш бўлиб турганини исботлашга мисол зарур бўлса, бир-иккитасини келтира қолайлик.

Яқингача "Хитойнинг моли арзону, аммо икки ойдан ошмайди-да, ҳозир оёқ кийим расво, ҳаммаси резина, резина эса зах тортади, захдан танага касаллик тез ёпишади" ёки "Синтетика буюм бўлмайди", деган гапларни кўча-кўйда кўп эшитардик.

Озиқ-овқат маҳсулотлари масаласида-ку, бир-икки йиллар чет эл молининг чиққан санаси билан яроқлилик муддатини фарқлай олиш қийин кечди. Шундай экан, борига шукр қилиш баробарида сифатлисини танлаш, тўртта пойабзални йиртиб отиб юборгандан кўра, унинг учтасининг пулини сарфлаб бўлса-да, битта дурустроғини олиб кийиш маъқул иш эканини тушунишнинг вақти келди назаримизда.

Шу боис, Вазирлар Маҳамасининг юқоридаги Қарори талабларини бажариш мақсадида Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги профилактика хизмати ходимлари томонидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур қарор талабларини, унинг мазмун-моҳияти ва мақсадини аҳолига тўғри тушунтириш мақсадида жойлардаги ҳокимликлар вакиллари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаоллари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида ва якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқаролар билан учрашув ва суҳбатлар ўтказилмоқда.

Шунингдек, бозорларда, савдо ярмаркалари ва бошқа аҳоли гавжум жойларда фуқаролар томонидан савдо-сотиқ билан боғлиқ ноқонуний ҳолатларга барҳам бериш, айрим ғараз ниятли шахслар томонидан ушбу қарорнинг аҳоли ўртасида нотўғри тарғиб қилинишининг олдини олиш мақсадида махсус рейдлар ҳам ўтказиб борилмоқда.

Республика ҳудудига сифатсиз маҳсулотлар кириб келишининг олдини олишда чегара ҳудудларида ташкил этилган назорат постларининг аҳамияти бекиёс. Шу боис, ушбу масканларда хизматни кучайтириш ва уларда хизмат қилаётган ички ишлар идоралари ходимларининг масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Айниқса, айланма йўллар орқали сифатсиз маҳсулотларни юртимизга олиб киришга уринган айрим кишиларнинг қилмишлари Ички ишлар вазирлиги, Солиққа қарши жиноятларга қарши кураш департаменти, Давлат Божхона қўмитаси ходимлари ҳамкорликда ўтказаётган тадбирларда фош этилиб, улар катта миқдордаги маблағларидан айрилмоқдалар.

"Менинг нафсим балодир, ҳар балога соладур", дея бежиз айтилмаган. Буни беш бармоғини оғзига тиқиб, халқим демасдан халқумини ўйлаган баднафс бандаларнинг қилмишларидан билса бўлади. Бироқ улар берилган имкониятдан тўғри фойдаланмасдан, давлат учун керакли тўловларни тўлаб қўймасдан, қинғир йўллар орқали катта миқдордаги маҳсулотларини олиб киришга ҳар қанча уринишмасин мақсадларига етиша олмаяпти. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларини чалғита олишмаяпти.

Масалан, Тошкент вилояти Қибрай туманида профилактика инспекторларининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан ҳамкорликда ўтказган тадбирлари натижасида, "Маданият" ширкат хўжалиги ҳудудидаги Х.Олимжонов кўчаси 14-уйда яшовчи, ишламайдиган, 1957 йил туғилган Юсуповнинг «Газ — 3102» русумли давлат белгиси 11 L9818 автомашинаси тўхтатиб текширилганида, унда чет эл маҳсулотлари олиб кетилаётгани маълум бўлади.

Текширувлар натижасида "Маданият" ширкат хўжалигининг Ўқитувчи кўчаси 14-уйда яшовчи, ишламайдиган 43 ёшли Абдуғаффор Ҳакимовга тегишли ушбу молларнинг умумий нархи 8 млн.20 минг сўмлик эканлиги ва улар ноқонуний равишда олиб келинаётгани аниқланди.

Шунингдек, мазкур вилоятнинг Тошкент туманидаги "Ғиштқўприк" маҳалласи ҳудудидан ўтган «Зах ариқ» канали олдида профилактика инспекторлари ва прокуратура ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирлар пайтида "Ўзбекистон" жамоа хўжалигининг Улуғбек кўчаси 20-уйда яшовчи, ишламайдиган 1978 йил туғилган У.Иброҳимов Латвия Республикасида ишлаб чиқарилган умумий нархи 1 млн.360 минг 800 сўмлик 2592 дона консерваларни ва Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган, умумий нархи 1 млн. 531 минг 200 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини ноқонуний равишда олиб кетаётганида ушланди.

Прокуратура ходимлари юқоридаги ҳолатлар юзасидан суриштирув ишларини олиб боришмоқда.

Бозорларда фаолият кўрсатаётган профилактика инспекторлари ҳам ноқонуний йўллар билан кириб келган маҳсулотлар тарқалиб кетилишининг олдини олиш мақсадида ички ишлар идораларининг бошқа тезкор ходимлари билан ҳамкорликда бир қатор тадбирлар ўтказишмоқда.

Жумладан, яқинда Ангрен шаҳар деҳқон бозорида ўтказилган тадбирлар пайтида Ўрта Чирчиқ тумани Тўйтепа шаҳрида яшовчи 31 ёшли Ли Светлана тегишли ҳужжатларсиз умумий нархи 275 минг сўмлик чет элда ишлаб чиқарилган кийим-кечак маҳсулотларини сотаётган вақтида ушланган.

Андижон вилояти Булоқбоши тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспекторлари ҳамда бошқа соҳа ходимлари билан ҳамкорликда олиб борилган тадбирлар натижасида Б.Ражапов номидаги ширкат хўжалигида яшовчи Д. Жалиловнинг уйи кўздан кечирилганда, ҳеч қандай ҳужжатсиз, давлат божини тўламасдан, савдо қоидаларини бузган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинган Хитойда ишлаб чиқарилган умумий нархи 6 млн. 706 минг 170 сўмлик «Виллюр» матолари, аёллар жемперлари, тапочкалар ва болалар кроссовкаларини сақлаётганлиги аниқланди.

Бугунга қадар республика бўйича 6240 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 622495614 сўм миқдоридаги товар моддий бойликлари давлат фойдасига ундирилди.

Ҳуқуқбузарликлар содир этган 4417 нафар шахсга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди. Республика ҳудудига ноқонуний равишда олиб кирилаётган умумий нархи 214540764 сўмлик маҳсулотлар тўхтатиб қолинди.

***Шуҳрат РЎЗИЕВ, милиция майори, Лутфулло БОЗОРОВ, милиция капитани, ИИВ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси ходимлари***

**Bugungi kunda velosiped ixtiro qilish mumkinmi? Istehzo qilishga shoshilmang. Mumkin ekan.**

**Tuyaqush fermerning tovuq katagiga joylashtirildi. Qani, bu qush tovuq, xo'rozlar bilan "til" topishib keta olarmikan?**

Ma'rifat

# ҚЎНҒИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

## Ko'ngil bitiklari

**Абдулла ВАХШИВОРИЙ**

### КЎКЛАМ

*Ёғдинг қор...*
*Минг бало пойингда қолди чўзилиб.*
*Мараз ҳам, ғараз ҳам*
*музтахта бўлиб,*
*Энди қандоқ юрсин,қандоқ югурсин,*
*олам некликларин кемирган қуртлар?...*
*Жон таслим этдилар лак- лахта бўлиб.*

*Қўлдан келарканми,*
*уч ой зил-замбил*
*куйдирган музларнинг оташи ичра,*
*Оппоқ,оҳорларга бурканган кўнгил*
*Кўклай биларканми бир гиёҳ каби?*
*Ахир, қаранг,*
*тоғни эритмоқда қайноққина майсанинг лаби!...*

*Секин эримоқда қалбимда муз ҳам,*
*Секин эримоқда.*
*Ишқилиб,*
*соғ-омон бормисан, кўклам,*
*Майса киприкларинг учи нега нам?*
*Ишқилиб...,*
*яшай оласанми,*
*кўклай оласанми-*
*кўклай оласанми,*
*юракдан юлсам,*
*юракдан юл-сам!...*

### ҲОСИЛ БАЙРАМИ

*Қарсак чалиб турди Гулбеор,*
*Яна бир йил ўтди-ю, кетди.*
*Ер чирпираб айланди бир бор,*
*Куз дарахт шохларин силкитди.*

*Куз келдими, демак тамал шу,*
*Ҳар туп дарахт қўяр ўз тошин,*
*Саватларга жой бўлди ҳосил—*
*Олма ҳиди. Айланар бошинг.*

*Ҳар бир дарахт улушин тўкар*
*Ва умридан топади маъни.*
*Лек қўли бўш, меваси йўқлар,*
*Титраб турар ўтин бўлгани.*

## Ватан манзаралари



## Oramizdagi odatlar

# МИЛЛИАРДЛАР ҚИЗИҚТИРМАЙДИГАН ОДАМ

Ҳеч тасаввур қилиб кўрганмисиз: электр кашф этилмаганда нима бўлар эди? Бу саволнинг минг битта жавоби бор. Бири шуки, бугун ҳаётимизда кенг қўлланаётган ва электр билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳеч қайсиси кашф этилмасди.

Инсониятнинг ўрта асрлардан бугунгача босиб ўтган йўлига назар ташлаган киши буюк ихтиролар даври ўтиб кетиб бўлди, дея бироз афсусланиши мумкин, агар қизиқувчан бўлса. Қизиқиш инсонни ўша воқеанинг шоҳиди бўлишга ундайди. Камина XX аср бошларида яшаганимда, ёғоч аэропланнинг осмонга парвози мени шаксиз ҳайратлантирган бўлур эди. XXI аср бошидан ўша даврга назар ташласам, энди менга аэроплан парвози эмас, ўша парвозни лолу ҳайрон кузатиб турган кишиларнинг кўзидаги ҳайрат қизиқроқ туюла бошлайди.

Хуллас, бир дўстим бор. Жаҳонгир. Сирдарёнинг Боёвутидан. Ажойиб йигит. Ҳар нарсага қизиқади. Бир гал у тошкентлик ихтирочи Александр Александрович Шиндин ҳақида гапириб қолди. Рости, мени ҳаммасидан ҳам у кишининг «куймас дазмоли» қизиқтириб қўйди. Куймайдиган дазмол бор эканми? Бу ахир камида «абадий двигател»га ўхшаган гап-ку. Шу тариқа бу одам билан бир бор учрашишни кўнглимга тугиб қўйдим.

Ниҳоят, Жаҳонгир билан Александр Александрович Шиндин меҳнат қилаётган Тошкент автомобил ва йўллар институтига йўл олдик.

* * *

Бугунги кунда велосипед ихтиро қилиш мумкинми? Истеҳзо қилишга шошилманг. Мумкин экан. Сан-Санничнинг (ҳамкасб ва шогирдлари Александр Александровични шундай аташади) чизмаларини кўриб, бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз. Ихтиронинг оргиналлиги шундаки, велосипеднинг ғилдираклари, оддий велосипедникидан фарқли равишда, мутлақо симсиздир. Сан-Санич ундан қаерларда фойдаланишни ҳам ўйлаб қўйган: циркларда.

Суҳбатимиз мобайнида Шиндин бизнинг кўплаб «Йўғ-е, қандай қилиб?» қабилидаги саволларимизга жавобан бир қатор оддий, аммо оригинал ихтиролари чизмаси билан фикрини асослаб берди. Улар орасида вертолёт шаклида ясалган уй антеннаси алоҳида эътиборга молик. Гап шундаки, мазкур «вертолёт» барча каналлардаги кўрсатувларни аъло даражада қабул қилади. Бунинг устига, у хона учун бетакрор безак вазифасини ҳам ўташи мумкин.

* * *

Ҳаммаси болаликдан бошланганди. Дарвоқе, Сан-Санич 1948 йилда Одесса вилоятининг Саратов туманида туғилиб ўсган. Отаси ҳарбий хизматчи бўлиб, телевизор орқали футбол томоша қилишни яхши кўрган. Кўпинча у хизматдан келиб уйида футбол кўрар, чарчаганидан телевизорни ўчиришни ҳам унутиб, ухлаб қоларди.

Бу ҳолат бир неча марта такрорлангач, ёш Саша бирор чора ўйлаб топишни кўнглига тугди. Ва кўп ўтмай бунинг иложини топди. У телевизорга оддий будильник соатни ўрнатди. Эндиликда белгиланган вақт бўлгач, будильник ишга тушиб, телевизор автоматик равишда электр тармоғидан узилар эди.

Тўғри, бу ҳолат ҳозирги кунда ҳеч кимга янгилик эмас. Бироқ бу воқеа ўтган асрнинг 60 - йилларида, қаҳрамонимиз ўрта мактабнинг 4-синфида ўқиётганида юз берганини эътиборга олсак...

* * *

Отаси ҳарбий бўлган Саша ҳам ҳарбий хизматга қизиқар эди. Бошқа тенгдошларидан фарқли равишда, у сержант унвонини ҳарбий қасамёддан бир ҳафта ўтгач олган. Бунга сабаб бўлган воқеани Сан-Санич мароқ билан хотирлайди.

Сашани қуроллар беҳад қизиқтирарди. Қасамёддан сўнг унинг қўлига Симонов карабинини топширишади. Маълумки, ушбу қурол биттталаб ўқ узишга мўлжалланган. Аммо, ҳар нарсага қизиқувчан Сашани бу қониқтирмасди. Унинг ишлаш механизмини синчиклаб ўрганиб чиққан ёш аскар карабинни пулемётга айлантиради.

— Энг қизиғи шундаки, — хотирлайди Сан-Санич, — мен ушбу ихтирогача қуролимни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга қасамёд қилган эдим. Шундай экан, оддий аскарнинг бундай ўзбошимчаликка йўл қўйишини тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Мен қуролнинг ҳеч бир деталини олиб ташламадим ёки четдан қўшмадим. Фақат уларнинг жойи ва механизмини ўзгартирдим, холос.

Шу воқеадан сўнг бир ҳафта ўтиб, қисм қўмондони муддатидан олдин унинг елкасига сержантлик погонини тақиб қўяди.

* * *

Дўстлари уни Кулибин (машҳур рус ихтирочиси — **Ҳ.К**) деб ҳам аташади. Шиндиннинг еттита қизил дипломи бор. Умуман олганда, у тўққизта ўқув юртини тугатган. Уларнинг айримларида параллел равишда ўқиб, баъзи имтиҳонларни экстерн тарзида топширган. Фаолият доирасининг кенглиги ҳам бир жиҳатдан шу билан изоҳланади.

Маълумки, Россиянинг «КамАЗ» автомашиналари дунёда машҳур бўлишига қарамай фақат ривожланаётган мамлакатларгагина экспорт қилинади. Сабаби шуки, рус автомобиллари ҳавога кўплаб заҳарли чиқиндилар чиқарганлиги учун Европа стандартларига тўғри келмайди. 1993 йилнинг кузида Сан-Санич Ўрта Осиё темир йўлининг ташқи иқтисодий алоқалар бўлими бошлиғи В.Давидович билан Россиянинг Набережние Челни шаҳрида бўлганида, «КамАЗ» ҳиссадорлик жамияти бош директори айнан шундан нолиб қолган эди.

Сан-Санич ўшандаёқ автомобиль дизел двигателидан ҳавога заҳарли чиқиндилар чиқишини камайтирувчи ускуна яратишни ният қилади. Кўп ўтмай ускунанинг чизмаси тайёр бўлади. Унинг «КамАЗ»ларга ўрнатилиши европалик харидорларнинг автомобиль ҳақидаги фикрини ўзгартириши шубҳасиз.

— Бироқ муаммо шундаки, мазкур ихтирони россияликларга шунчаки ширин сўз учун бериб юборолмайман, — дейди Сан-Санич. — Ахир энди давлатларимиз бошқа-бошқа ва мустақилдир. Қурилмани оммавий равишда ишлаб чиқариб, автомобилларга ўрнатиш Ўзбекистонга валютада қанча фойда келтиришини ҳисоблаш учун олти хонали рақамлар ҳам камлик қилади.

Шунинг учун Сан-Санич вақти-соати келгунча ўз ихтиросини ошкор қилмай туришни маъқул кўрмоқда.

Бундан бошқа ҳам унинг ошкор қилинмаган ихтиролари талайгина. Мақоламиз бошида айтиб ўтилган «куймас дазмол» шулар жумласидан. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор, албатта. Сан-Саничнинг айрим ихтиролари чизмасини ўғирлаб, чет элларда ўз номидан амалиётга татбиқ этиб, бойиб кетган «дўстлари» ҳам йўқ эмас.

Масаланинг яна бир қизиқ жиҳати мавжуд, Сан-Санич кўплаб ихтироларини давлат патент идорасидан рўйхатдан ўтказмай сақлаб юрганлигининг яна бир сабаби шундаки, мазкур идорада ўрнатилган қоидага кўра, рўйхатга олинган ҳар бир ихтиро учун айни пайтда 45350 сўм тўлаш керак экан, бу ихтиро ишлаб чиқаришга жорий этиладими-йўқми, қатъи назар. Ихтиро рўйхатдан ўтганидан сўнг 20 йил ичида ишлаб чиқаришга жорий этилиши лозим. Агар жорий этилмаса, ушбу муддат тугагач, патент ўз кучини йўқотади. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, аввало оддий ўқитувчи рўзғоридан орттириб шунча пул жамғариши анча мушкул масала. Бунинг устига Сан-Санич шу кунгача ҳаммаси бўлиб 428 та ихтиро қилган. Уларни рўйхатдан ўтказишга қанча маблағ кетишини ҳисоблашни ўрта мактабнинг 4-синф ўқувчиларига қўйиб берайлик.

* * *

Суҳбат давомида биз Сан-Саничга, хўш, шундай экан, ихтироларингизнинг айримларини рўйхатдан ўтказиб, устахона шароитида битта-битталаб ишлаб чиқариб, амалиётга жорий этсангиз бўлмайдими, деб сўрадик. Негаки, шундай қилинган тақдирда ҳам жуда катта иқтисодий фойда олиш мумкин.

Гороскоп бўйича Қовға буржига мансуб Сан-Санич мийиғида кулади.

— Эҳ, дўстим, — дейди у, — ҳаётда икки тоифадаги кишилар бор: ақл билан ишловчилар ва қўл билан ишловчилар. Мен биринчи тоифадаги одамман.

Менга ижрочилар керак. Кашф этишни эса менга қўйиб беришсин...

Пул ва бойлик орттиришга қизиқмайдиган кишини ўз кўзимиз билан кўриб турардик. Шундай қилиб, суҳбатимиз ўртача нотада якун топди.

* * *

Александр Александрович Шиндин айни пайтда талабаларга термодинамика фанидан маърузалар ўқийди. Талабалар орасида уни ўзига устоз деб билган, уни севган, ўзлари ҳам ихтиролар қилаётган шогирдлар кўпчиликни ташкил этади. Уларга шароит яратиб бериш, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш барчамизнинг вазифамиздир. Мамлакат келажаги мана шундай истеъдодли, фидойи инсонларга боғлиқ.

***Ҳусан КАРВОНЛИ***

## Xullas...

### ЖАРОҲАТЛАНГАНЛАР ГИНЕКОЛОГИЯ БЎЛИМИГА!?

Ярославл шаҳридаги шифохонанинг гинекология бўлими яраланган аскарни қабул қилишга тайёргарлик кўра бошлади. Таажжуб! Бундай ҳолга не ҳожат?

Аслида бундай фавқулодда ҳолатнинг жорий қилинишига шошилинч жўнатилган телефонограмма сабабчи бўлган эди. Шифохонанинг бошқа бўлимлари таъмирдан чиқарилмоқда, фақат гинекология бўлимидагина тиббий ёрдамнинг имкони бор. Телефонограммада эса кўприк портлатилгани, жароҳатланганлар албатта бўлиши мумкинлиги маълум қилинган.

Шундай қилиб, бош шифокор ҳар эҳтимолга қарши гинекологларни огоҳлантириб қўйди. Яраланган аскарларни гинекология бўлимига олиб боришдан бош тортиб у ёқ, бу ёққа судраб юришнинг ўзи бўлмайди. Нақадар кулгили ва аянчли бўлмасин, шароит шуни тақозо этгач, гинекологлар енг шимариб ярадор эркакларни даволашга киришдилар. Ана буни Гиппократ қасамига содиқлик, дейиш мумкин.

### ЧУМЧУҚ СЎЙСА ҲАМ ҚАССОБ СЎЙСИН

деймизу, айрим ҳолларда ўша «қассоб» деганимиз билар-билмас қовун тушириб қўйиши ҳеч гап эмас экан.

Қозон денгизчилик техникумининг талабаси ва унинг улфати, бир моторист отамлашиб, кунни кеч қилдилар. Кутилмаганда икки дўстнинг миясига қадрдонларини кўриб келиш фикри келиб қолди. Дийдор ғанимат, аммо оёқда туролмайдиган икки биродарнинг нариги қирғоққа сузиб ўтишини тасаввур қила олмасангиз керак. Улар Чистопол денгиз портидаги палубали кема капитанига борадиган манзилларини айтишди. Капитан эса уларнинг кайфи борлигини сезиб, рад этди.

«Денгиз қароқчилари» зўравонлик қилиб, двигателни ишга солишди. Аммо кўп ўтмай, кема остин-устун бўладигандек, қалқий бошлади. Кема капитани «Биз мутахассисмиз!» деб кўкрак керган олифталарнинг бирор фалокат содир этишини дарҳол сезиб, штурвални ушлаб қолди. Агар капитан журъати етмай, «мутахассис»ларга кемани қўйиб берганида борми, чиндан ҳам даҳшат юз берарди. Бундай фалокатлардан худонинг ўзи асрасин...

### БИР КИЛОЛИК ТУЯҚУШ ТУХУМИ

Узоқ Австралия ватани бўлган туяқушларни биз ҳайвонот боғларидагина кўрамиз. Аммо белоруссиялик фермер Виктор Тарасевичга ўша олис мамлакатдан келтирилган туяқушлар ажойиб-ғаройиб туҳфа тақдим этди.

Гап шундаки, туяқуш фермернинг товуқ катагига жойлаштирилди. Қани, бу қуш товуқ, хўрозлар билан «тил» топишиб кета олармикан?

Кўп ўтмай, «тил» топишмоқ тугул, туяқуш ва уй паррандалари ўртасида мўъжиза рўй берди. «Меҳмон» бир килодан зиёд вазндаги тухум туғди. Эҳтимол, у бундан ҳам улкан тухум яратар. Виктор Тарасевичнинг оила-аъзолари улкан туяқуш тухумига умид қилиб, кун санашмоқда.

**ana shunaqa gaplar**

## Turfa dunyo

### КЕН-ГУ-РУ

Кўп йиллар олдин Австралияга европаликлар биринчи марта саёҳат қилишган эди. Улар бу жойда сайр қилиб юришиб, кўплаб ҳайвонларни кўришди. Бир ҳайвон эса европаликлар учун жуда кулгули кўринди. Бу ҳайвон икки оёғида сакраб-сакраб юрар, узун ва кучли думи ҳамда кичкинагина калласи бор эди. Қорнида каттагина чўнтаги бўлиб, ундан эса кичкинагина ҳайвонча жой олган эди.

Европаликлар бу ҳайвонга жуда қизиқиб қолишибди ва бир австралияликдан «У нима?» деб сўрашганда, у «кен-гу-ру» деб жавоб берган экан. «Ҳа, бу ҳайвоннинг номи кенгуруми?» деб европаликлар ҳайратланишган экан. Шундан бери ушбу ҳайвон кенгуру деб аталадиган бўлибди. Шу воқеадан сўнг, яна кўп йиллар ўтиб европаликлар Австралия тилини ўрганишибди ва шундагина кен-гу-ру сўзи австралия тилидан таржима қилинганида «билмайман» деган маъно беришини билиб олишган.

### АЖОЙИБ ЛИБОС

Бир мактабда қувноқ кеча уюштирилибди ва бунга болаларнинг ота-оналари ҳам таклиф қилинишибди. Ҳамма ўйинга тушар, лекин бурчакдаги бир кишининг ёнидаги шериги билан суҳбати қизигандан-қизир эди. Шунда суҳбатдоши унга сўз қотди:

—Булар билан бирга бўлиш жуда мароқли. Лекин фақат айрим қизлар кулгили кийиниб олишибди. Масалан, анави мавжудотга қаранг, сочлари қисқа, шим кийиб олган. Унинг қиз бола ёки ўғил болалигини тушуниб бўлмайди.

—Бу менинг қизим! — деди ёнидаги шериги.

—Оҳ, худо ҳаққи мени кечиринг, мен сиз у қизнинг отаси эканлигингизни билмаган эдим.

—Мен ҳеч ҳам отаси эмасман, мен онасиман, — деди шериги гердайиб.

### АЖОЙИБ ЗООЛОГ

Бир машҳур зоологнинг ҳашорат ва ҳайвонларга қизиқиши жуда баланд экан. Кунларнинг бирида у академиянинг маросимлар залига борибди ва зиёфатда иштирок этибди. Шу пайт зоолог ўзини вазмин ва сипо тутиши билан ҳаммани ҳайрон қолдираётган аёлни рақсга таклиф қилибди. Рақс пайтида зоолог аёлга хушомад қилиб дебди:

—Сиз мен учратган ҳамма ҳашоратлар ичида энг ёқимтойисиз.

**Немисчадан Улуғбек ИМЯМИНОВ таржимаси.**

# ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ

## Венгерча кроссворд

1. 1870 йили нашр этилган, Туркистон ўлкасида мустамлакачилик сиёсатини олиб боришга кўмаклашган газета (26). 2. 1898-1907 йилларда Тошкентда нашр этилган, И.И.Гепер муҳаррирлик қилган газета (16). 3. Исмоил Обидий ташкил этган биринчи ўзбек миллий газетаси (8). 4. 1906 йили ўзбек зиёлиси Мунаввар қори томонидан чиқарилган миллий газета (6). 5. Абдулла Авлоний муҳаррирлик қилган, атиги 10 сони чиқиб, ёпиб қўйилган газета (1907) (6). 6. Асосан савдо ишларини ёритган, тошкентлик машҳур бойлардан Саидкарим Саидазим ўғли томонидан чиқарилган газета (6). 7. "Шуҳрат" газетасининг сармояси билан 1908 йил 9 апрелида татар киши — Аҳмаджон Бектемиров муҳаррирлигида чиққан газета (4). 8. Бухородаги ёш тараққийпарварлар газетаси (1912) (12). 9. Беҳбудийнинг "Падаркуш" драмаси дастлаб эълон қилинган газета (5). 10. Абдулла Авлоний "Элу халқнинг кўзини очишга боис бўлди" дея таърифлаган газета (1913) қайси эди?(9) 11. Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев муҳаррирлик қилган жадидларнинг севимли газетаси (15). 12. Фарғонада биринчи марта ўзбек тилида чиққан газета (1914) (13). 13. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг ўзбек (8), рус (13), тожик (10), қозоқ (8) тилларида чоп этилувчи газетаси. 14. Халқ демократик партияси газетаси (15). 15. Миллий тикланиш демократик партияси газетаси (14). 16. "Адолат" социал демократик партияси газетаси (6). 17. "Фидокорлар" миллий демократик партияси газетаси (7). 18. Таълим тизими янгиликларини ёритувчи энг йирик газета (8). 19. Ўзбекистондаги биринчи мустақил газета (7). 20. "Туркистон-пресс" ахборот агентлиги муассислигида чиқаётган газета (6). 21. Касаба уюшмалари федерациясининг газетаси (5). 22. Ўзбекистон Маданият вазирлиги ва Ёзувчилар уюшмаси муассислигидаги газета (29). 23. Ўзбекистон ёшларининг газетаси (9). 24. Ўзбекистондаги биринчи иқтисодий газета (7). 25. Хотин-қизлар қўмитасининг газетаси (11). 26. Мудофаа вазирлигининг марказий нашри (11). 27. "Оқсоқоллар кенгаши", "Маҳалла" жамғармаси муассислигидаги газета (7). 28. Ўзбекистон Мусулмонлар идорасининг газетаси (9). 29. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси газетаси (5). 30. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги газетаси (6). 31. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг газетаси (13). 32. Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг газетаси (5). 33. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасини ёритувчи энг йирик газета (11).

| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | Т | У | Р | Р | У | С | С | | | | | | | | |
| | | | | | | | Т | С | И | К | Т | Й | И | К | Н | | | | | | | |
| | | | | | | Х | О | Н | В | И | У | Р | К | Т | А | Т | | | | | | |
| | | | | | Р | У | Т | Я | О | Л | Ш | У | Е | С | Р | А | Т | | | | | |
| | | | | С | Ш | И | И | Н | И | Н | Р | Ҳ | О | Й | А | С | У | Р | | | | |
| | | | Ў | А | Д | Д | З | А | Г | Г | А | И | С | И | Қ | А | М | О | Н | | | |
| | | Б | З | Й | О | Н | Е | Т | И | Б | Т | Ё | О | И | Ш | Х | А | Р | Қ | А | | |
| | К | Е | И | И | Т | О | О | Д | А | У | Х | О | Р | Р | А | А | Л | П | Р | Н | Д | |
| С | И | О | З | Р | У | Т | Й | И | С | | | | Ф | И | Ў | С | Қ | В | А | Н | У | Р |
| Т | О | В | М | К | И | С | А | Ф | | | | | | И | З | В | А | Д | О | Ж | И | Л |
| А | Н | О | И | Л | Л | Ғ | Р | | | | | | | | С | О | А | О | Л | И | Т | О |
| Д | О | Л | А | Й | И | О | Н | | | | | | | | Т | О | К | В | О | З | И | Ж |
| Ф | О | Р | Т | Т | И | К | А | | | | | | | | М | О | Б | А | Н | О | К | И |
| И | К | Р | И | Н | А | Л | М | А | | | | | | Я | И | Ҳ | И | Д | А | Т | Ч | Ш |
| Д | О | Р | Я | И | Ш | Қ | Т | Ъ | Р | | | | О | Т | А | С | Ё | Т | И | С | Н | О |
| | Ҳ | У | Т | О | Р | И | А | Ф | И | Н | П | А | И | Ъ | Н | А | В | И | К | З | Ў | |
| | | М | У | Д | Л | Ш | В | А | Т | А | В | Р | Л | А | Т | И | К | Р | Е | Б | | |
| | | | Л | К | О | Қ | Ҳ | Н | У | Р | А | Р | А | В | А | С | И | У | Т | | | |
| | | | | И | Т | Ё | А | М | М | И | А | Е | Н | А | Ж | Т | О | Н | | | | |
| | | | | | И | С | Л | О | А | Л | Л | К | Т | М | И | Я | Т | | | | | |
| | | | | | | Ҳ | У | Қ | Ҳ | А | О | Ш | О | О | Р | Т | | | | | | |
| | | | | | | | Қ | У | С | Т | Т | Ш | Қ | П | С | | | | | | | |
| | | | | | | | | П | О | Д | А | О | М | И | | | | | | | | |

***Тузувчи:* Давронбек ТОЖИАЛИЕВ**

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-293.
Тиражи 27613. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир:
Аҳмад ОТАБОЕВ,
Навбатчи:
Шерали НИШОНОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
Ⓜ белгиси остида реклама материаллари берилади

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими — 136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди — 21.00